«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ 2007

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назармат

УМРИМ МАЗМУНИ

Шеърлар,
достонлар,
баллада,
таржималар

«ШАРК» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ 2007

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назармат.
Умрим мазмуни: Шеърлар. достонлар / Назармат; Т.:

ББК. 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-00-100-8

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош тахририяти, 2007

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕОРОМ ҚАЛАМ СОҲИБИ

Сўз боши ўрнида

Мана, неча йиллардан бери барчамизга таниш ва қадрдон бўлган севимли шоиримиз, жанговар журналист Назармат Эгамназаровнинг муборак исми газета-журналлар сахифаларидан тушмай келади. Унинг эхтирос билан ёзган шеърий гулдасталари, ҳаёт нафаси анкиб турган очерк, мақолалари, қатор-қатор тўпламлари элга маъқул ва манзурдир.

Назарматнинг босиб ўтган ҳаёт йўлига бир назар ташласак, суронли жангу жадал йиллари, осойишта, саодатли дамлари шоирнинг турмуш тарзию ижодий йўналишини белгилайди. Эндигина университетни тамомлаган навқирон йигитни урушга олиб кетишди. Йигитликнинг энг гўзал дамлари ана шу оғир, суронли йилларга тўғри келди. Бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан жанг майдонига кирди, ижод қилди. Уша йиллари унинг жангчилар ҳаётидан битилган қатор-қатор очерклари, ҳикоялари, шеърий гулдасталари фронт газеталарида, шу жумладан республикамиз матбуоти сахифаларида тез-тез чиқиб турарди.

Шоирнинг ижодида уруш йилларининг нафаси ҳали-ҳали акс садо бериб туради. «Конимда аланга» шеърида бу ҳақиқатни ўзи ҳам тасдиқлайди:

Ёлғиз қолганимда элтади Ҳаёл,
Кексалик тортади қалбимдан мадор,
Этарсиз: «Жангни кўп ёзар», деб савол,
Не қилай, қонимда алангаси бор.

Белоруссия пойтахти Минскни фашистлардан озод этишда кўрсатган жасорати учун лейтенант Назармат Эгамназаров жанговар юксак мукофот билан тақдирланди. Белорусь

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқи чиндан ҳам Назармат акани ўз шоири, халоскори ва ёзувчиси деб билади. Унинг номи жангчи шоир сифатида «Белоруссия адабиёти ва санъати» мажмуасига киритилган.

Назармат ака урушдан зафар билан қайтиб келгач, «Ўзбекистон овози»да дастлаб адабий ходим, кейин бўлим мудири бўлиб ишлади. Мен ҳам 1949 йилда газетага ишга келганимда, биринчи бор шу олижаноб инсон билан танишиб қолганман. Шу-шу дўст, касбдош бўлиб бир-биримизга суяниб ишладик.

Журналист учун ҳамма нарсадан ҳам соғлиқ керак, соғлом фикрлаш, қунт керак. Ана шу хусусиятларнинг барчаси Назармат акада бор эди. Собиқ иттифоқ даврида газеталар кўпинча кечикиб чиқар, узундан-узоқ нутклар, докладлар, қарорлар, марказий газеталардан кўчирилган мақолалар билан тўла нашр этиладиган замонларда тонготар кечаларни бирга тонг оттирганмиз. Шундай оғир дамларда жангларда тобланган Назармат ака чарчаш нималигини билмай, навбатчи мухаррир сифатида газета сахифаларини зийраклик билан, ҳеч бир хато ўтказмай пухта ўқиб берар, шу билан ижод қилишга ҳам вақт топарди.

Биз «Тошкент ҳақиқати»да ишлаган кезларимизда Назармат ака Бекободга бориб, ишчилар ҳаётидан очерк, лавҳалар ёзиб келардим, деб қолдилар. Сафарга кетганларидан сўнг нимадир бўлдию, Назармат ака керак бўлиб қолди, Бекободга телефон қилдик. Редакцияда ҳам, райкомда ҳам йўқ. Кейин билсак, ўзи туғилган она юрти Новга ўтиб кетган экан. Қайтиб келганларидан кейин кистовга олган эдик, Бекободдан ёзиб келган бир даста турли мавзудаги материалларни кўрсатди.

Ростини айтсам, Бекободдан материалларни олиб бўлгач, туғилганларимни кўриб келай деб Новга ўтиб кетган эдим, икки кун кечикиб келдим, хавотир олманглар хиссасини чиқариб юбораман, — деди шоир кулиб.

Шу-шу редакциямизда гап таркалиб кетди: «Назармат ака Сирдарёга командировка олгач, уни кейин Новдан топасиз», — деган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назармат ака ҳақида тўқилган қизиқ ҳангомалар ҳам кўп эди. Бир куни редакциямизга африкалик журналистлар меҳмон бўлиб келишди. Ижодий ҳамкорлик, ўзаро мулоқот узоқ давом этди. Шунда конголик бир журналист Назарматга ўз тилида нималарнидир деди. Назармат ака ҳайрон, бизлар кулиб юбордик. Конголик журналист ҳайратда, бир Назармат акага қарайди, бир бизга.

Кейин билсам, чет эллик журналист Назармат акани африкалик негрлардан деб ўйлаган экан.

Шўро замонида шоирнинг ҳам, журналистнинг ҳам ҳеч качон бири икки бўлмаган. Назармат ака «Тошкент ҳақиқати» газатасида бўлим мудири эди-ю, лекин анча қийин ҳаёт кечирарди. Қураетган уйининг томи бир неча йиллардан бери ёпилмай ётарди. Кечқурун сахифага қўл қўйишни кутиб ўтирганимизда гапдан-гап чиқиб ўзлари ёрилиб қолдилар. «Томга ломбоз босиш учун лой тайёрлаб қўйган эдим, болалар хали ёш, кариндош-уруғларим, ўзингиз биласиз Новда яшашади...» дедилар бир оз ўксиниб.

Якшанба куни бутун жамоа билан хашарга бориб, Назармат аканинг томини ёпиб берганмиз. Рахматли хотинлари Орифахон ая мошхўрда қилиб берганлар. Бу қадрдон жамоанинг Назармат акага ҳурмати, эҳтироми белгиси эди.

Назармат ака шоир, таржимон сифатида ҳам кўп саховатли ишлар қилди. Икки қардош халқ — тожик ва ўзбек халқлари ўртасида дўстлик, иноклик ришталарини янада мустаҳкамлаш, боғлашда бир нодир ижодкор сифатида ўзини кўрсатди. У Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан Кайхисрав достонини, Мирзо Бедилнинг «Комде ва Мулан», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», Хусрав Дехлавийнинг «Мажнун ва Лайли» асарини ўзбек тилига ўгирди. Шу билан бирга атоқли тожик шоирларининг таржимаси ҳам Назармат ака қаламига мансубдир.

1997 йили шоир Назарматнинг «Гул ва гулхан» номли шеърлар, ҳикоялар, қиссалар тўплами «Шарқ» нашриёт-матбаа компаниясида чоп этилди. У журналист ижодининг қаймоғи десак хато бўлмас. Назармат аканинг содиқ шогирдларидан бири Жуманиёз Жабборов китобга ёзган сўз боши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сида дилидаги гапларни тўкиб солибди: «Шоир катта хаст ва ижодий меҳнат мактабини бошидан кечирди. Даврнинг барча мураккаб кечинмалари, иссиқ-совуғи, яхши-ёмони унинг қалбидан ўтди. Саҳифаларда мухрланди».

Биз ҳам шогирдларининг фикрларига кушиламиз. Пиру бадавлат, ишлаб чарчамас, меҳнаткаш шоирга яна ҳам узоқ умрлар тилаймиз. Биз шоирнинг сўзларига қўшимча қилиб деймиз:

Мана ажабтугул шоир Назармат энди тўқсон ёшга кирди. Шоир ҳали теран, фикрлари равшан. Ижод булоқлари қайнаб ётибди, тиниб-тинчимайди. Назармат аканинг мана шу сизларга тақдим этилаётган сайланмаси узоқ йиллик ижодий меҳнат самарасидир. Унинг мазмунида эзгулик, меҳр-мурувват, муҳаббат ва садоқат, она Ватанга меҳр, барча-барчаси ўз ифодасини топган. Биз азиз, қадрдон Назармат акага яна узоқ йиллар сиҳат-саломатлик, баракали умр ва ижод тилаймиз.

Мақсуд ҚОРИЕВ

•

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек адабиётида Назармат аканинг ўзига хос муносиб ўрни бор. Унинг шеър ва қўшиқлари, достон ва насрий асарлари минглаб китобхонларни ҳаяжонга солган. Устозимга узоқ умр, китобхон қалбидан жой оладиган янгидан-янги асарлар яратишида кучқувват тилайман.

ЎТКИР ХОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
1998.

УСТОЗИ АЗИЗ НАЗАРМАТ АКАГА!

Бир-биримиз сўроқлаб юриб,
Бир-биримиз жамлаб юрайлик,
Сиз юз ёшга гуркираб етинг,
Биз Сизга чой дамлаб юрайлик!

Сизга камоли эҳтиром билан
Ҳалима (Худойбердиева)

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲУРРИЯТ

Боғларда эсади оромбахш еллар,
Қуёшга бағрини тутади ерлар,
Наврўзи оламни кутади эллар,
Бу эзгу саодат, хуррият дўстлар.

Ҳуррият нигоҳи тарих қалбида,
Жонфидо элларнинг мангу ахлида,
Зулматлар тарк бўлур қуёш олдида,
Бу эзгу саодат, хуррият, дўстлар.

Широкнинг чароғи хуррият бўлган,
Темурнинг яроғи хуррият бўлган,
Элларнинг байроғи хуррият бўлган,
Бу эзгу саодат, хуррият, дўстлар.

Она ер очмоқда сахий бағрини,
Биз унинг эгаси, очган баҳрини,
Кенг олам билмоқда элим қадрини,
Бу эзгу саодат, хуррият, дўстлар.

Вояга етганда кутармиз иқбол,
Топган ризқ, насиба бўлмасин увол,
Боғбонмиз, қолса гар биздан бир ниҳол,
Бу эзгу саодат, хуррият, дўстлар.

Ёрдамга қўлдош бўл ожизни кўрсанг,
Сафарда йўлдош бўл ёлғизни кўрсанг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Захматда азиз бўл азизни кўрсанг,
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

Ҳуррият нақадар азизсан, ҳурсан,
Ўзлигин билганга нурли умрсан,
Бу ёруғ дунёда илоҳи нурсан,
Бу эзгу саодат, ҳуррият, дўстлар.

ТОНГ

Тонг зарбоф тўнини кийди машриқдан,
Зангори тус билан кўринди само,
Ранг-баранг чечакли боғлар қўйнидан,
Ёқимли хуш ҳидлар келтирди сабо.

Тонг гўзал, чечаклар еяр баргини,
Тонг гўзал, ҳаётнинг очар баҳрини,
Тонг гўзал, уйқуни тарк айлар кўзим,
Бу тонгда ишқ билан уйғонар ҳар ким.

Тонг билан борлиқла қайнайди ҳаёт,
Тонг билан жўр қушлар ўйнайди озод,
Тонг билан уйғониб мен ҳам шод, бардам,
Дарсхонам қўйнига қўяман қадам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНИНГ СОЗИНГ

А. С. Пушкинга

Жаҳонда янграйди мангулик бир соз,
Сен уни элларга қолдирдинг устоз,
Яшашнинг бахтига вафодор у роз,
Бархаёт умрингдай табаррук, эъзоз.
Куйладинг мозийнинг разил тақдирин,
Шоҳларнинг шафқатсиз ҳукмронлигин,
Замона даҳшатин, қабих кунларин,
Сибирь конларининг кора тунларин.
Таъқиблар этилдинг, ҳайдалдинг, охир,
Сен билан отишди кир юрак Дантес,
Гул умринг тугалди фожиа билан,
Йиқилдинг номарднинг ўқидан афсус.
Шоҳларнинг кир кўли хароб этсада,
Эл суйган куйларинг сўниб битмади,
Янграйди ҳаётда янгроқ куйларинг,
Маҳв бўлиб, қадрсиз жимиб кетмади.
Табаррук созингнинг унлари сўнмас,
Абадий куйланур ҳаёт боғида,
Куйлаймиз созингни сени ардоклаб,
Дилрабо кунларнинг гулшан чоғида.
Безатдинг ҳаётбахш сўзнинг гулзорин,
Дилларга баҳордай бағишлар ором,
Эл асло унутмас улуғ куйчисин,
Табаррук номингни эслайди мудом.

1937.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИККИ ТЎРТЛИК

Муҳаббат аслдир чиндан англасанг,
Қалбингга бол каби туюлар бутун.
Ҳар ишга жазм этиб, кўнгил бойласанг,
Муҳаббат бобида келасан устун.

* * *

Бахтим нашъаси дилимга тўлса,
Элимда мангу гулбаҳор кулса,
Нега куйламай хаёт боғимни,
Унинг тақдири, тақдирим бўлса.

1938.

ЭЛСЕВАР ФАРЗАНДМАН

Элсевар ўғлиман, буюк Ватаннинг
Чегара постини пойлаб, яшайман.
Ортимда адирлар, тоғлик, чегара,
Кузатиб ҳар ённи, қадам ташлайман.

Баъзи кун ўрайди туман тоғларни,
Қўнғироқ чалади шўх ирмоқлари,
Юлдуздай порлаган ўткир кўзимнинг
Яна ҳам кучланур қорачиқлари.

Йироқда яшайман, ўлкам қўйнидан
Кўринар чаманлар, боғлар кўзимга,
Хилма-хил гуллардан бўсалар олган,
Шўх еллар эсади кулган юзимга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Елкамда милтиғим, дурбин қўлимда,
Даралар қўйнига ташлайман назар.
Синчковман постимнинг ҳар бир ерига,
Синчиклаб қарайман, етказмай хатар.

Қирғоқда кўзларим, гулзор элимга,
Бирорта ёв-маккор ўтмасин дейман,
Заррадек доғ, ғубор бегона юртдан,
Қуёшли ўлкамга тушмасин дейман.

1938.

ДИЛБАР

Тонгда Дилбар китоб қўлтиклаб,
Сен ўтасан мактабинг томон,
Гулшан юзинг бардам одимлаб,
Сен борасан манзилга шодон.
Юрган йўлинг билим жаҳони,
Яшнар унда ёшлигинг они,
Гул кўраман нурли юзингда,
Бахтиёрсан эркинг ўзингда.
Сен билимга ошиққан дилбар,
Қора сочинг боғланган чамбар,
Гул очилсин юришингда қиз,
Аълочи бўл ўқишингда қиз.

1939.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЛБИМ

Қалбимнинг фасли ёз. Бахти кулмаса
Севинчдан жўш уриб куйлармиди у.
Соф тийрак меҳрида севги бўлмаса,
Тонгларда висолдан сўйлармиди у.
Муҳаббат меҳридан нур эмган қалбим,
Ўйна, кул, бор кучинг элга бўлсин банд,
Табаррук заминга илҳомим, завқим,
Таъзим эт, чунки сен унга бир фарзанд.

1939.

ТАЛАБА

Сен давримнинг маърифий насли,
Билимгоҳда кўрасан бахтинг,
Ёшлигингни кучган гул фасли,
Хурсанд кечар қувончли вақтинг.
Ёш қалбингда эзгу орзулар,
Билим қучмоқ нурли истагинг,
Маърифатнинг гулзор боғида,
Ўқиб ўсмоқ доно хислатинг.
Одат сенга ҳар тонг уйғониб,
Йўл оласан дарсхонанг томон,
Таниш гулу-гулзор қўйнидан,
Сен ўшасан шошилиб шодмон.
Гўзал, дилбар маърифатли қиз,
Сен жўшқин билимга ғайрат,
Сабоқларни аъло эгаллаб,
Камол топар сенда махорат.
Шўҳлигинг бор келишган яхши,
Билиминг бор ёшлигинг нақши,
Ҳаётинг бор ҳанқирон қувноқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иқболинг бор орзули порлоқ.
Сен ўқийсан жону дил билан,
Она элга доно қиз бўлиб,
Мен ҳам олдим тилга мадҳингни,
Ғайратингдан шодликка тўлиб.

1939.

ҚИЗДАН ЎТИНДИМ

Рўмолча силкитиб қолди нигорим,
«Тез қайтинг», — деган сўз бўлди ҳамдамим.
Меҳри дилни ўртаб, олди қарорим,
Висоли туюлди юрак малҳамим.
Она эл даъвати банд этди дилни,
Мен замон ташвишин улуғ тушундим,
Фронтда бошладим жанговар йўлни,
Ишқ жангдан ўтар деб ўтиндим.

1941.

САЙҲУН ЖАМОЛИ

Сайҳун соҳилини кезар эмишсан,
Шириннинг дардини сезар эмишсан,
Ҳаёлинг йўл бошлаб ҳижрон доғидан,
Кеч қайтар экансан Фарҳод тоғидан.
Қаршингда чўнг дарё, чимириб кошни,
Ҳар куни қўпорар экансан тошни,
Дил эса вараклаб ўн саккиз ёшни,
Пинҳон тутар экан соғинч бардошни.
Еллардан тебраниб сохил гуллари,
Кўраркан ўз аксин гул яноғингда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигитлар сен екка тушиб йўллари,
Интизор бўларкан ўтган чоғингда.
Тунлари кулбангда ўчмаскан чирок,
Сен билан кечалар бўларкан уйғок,
Йўлингга бош эгиб, мавжланиб хар кун,
Изингдан югуриб оқаркан Сайхун.
Қалбингни билмаскан хеч бир навқирон,
Деяркан йигитни севмас у жонон,
Бирок сен Ширидай қалбингда оташ,
Йўл кутиб, дил тутиб, ўлтириб яккаш,
Бахорни соғинган гулдай нигорим,
Мулоқот онларин кутарсан ёрим.

1943.

МАКТУБ

Ахмаджон Шукуров оиласига

Хурмат билан тилга оларлар,
Бизнинг фронтда Ахмаджонни,
Қўшиқларда тингладим уни,
Тенги йўк эр деган достонни.

Мардлигин сўйлар генерал,
Жангчиларнинг таълимида у,
Хужум окоп блиндажларда,
Сухбатларда Ахмаджон манзу.

Она элдай қуёшли чирой,
Азмида бор Фарходнинг кучи,
Хамласида эл озодлиги,
Ёвга чексиз қалбида ўчи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тургеневнинг она юртида,
Ўрмонларда кирди душманни,
Озод бўлган қишлоқларда у,
Сезди қадрин она Ватаннинг,

Эсдан чиқмас Ўзбекистони,
Бахтли куёш кулган гулистон,
Элни тахкир этган босқинчиларга
Қарши жанг қилмоқда ул марди майдон.

1943.

ЕРТЎЛА

Эртаю кеч бўрон увиллар,
Қор учқуни худди капалак.
Ўрмонликда туриб қолдик биз,
Дам олмоқчи бўлдик биз андак.

Тунаш учун қурдик ертўла,
Бир нафасда битказдик уни.
Жанглар ўтиб келган бўлинма,
Хордиқ олур унда шу куни.

Ертўлада жангчи дам олур,
Бири ўқир ёрин хатини,
Бири куйлаб севги қўшиғин,
Эркалайди муҳаббатини.

Либослар нам, иссиқдан ховур...
Хордиқ олур жангчилар бу он.
Эрта яна жангга қўзғолур,
Ёвга қарши кўтариб тўфон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртаю кеч бўрон гувиллар,
Қор учқуни худди капалак.
Ўрмонликда туриб қолдик биз.
Дам олмокчи бўлдик биз андак.

1943.

КЎРСА ЭДИ

Жанггохдаман, соғинурман, дил берганим кўрса эди,
Олис юртда олов ичра гул кўрганим кўрса эди.

Чох ичинда, кўз олдимда очилган гулни кўрдим,
Қани эрди, ёрга элтсам, ох урганим кўрса эди.

Кўз олдимда милтиллайди, жанггох гули бўтакўз,
Гулга караб, ёрни эслаб, лол турганим кўрса эди.

Тонг бўзарса, жанг бошланур, ким қолару,
ким кетар,
Бўта кўзла хайрлашиб йўл юрганим кўрса эди.

Она юртим ёдга келур, бир бўтакўз окопда,
Уни дилдор кўрганида шод бўлганим кўрса эди.

Жанглар аро дам олганда дилда дилдор кўринур,
Севги шанга бошлар дея югурганим кўрса эди.

Ох, жонгинам соғиниб мен гул кўрганим кўрса эди,
Қору кишда оташларда югурганим кўрса эди.

1944.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҒИНЧ

Атроф ям-яшил ўрмон,
Шивирлайди шамолда,
Дилда ишқинг эй жонон,
Гул чиройинг хаёлда.

Жангда душманни енгиб,
Озод ерда ўлтирсам,
Хаёлимга сен тушиб,
Дейман сени бир кўрсам.

Ишқинг улуғ, дил эса,
Соғинишга чидаркан,
Севги фироқни енгса,
Ошиқ ёрга етаркан.

Иссиқ, совуқни тотиб,
Сенга қайтарман ёрим,
Ғолиб қайтсам азизим,
Бўларсан гул баҳорим.

НАРЕВ ПЛАЦДАРМИДА

Биз Наревдан кечдик тонг чоғи,
Тилим-тилим дарё қирғоғи,
Совуқ окоп, чоҳлар ёнарди,
Ҳар қадамда умр сўнарди,
Атроф зулмат, осмон сурмаранг,
Соҳил бўйлаб, тинмас эди жанг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўп гумбирлаб бўкирар хар ён,
Бу ер бўлди менга имтихон,
Устда чойшаб, унга кор инар,
Муз еллардан кўзларим тинар,
Ер ўртанар атрофга боқсам,
Кеча-кундуз, сахар ва окшом,
Ёв кучанар нафаси битиб,
Кулдан мухим марраси кетиб,
Юрагимда ишонч, ўй бутун,
Бўшамадим жангдан неча кун,
Кор, совукдан ивиб, тўнганим,
Бирок бунда ёвни енгганим,
Хотирамдан чикмайди хеч бир,
Колар менда улар бир умр.

ҲАМШИРА

Шиддатли майдонда, хужум жангида
Йикилди ёш жангчи, тиззалари кон.
Оғир яра изи бўздай рангида,
Тишини тишига қўйди қахрамон.
Талпинди туришга, олга, хужумга,
Қанийди босолса оёкни ўглон.
Деди у «не бўлди менинг кучимга,
Кетмокда ўк теккан оёкдан дармон».
У ерга кўл тираб, сўнг ётиб колди,
Хамшира кўрдию, югурди жадал,
Ярасин боғлаб, сўнг аста кўзғалди,
Ортига қайтди дард, чанг солган ажал.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Майдонда жанг борар, кўкда ўт чақнар,
Ҳамшира елкалаб, йўл босар илдам,
Раҳмат деб ёш жангчи лаб қимирлатар,
Кўнгли дер тез кунда қўярсан қадам.
Мовий кўз, олтин соч, ботир ҳамшира,
Мажрухнинг дардини сезар қалбида.
Ватаннинг мардлари доим соғ бўлса,
Менга бас дейди қиз жанг майдонида.
Ҳамшира жанггоҳда дам олмас бир зум,
Оловли йўлларни кезар уззукун,
Соғу, яралорлар айлайди таъзим,
Чунки улар умрин ўйлайди бутун.

1944.

ҚАДАҲ

Муздай тоза шароб бор
Фронт пиёласида,
Йиллар давон ошади
Тарих остонасида.
Келтир сокий майимни,
Қўлларимни узатдим,
Зафар чулғаб кайфимни,
Эски йилни кузатдим.
Ёш умримнинг иқболин,
Сафари-чун ичаман,
Мени кутган жангларнинг,
Зафари-чун ичаман.
Янги йилнинг тонгида,
Тўплардан ўт очилсин,
Пиёламда тўлган май,
Тўп ўтидан чайқалсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуролимни ўпиб мен,
Янги йилга қарайман.
Она элга бахт истаб,
Дилда ишқин асрайман.
Келтир соқий шаробни,
Жангчи қўлига узат,
Янги йилда янги жанг,
Оқ йўлларига кузат.

ПОЛЯК ҚИЗИ

Олтин сочлари тўзғиб,
Юм-юм кўзёш тўкиб,
Турганида кўп ўксиб,
Кўрдим поляк қизини.

Фашист отган отасин,
Ҳам мехрибон онасин,
Ўтга ёққан хонасин,
Сўлдирган гул юзини.

Бизни кўриб: «Бахт! — деди.
Келди шодлик вақт, — деди.
Қочди ёв бадбахт», — деди,
Яшнатиб шод кўзини.

Узди гуллар бирпасда,
— Дзенъ добре! — деб аста,
Берди бизга гулдаста
Тониб эрк кундузини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИСЛА БЎЙИДА

Қардош элнинг улуғ дарёси,
Сохилингга келдик жанг билан,
Кул-кул бўлгай фашист дунёси,
Заҳарлолмас гулшанни илон.
Қадрли Дон, Днепр, Буглан
Ўтиб келдик зумрад ёқангга,
Боскинчилар дуч келиб ўқдан,
Сохилингда коришди конга,
Жилва билан ўйна, оқ ларё,
Тўлкинларинг жангни куйласин,
Ёдимдадир она Сирларё,
Ботирларга салом йўлласин.

1944.

ҚАҲРАМОННИНГ ҚАБРИ

Эльбанинг бўйида кичик адир бор,
Адирнинг устида ёлғиз қабр бор.
Ухлайди қабрда жангчи қаҳрамон,
Зафардай табаррук покиза виждон,
Қабрни силайди манзилсиз шамол,
Қабрга кўрсатар шарқдан кун жамол,
Зиёрат этгандай қўйиб баҳр тўшлар,
Қабрнинг устида йиғлайди қушлар.
Дўстлари тиз чўкиб қабрга аста,
Зиёрат этишиб, қўяр гулдаста,
Ким ётур бу ерда, ким бўлди ўзи,
Ким бўлди бу ерда юмилган кўзи.
Элсевар баходир жанговар ўрток,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зўр жангда мардларча бўлганди халок,
Ватани бор эди Сирнинг бўйида,
Улғайиб ўсганди бахор қўйнида,
Зўр уруш бошланди, уйин тарк этди,
Шинельни кийдию фронтга кетди.
Интиком отаси қоплади уни,
Жанг билан ўтарди унинг хар куни,
Ватаннинг мукаддас тупроғи ёвдан,
Тозалаб ўтди у хар тўсик, ғовдан,
Ўқ жойлаб ёвузнинг малъун жонига,
Йўл олди йиртқичнинг кир маконига.
Жангларнинг сўнгида, зафарли дамда,
Тарқалди қайғули хабар кисмда,
Қахрамон йиқилган дарё четида,
Ўлимнинг излари конли этида.
У билан хайрлашди дўстлар адирда,
Севимли жанговар ётур қабрда,
Алвидо дейишди уни билганлар,
Волгадан жанг билан бирга келганлар,
Эльбанинг бўйида кичик адир бор,
Адирнинг устида ёлғиз қабр бор,
Ухлайди қабрда ёлғиз қахрамон,
Мард узбек фарзанди, покиза виждон.

1945.

САОДАТ ГУЛШАНИГА

Саодат гулшани диёрим менинг,
Умримни безатган бахорим менинг,
Сенда эл бахтиёр, даври гул бўлган,
Эрк, шодлик умрига мангу йўл бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен сенинг фарзандинг, қўлимда курол,
Жангдаман, ёв сени қилолмас поймол.
Онт ичиб кирганман жангу тўфонга,
Қаҳрингни сочаман разил душманга.

1945.

СЕВГИ МАДҲИ

Жанггоҳдаман, соғинурман,
мени ёрим кўрса эди,
Олов ичра юрганимни
вафодорим кўрса эди.
Олис юртда баҳор чоғи
жанггоҳда бир гулни кўрдим,
Ёнгинамда ўсган эди,
гулбаҳорим кўрса эди.
Ўт ичра у яллиғланиб,
турар мисли самандар,
Ишқ рамзи деб кўлга олсам,
у гулнорим кўрса эди.
Тонг окарса жанг бошланар,
ким колару, ким кетар.
Ёрга омон етай дерман,
Интизорим кўрса эди.
Жанглар аро дам олганда,
Дилда дилдор кўринур,
Севги мехри шонга йўллар,
ахд, қарорим кўрса эди.
Оҳ, жонгинам, соғинурман,
умидворим кўрса эди,
Тебранар гул, термулурман,
гулизорим кўрса эди.

1945.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮРТИНИ ЭСЛАРДИ

Қисмимиз шаҳарни кечқурун олди,
Кўчаларда аста бурксиди олов.
Бир жангчи жойидан шошиб қўзғалди,
Сўнг шаҳар устига тиклади ялов.
Бинодан тушаркан асфальт кўчада
Ёниб ётган танкнинг ёнидан ўтди.
Ғарб томон юраркан оппоқ кечада
Қалбини ҳаётнинг сирлари тутди.
Ойдинда милтиллар корли далалар,
Қорайиб кўринар олисдан ўрмон.
Жангчи дам олганда, тўзғиб ҳаёллар
Туғилган юртини эслади шу он.

1945.

ЭЛ ТУТГАН ҚУРОЛ

Кишилик дунёси қуёшдек қадим,
Унда кўп нарсалар сирли, яширин.
Бахт топсанг шум кўшнинг бўларкан ғаним,
Баъзан кўк тинчлигин бузар дўл, яшин.
Элимда гулбаҳор қулоч ёзганда,
Бу бахтни кўролмай чанг солди душман.
Гар ёвуз бировга чоҳ қазса, бир кун
Ўзига бўларкан у чоҳ жаҳаннам.
Қуёшдан нур эмиб яшнаган элнинг
Муқаддас ҳокин ёв топтаган чоғда.
Эл турди оёкка олиб қуролни,
Деди ёв қувилар азиз тупроқдан.
Она Ер мардларин олди бағрига,
Бироқ у бўлмади занжирбанд, поймол,
Босқинчи учради элнинг қаҳрига,
Ғалаба келтирди эл тутган қурол.

1945.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОНГДА УЙҒОНДИМ

Тонгда уйғондим,
Қаршимда денгиз.
Хаёл-ла тўлғондим
Ётибман ёлғиз.
Тўлқин ва туман
Қирғоққа келур.
Ер яшил суман,
Шабада елур,
Бошин хам қилиб
Сўзлар мажнунтол,
Дилимни билиб
Сўрагандай хол.
Новдаси ўхшар
Ёрим зулфига,
Аста қўл солар
Кўнгил қулфига.
Бошим устида
Чайқалиб беҳол,
Хаёл кўксида
Турар мажнунтол.
Ёдимга тушди
Беором сохил,
Олисда қолган
Гўзал кирккокил.

1945.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИСОЛ ХАЁЛИ

Эслайсизми, севимли қизлар,
Жанггоҳларда юрган йигитни,
Сизларни деб кеча-кундузлар,
Ўзни ўтга урган йигитни,
Сочи қўнғир, кўзи коп-кора
Омон юриб сизни ўйловчи.
Ёвни енгиб, сокин жанг ора,
Дам олганда сизни куйловчи,
У мардларни йўл кутиб сизлар.
Ўйлайсизми севимли қизлар.
Мард дилининг армони висол.
Жанггоҳларда унинг паноҳи.
Бўш қолганда суради хаёл,
Кўринади ёрнинг нигоҳи,
Шамоллардан сўрайди аҳвол,
Эсларми дер қошлари ҳилол.

Дашт ўрмонлар оташ манзилим.
Йўллар ўтдим шиддатли узоқ.
Хижрон билан ўрганди дилим.
Бўронларга чорларди фирок.
Зафар туғи бўлди муҳаббат.
Ёлқинидан дилда унди гул.
Пайдо бўлиб ундан садоқат.
Булбулларга жўр бўлди кўнгил.
Унинг билан туғилар наво.
Туйғуларда соғинч қанотдир.
Ишқ бор экан куй бор доимо.
Ишқ хар дилда гулшан хаётдир.
Ўтдим мен ишқ синовин омон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бўронларга айланди нолам.
Висол етиб гул тутди жонон,
Менга гўзал кўринар олам.

Гул ҳаётнинг кўрк-гули қизлар,
Эслайсизми мардларни сизлар.

1945.

ЙИГИТ СОҒИНГАНДА

Ёр мехри ой бўлар қарашларида,
Ҳатто жанг, талотум отишларида
Дилдори кўнглидан ўтар нур бўлиб,
Висолга чорлаган гул умр бўлиб.
Гоҳ қолар жанг тунин зулматларида,
Гоҳ яшил ўрмоннинг хилватларида.
Гоҳ гуллар ўралар оёкларига,
Ўхшагандай ёрин ёноқларига.
Саломга шошилар баҳор чечаги,
Жангчининг кўнглида олис малаги.
Гоҳ захкаш окопнинг тупроқларига,
Гоҳ содиқ милтиғин қўндоқларига
Пўлатдай кўкрагин қўйган чоғида,
Товланар ишқ нури дил яшроғида.
Гоҳ жангда ёвини кувиб кетганда,
Гоҳ янги маррага бориб етганда,
Соқолин тараштаб яшарганда эр,
«Соғиндим, азизим, сени кўрсам», дер.
Севгани юргандай бўлар ёнида,
Чехрасин кўргандай жанг майдонида.
Ёнингда юрибман дегандай бўлар,
Соғиниб турибман дегандай бўлар.
Жангчи гоҳ ёр истаб ўйга чўмар-у,
Оромсиз кўзларин бир зум юмар-у,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хаслда кўради сохибжамолин,
Дардлашар қалби-ла истаб висолин.
Кўзғолур у яна жангу тўфонга,
Етай дер йўл пойлаб кутган жононга.

1945.

ҚИЗ СОҒИНГАНДА

Оқшом пайти гўзал чаманзорларда,
Гуркираб яшнаган пахтазорларда,
Мусаффо, шўх сувли сойлар бўйида,
Хушовоз булбуллар, қушлар тўйида,
Қадрдон қизларнинг сухбатларида,
Ойдинли тунларнинг хилватларида,
Ишдан бўшаб уйда ўлтирганда қиз
Қалбида снаркан мухаббат слғиз.
Унинг пок мехрида севгиси пинхон,
Севимли ёрини эслаб ногахон,
Ўй суриб қотганча қолармиш бирпас,
Ҳам чуқур оҳ тортиб, олармиш нафас.
Хаёл бор малакда — дилнинг кўзгуси,
Йигитнинг салмоғи оғир туйилар,
Ҳижроннинг булоғи дилга қуйилар.
Ҳаққи бор, маъшукнинг ўртанса қалби,
Ҳаққи бор, ишқ деса соғинган лаби.
Ҳаққи бор, кутишдан сочга тушса оқ,
Ҳижроннинг сўнгида висол кенг кучок —
Очганда бўсалар кулар лабларда,
Барқ урар мухаббат, шодлик қалбларда.
Шунинг-чун ёнса-да қалбида хижрон,
Кўз тутиб ёрини кутарди жонон.

1945.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕНГИЗ

Денгиз, денгиз, Болтиқ денгизи,
Қучоғингда туман ва тўлқин,
Сохилингга ватан жангчиси,
Келди ёвни мажақлаб бугун.

Сиринг кўпми дунёлар қадар,
Ўтганмисан кечиб кўп диёр.
Кенгликларда елдай тинчсиз ҳар
Тўлқинингда қандай хикмат бор?

Тарихинг кўп, сўйлашга лолсен,
Касбинг кўпик отиб ўйноклаш.
Кун нуридан сайқал ва олсен,
Сенда тўлқин томчи мунчоклаш.

Душманини тиғдан ўтказиб,
Сохилингда турар қасосчи.
Сен коларсан уни кузатиб,
Яна олға жўнар қасосчи.

1945.

СЕНИНГ ЁДИНГ

Кеч кирганда, севимли нигор,
Бошинг узра юлдуз сочилар,
Уйғонганда уйкудан нахор,
Сени қутлаб кундуз очилар.
Мафтун этиб сени кўркига,
Йўлларингда тўлишар баҳор,
Жоним, юрсанг гуллар юртига,
Кўзларингда жозиба, хумор...
Гул хуснингдан хусн оларкан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ва булбулга ғавғо соларкан,
Қандай яхши сенга ёр бўлмоқ,
Ва сен билан бахтиёр бўлмоқ.

1946.

СУРХОН СОҲИЛЛАРИДА

Сурхон соҳилларида оқ, нафис ҳосил,
Икки тоғ ораси бўлибди чаман,
Беҳоён ажойиб водий бағрида,
Учратдим тоғ бўлган хирмонларни мен.
Кун нури сайкалдир кумуш кўркида,
Кўнгилга завқ бериб этади мафтун,
Олтин совғалардан карвон тузади
Шўрчи, Денов, Термиз, Жаркўрғон, Узун.
Тонг окариб, кўкда юлдузлар сўнар,
Ўркачли тоғларда ялтирайди қор,
Банд этар қалбларни олтин макони,
Эл барпо этган мўл сўнгсиз пахтазор.
Чанокка йўналган чечан қўлларнинг
Азмини белгилар кўтарилган қоп,
Табелчи дафтарин очиб хирмонда,
Терилган пахтага ясайди ҳисоб.
Аравакаш йўлда отни қамчилар,
Карвонлар ўтади олтинлар билан.
Пахтакор мардларнинг қалбида орзу,
Тезроқ бажарилса олинган режа.
Водий бўйлаб меҳнат тантана қилар,
Мўл хосил мардлари топган ундан шон,
Элимнинг бу жануб гулшан юртида,
Ҳаёт яшнаб борлиқ бўлган гулистон.

1948.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ФАРҲОД БАҲОРИ

Алишер Навоийга

Ям-яшил сохилда, навбаҳор пайти,
Янграр Алишернинг ғазали, байти,
Оқшом пайт ястаниб икки ёш дилдор,
«Фарҳод ва Ширин»дан ўқирди ашъор.
Ёш йигит куйманиб Фарҳод дардига,
Таҳсинлар ўқирди севги мардига,
Қиз қалби Ширинниинг умрини хазон,
Этган қаро кунга кўтарар исён.
Тоғ аро Сирдарё мавж урар эди,
Шошиб, кўпик отиб югурар эди,
Чор атроф гуркирар, дилрабо баҳор,
Фарҳод афсонасин дардли шаҳди бор.
Жиловланган дарё устида тўғон,
Қадим эл орзусин этарди баён:
Мен ўша қўшиқман, дарё достони,
Покиза қалбларнинг шаҳду паймони.
Мен ўша боболар аҳди номидан
Ўлмас қўшиқ бўлиб, бахт айёмидан,
Оламга обида қолдирган китоб,
Ва ўша ўтмишнинг охига жавоб.
Мен ўша Ширинман, мен ўша Фарҳод,
Мен ўша Лайлиман, кўтариб фарёд:
Мажнун исми билан куйланган достон,
Ва халқим қалбида сақлаган армон.
Мен она Ватанга бериб сув ва нур,
Бахш этгум чўлларга янги гул умр,
Икки ёш юракдан севиб диёрин,
Томоша киларди Фарҳод баҳорин.

1948.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҲАНГАРОН

Ер остида нодир, шунчалар сўнгсиз,
Конлар борлигини ким билар эди?
Ўтмишда хас териб, олов ёққанлар,
Иссиқлик ахтариб, нур тилар эди.
Геолог олимлар ер қатламларин,
Текшириб тондилар қора олтин кон,
Бағрида сақлаган шунча бойлигин,
Эндиликда халққа қилди армуғон.
Мана шахтёрлар ер қучоғидан,
Қора харсангларни тоғ-тоғ кўчирар,
Вагонлар юк ортиб Охангарондан,
Сафарга жўнайди, ёнар гулханлар.
Кўмир хавзасидан ёқилғи келар,
Шахтёрлар кон қазиб, кучмоқда зафар,
Элга доврук солиб кора олтини,
Ўлкада яралди янги бир шахар.

1954.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВАХШ ТАРОНАЛАРИ

1. ТОҒЛАР ОРАЛАБ...

Вахшга бормоқдаман тоғлар оралаб,
Узоқларда қолди ям-яшил Кўктош,
Машинадан боқдим кўкка мўралаб,
Менга кўл бергандай кўринди қуёш,
Тасмадек ўралиб тоғлар белига,
Олисдан қорайиб, асфальт ялтирар.
Бормоқдаман Вахшга, мардлар элига,
Шод туйғу қалбимга тўлқин келтирар.
Уфқни излайман тоғлар-чордевор,
Сахий сиртларида тинч кезар пода.
Гоҳида кўринар тоғда дарахтзор,
Бургут чарх ураді мовий ҳавода.
Харсанглар қалашган сўқмоқ йўл бўйлаб,
Яшил ўнгирларга кўй хайдар чўпон,
Тоғларда мавж урган ҳаётни ўйлаб,
Вахшга бормоқдаман олдимда довон.

2. ТУНДА ДАЛАДА ЧИРОҚ МИЛТИЛЛАР

Тунда далада чироқ милтиллар,
Хаёлни олиб кочар шуъласи,
Олов капалакдек сузар, йилтиллар,
Гоҳ йўқолиб қолар нурли шарпаси.
Тўлкин белида учган елкандек,
Жойини ўзгартиб, яна живирлар,
Чироқдан шўхлик нур келтиргандек,
Япроқлар ўйнаб аста шивирлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақат беркиниб осмон сирғаси,
Ой билан юлдуз кўрсатмас жамол.
Фақат тун бўйи тинмай бўсаси,
Гулларни қучиб эсарди шамол.
Сувчи қўлида йилтираб ўйнаб,
Тонг ёришгунча ўчмади чироқ,
Шунданми дейман эгатлар бўйлаб,
Яшнаб кўринди чаноқлар оппоқ.

3. ТОҒ ГЎЗАЛИ

Лабингда табассум ва хол,
накш олган жамол.
Бошингда хилпираб рўмол,
кўриндинг хушхол.
Қўлингда биқирлаб кўза,
ўйнар сув узра.
Чўмилди кокилинг сувда,
дилинг осуда.
Сўрадим: Сен қайси боғдан?
дединг: Мен тоғдан.
Югурди кўзларим токка,
харсангли ёкка.
Мудради тош кўчган довон,
кўринмас макон,
Лочиндай изланар хаёл,
ғувиллар шамол,
Тополмай изингни унда,
қалбим тўлқинда,
Сўрадим: Сен қайси боғдан?
дединг: Мен тоғдан.
Кўзларинг кулдию, бокдинг,
илхомим ёқдинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўлингда ястаниб гулзор,
олтин пахтазор,
Мен, — деди у қизнинг юрти,
водийнинг кўрки!
Сен, — дедим — о гўзал дилдор,
боқиб сўнгги бор,
Сўрадим: Сен қайси боғдан?
дединг: Мен тоғдан,
Асли шу боғдан.

4. ПАНЖ ГАНЖИ

Водий жанубида Ватан худуди,
Панж[1] қирларида кўй «кур-кур»ланди.
Гўшанинг ранг-баранг кўркам вужуди
Ипакдек жилвагар яшнаб, нурланди.
Ўнгирларга боқдим най навосида,
Аста ястанарди чорва кўрпаси,
Бахмал адирдаги чўпон созида,
Қоракўлнинг мақтовли кумуш барраси.
Яйлов ботирлари: — Панж ганжин,
Ўғлон, —
Чорвамиз, — дер, — кара унга бир жахон.
Саватларда диликаптар, хусайни,
Сўриларда токни букмиш ёқут бош.
Татиб кўрсанг эслаб кетарсан майни,
Ғуж-ғуж доналарда акс этган қуёш.
Анор — ёқут, анжир — олтин тангалар,
Тирговичнинг белин буккан шафтоли.
Қовун-тарвуз — сой тошидек товланар.
Боғбон дер: — Бу, фаровонлик иқболи,

[1] Худуд маркази

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўрмоқ бўлсанг агар, Панж ганжин ўғлон,
Боғларга юр, унда тўкин дастурхон.
Қурок-курок эгатлардан ўтардим,
Одам бўйи кўчатларда хаёлим,
Кўзни ипак чанокларга тикардим.
Чанокларки олтин коса лиммо-лим.
Уфкларни кўзим кувар, етолмас.
Қайга борсам пахта кони кенг майдон,
Юрагида жўшкин ғайрат, зўр хавас,
Шунда бошлар мени хирмонга деҳкон,
— Ер хазина, — деди, Панж ганжин —
Ўғлон, —
Ок олтиндир элга бойлик, армуғон.
Адирларга бокдим яйрар қўзи, қўй,
Ёнбошимда хушнуд турар мард чўпон,
Боккa кирдим ундан маъмур хамма уй,
Мева тутар менга мўйсафид боғбон.
Пайкалларда пахта қайнаб тоғ бўлди,
Юрагимда бир ажиб хис, хаяжон,
Панж ерларин кезиб вактим чоғ бўлди,
Ёнбошимда борар миришкор деҳкон.
Панж чиройи қалбга сўзларди шу он:
Ганжим менинг — одамларим бегумон.

1955.

БАҲОР ОВОЗИ

Безанмокда қадрдон ерлар,
Сезилмайди қишнинг аёзи,
Майса гилам ёпинган қирлар,
Соф еллардан ғунчалар нози,
Қуйилади қалбларга хушхол,
Демак улар баҳор овози.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Неки унган боғу бўстонда,
Ҳаммасини куйлай дегандай,
Нурга тўлган мовий осмонда,
Минг оҳангда сайрайди тўрғай,
Кўринмайди қушча парвози,
Келар ундан баҳор овози.

Кулоқ солиб жилмаяр дехкон,
Куйла, дейди қушча баҳорни,
Хаёлида кенг пахта майдон,
Ўйлар хосил, яшил қаторни.
Гумбурлайди мотор овози,
Деҳқон дер: Бу — баҳор овози.

Ер тафтига қарар пахтакор,
Ҳар йил шундай тўлкинланади,
Ерга тушган неки уруғ бор,
Меҳнат билан яшнаб унади,
У биландир эл баҳор ёзи,
Унга чорлар баҳор овози.

1956.

СИР БЎЙИДА ГУЛХАН ЁНАДИ

Сир бўйида гулхан ёнади,
Бошин эгган оловга она,
Шаҳид ўғлин ёдга олади,
Жудоликдан юраги ёна,
Елкасига ташланган рўмол,
Калли букик соғинч хаёлдан,
Кўрар ўғлин руҳини алҳол,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мангу ёнган дардли оловдан,
Дилларида соғинч хаёли,
Кўпдир срин кўролмаганлар,
Унашилиб, никоҳ маҳали.
Чимилдиққа киролмаганлар,
Кута, кута ўтиб кўп йиллар,
Ғариб дилда ёр ёди қолган.
Тумор бўлиб сўнгги хат, хабар,
Уйда севги фарёди қолган.
Кекса она чиқар уйидан,
Йўлин кутар фарзандин ҳамон,
Келин бўлмиш турар ёнида,
Энди қариб чўккан, ногирон.
Йиллар умр хисобин тўплар,
Одат эрур мардларни кутиш,
Лекин жангдан қайтмади кўплар,
Мумкин эмас дардни унутиш.
Ҳар шаҳидда Ватан азми бор,
Уни бизга қолдириб кетган,
Унутманг деб эрк она диёр,
Уларни эл виждони этган.
Сир бўйида гулхан ёнади,
Бошин эгган оловга она,
Шаҳид ўғлин ёдга олади,
Жудоликдан юраги ёна.

ҚАЙГА ТАНҲО БОРАСАН

Айтчи дилбар эрта туриб қайга танҳо борасан,
Субҳи сабо нури бўлиб, жаҳон аро борасан.

Бу оламда кўз тушмаган меҳригиёҳ гулмисан,
Ёлғиз десам борми кутган кимла ҳамроҳ борасан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Парвоз этиб кўкка учган жўрлар сени куйлашар,
Бор оламни куйга чўмиб жазми наво борасан.

Гул нигохинг етаклайди вафо сари бир умр,
Сенга мафтун бўлганларга боқмай қиё борасан.

Мадхинг ёниқ ишқ гуллари, сарин сахро еллари,
Кўрай десам кўринмасдан хури дунё борасан.

Йўлинг тушган чаманлардан сўроқлайман изингни,
Айтчи дилбар шошиб қайга мисли руъё борасан.

Назарматнинг нигохисан, сўнмас оташ охисан,
Билсанг менга сен биттасан, қайга танхо борасан.

1960.

СЕН ЎЗИНГ

Гул фаслидир, боғимга кел нигорим сен ўзинг,
Ранг талашур гўзаллик, унда борим сен ўзинг.

Зебо эрур кизил гул ғунча баргин ёзганда,
Қизил гулдан афзалроқ гулузорим сен ўзинг.

Меҳри ишқинг таърифин куйлаб достон айладим,
Куйларимнинг чашмаси юрак торим сен ўзинг.

Кулиб чиқсанг уйингдан, ўргилай деб бўйингдан,
Шошиламан йўлингга, интизорим сен ўзинг.

Гул хаётнинг гаштини тондим меҳру вафодан,
Умрим завқи сен билан, вафодорим сен ўзинг.

Бирга юрсак боғ аро, гуллар сени табриклар,
Севинч тўлган дилимда, навбаҳорим сен ўзинг.

1960.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОШИҚМАН ЎЗИМ

Сўзламанг ошик хакинда, чунки ошиқман ўзим,
Элга достон бўлди дўстлар, ошиклигим, ишк сўзим.

Севги сўнмас бир оташким, ёнар жону жаҳонлар,
Ишқ оламин машрабиман, дил нигохим ой юзим.

Ёр висоли фирдавс менга, хумо мехри хаёлим,
Излаб изин мен борурман, қайда дебон ёлғизим.

Назар куйлар соғинчила дилрабо ёр жамолин,
Бахтим эрур висол йўлин кўрсатса тонг юлдузим.

Сўзламанг ошик хакинда, чунки ошиқман ўзим,
Элга достон бўлди дўстлар, ошиклигим, ишк сўзим.

1960.

УЧРАТГАНМАН ҚАЕРДА УНИ?

Мирзачўлда бадковоқ оқшом,
Далаларда канот ёзган дам,
Қора осмон худди тешик том
Ёмғир ёғар эди мунча хам,
Шундай пайтда кимдир мен томон,
Йўлни кесиб келар эди тик,
Кийиб олган пахталик чопон,
Оёғида оғир керз этик,
Салом бериб, сўради: Мехмон,
Кўрдингизми раисни йўлда...
Йўк, — дедим, сўнг — супилкаданми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нотинч эди дарди кўнгилда,
Ҳа, ўхшатдим, — деди у аранг, —
Тракторнинг тинди нафаси,
Ёмғир ёғиб бошимиз гаранг,
Туриб колди колхоз пахтаси,
Унинг юзи таниш кўринди,
Учратганман қайда, қай куни,
Хаёлларим тўзғиб бўлинди,
Ҳа, кўрганман, урушда уни.

1961.

ҚАДАМЛАР

Қадамдан бошланар инсон хаёти,
Янги манзилларга чорлар ҳар куни.
Баъзан қанотсиз-у, баъзан қаноти —
Бўлар топган бахти, учирар уни.
Шунда олам унга фируза, шаффоф,
Қушдай енгил кўчар ҳар бир кадами.
Йўлига нур сочар мехр билан офтоб,
Танга болдай сингир олган ҳар дами.
Шунда ўтган умрин бир манзил фаҳмлаб,
Янги кадам ташлар нурли уфққа.
Одамлар бахтини топар кадамлаб,
Кадамлар эгадир буюк ҳукукка.

1962.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАҚС СЕҲРГАРИ

Мукаррама Турғунбоевага

Сеҳринг борми қадим «Тановар»
Қанот ёзар сен-ла раққоса,
Зап ярашмиш дурра ва камзул,
Рақс ва куйдан кўнгиллар ўсар.
Рақс тушади Мукаррамахон,
Аста-аста куйлар «Тановар».
Ҳар рақсида жозиба туғён,
Ҳар мақоми мунча сеҳргар,
Сўйларми у элнинг удумин,
Оналарнинг кўхна дил дудин.
Келинларнинг шўх, ишва нозин,
Ё қизларнинг орзу парвозин.
Ҳар рақсига акл танг қолур,
Ҳар рақсида бир жаҳон санъат.
Рақс тушганда дил оханг олур,
Санъатига дейсан минг рахмат.

1964.

СУРНАЙ НАВОСИ

Эшитилар кўчадан
Сурнай навоси,
Навосидан таралар
Севги вафоси,
Вафо куйин завқидан,
Дилим чалар най,
Куйламаган, ёнмаган,
Дилни не қилай?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Севгани м бор охудек,
Юрар олисда,
Тинглаб сурнай навосин,
Дил ёнар ҳисда,
Секин янгра илтимос,
Сурнай навоси,
Ёр висолин қўмсайди,
Кўнгил ҳавоси.
Булбул хониш қилганда,
Боғда гул ўйнар,
Ёр қошингга келганда,
Дил ёниб куйлар.
Сарвинозим куй тинглаб,
Келгин яқинроқ,
Қўшиқ бўлиб, куй бўлиб,
Юрагимга оқ,
Дил оҳимга бок.

1964.

ШОИР ЙЎЛИ

Акам Аширмат хотирасига

Қалбим кўзгусида пайдо бўласан,
Бир қўшиқ айтишга ҳозир тургандек,
Индамай қаршимга аста юрасан,
Шеър ўқиб қайтишга хозир тургандек.
Қўлингда китобинг «Тоғлар ва боғлар»,
Борлигимни элга эслатсин дейсан.
Сўнг дейсан ўзимни энди кўрмайсан,
Изингни йўқотиб, юрагим йиғлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунда очилади аста китобинг,
Вараклар куйлайди овозинг бўлиб,
Унда бор юрагинг, мехринг, хитобинг,
Қушдек канот қоқар парвозинг бўлиб.
Дилларни аллалаб, сен йўл бошлайсан,
Шўх ва шошқин Кофарнихон бўйига.
Тоғлар ошиб, яшнаб қадам ташлайсан,
Сохибжамол Лахш қизлар уйига.
Вахш боғларин жондан севиб куйлайсан,
Бориб келай дейсан яна Кўлобга,
Қўшиқ битсанг, янгисини ўйлайсан,
Баъзан сархуш, дил берасан гулобга.
Баъзан қахринг тошиб саркит, ёмонга,
Қаламингни чархлаб, наштар қадайсан.
Яхшиликни кўрсанг тўлиб илҳомга,
Хурсандлигинг чеки йўқдир, яшнайсан.
Сир бўйлари, туғилган Нов қишлоғинг,
Ёдга олсанг, тоғлар ошиб келасан.
Шеър билан тўлиб тошар варағинг,
Дўстлар сари селдай тошиб еласан.
Мана бугун қайтиб келиб юртингга,
Бош қўйдинг сен мангу она тупроққа,
Сенга баҳор яқин бўлсин деб хар вакт,
Дўстлар сени қўйди кўркам гулбоккa.

1964.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОЛ

Тол, яхши қол
чул соябони,
Салкин сабонг хамон ёдимда,
Соянг дилнинг оромижони,
Чайлам бўлдинг дам олганимда.
Сенга боқсам мевазорларга,
Қамчи белсан,
тиргович, дармон,
Салкинингда дам олганида,
Хурсанд бўлар ёзда хар инсон.
Чўл ховузин қопқоғи сенсан,
Япроқларинг кумуш танга тол,
Қанот ёзиб аста тебрансанг,
Салкин тушиб, роҳат танга тол.
Жазирама чўлда энг аввал,
Бўй чўзибсан соя берай деб,
Пахта эккан ботирлар ёзда
Чайла қурса поя берай деб.
Бўй чўзибсан чўл соябони,
Салқин сабонг хамон ёдимда,
Соянг дилнинг оромижони,
Чайлам бўлдинг, дам олганимда.
Тол,
яхши қол.

1964.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДАЛА ОҚШОМИ

Юлдузларга сирдош дала оқшоми,
Чаманлар тинглайди ойдан хикоя,
Кумуш зарга тўлган эгатлар жоми,
Бошлар тоғ кокили — сойдан хикоя.
Сой қалқиб келади дала қошига,
Ой балқиб келади дала бошига,
Иккиси чаманлар хуштори бўлиб
Айланар миробнинг дил сирдошига.

1965.

ДУР ИЗЛОВЧИЛАР

Атлантика тубига ғаввос
Шўнғир ноёб дурдона учун.
Касби хавфли,
Йўқ унга ихлос,
Қанча шўнғир бир дона учун.
Шу бир дона унга ризки рўз,
У, хонимлар тўшида ёнар,
Ғаввос шўнғир,
Чиғанокда кўз,
Нафас етмас,
Боши айланар.
Дурни топса,
Топгандай жахон,
Қанот қоқар,
Шошар қирғоққа,
Дурни тақмас,
Дур сўрайди нон,
Нон деб шўнғир у чиғанокка.

1965.

www.ziyouz.com kutubxonasi

РАЪНО

Табиат гулларга ранг танлаганда,
Камалак чиройин сенда кўрганми?
Ошиклар ёрига гул жамлаганда,
Муҳаббат рамзи деб сендан сўрганми?
О, раъно, о, раъно, кўнглимга хамроз,
Гулмисан, ё юрак, ё ишқ риштаси.
Наргис бор, Сафсар бор, о, нақадар соз,
Номозшом гуллари тун фариштаси,
Гулмисан, ё юрак, ё ишқ риштаси,
О, раъно, о, раъно, кўнглимга хамроз.

1965.

ЧАЙҚАЛАР ҒАЛЛА

Алирларда чайқалар ғалла,
Ҳар донаси ширмон нонимиз.
Унинг билан нонушта палла
Очилади дастурхонимиз.
Азиз деймиз ардоқлаб уни,
Кўз нурига тангдир увоғи.
Кафтга олсак оқ буғдой унин,
Ёдга келар Ватан тупроғи.
Кувватини унга бергандай
Салобат-ла бўлар намоён.
Дон денгизи тўлкин ургандай
Туюлади синдирилса нон.
Нон-насиба, дони дурдона
Хирмон бўлиб, тўлади омбор.
Дастурхоннинг устида шунда
Эсланади сахий ғаллакор.

1965.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЛГИ ДАРҒАСИ

Адҳам Хамдам хотирасига

Сиз доим йўлдасиз, тутмайсиз дафтар,
Айтилган сўзингиз ганжина асар,
Фарғоний гурунгнинг пири Хамдами,
Диернинг камтарин сохиб қалами,
Сизни билган Айний, Амин ва Усмон,
Ашъору хажвда қалбингиз уммон,
Фронтда тўрт йил биз бирга жанг қилдик,
Жангларда душманнинг ҳолин танг қилдик,
Умр боғингизда мўътабар хардам,
Мехрибон боғбон бўлган Озодахон хам,
Эл Сизни севиб дер, — кулги дарғаси,
Сўзингиз шўх кулги, дилкаш хаммаси,
Дўстлар, умр ўтар, қалам қолади,
Яхшидан мунаввар олам қолади,
Олам у, дўстларнинг нурли дийдори,
У Адҳам Хамдамнинг мангу баҳори.

1965.

ОШКОР АЙЛАЙИН

Тингла мени нигорим, сенсан гулшан баҳорим,
Дилни ошкор айлайин, изимингда ихтиёрим.

Ошиқ иши кутишми, қайғу алам ютишми,
Нега калбинг ёндирмас мени оху шарорим.

Айтчи Фарҳод бўлайми, ёки Мажнун девона,
Этма мени бегона, бўлмасин ишк ғуборим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўҳна дерсан бу сандо, килма дерсан сен ғавғо,
Билсанг ишққа йўк даво, нетай кетса қарорим.

Гохи кулсанг чехрангдан нур ёғилар дилимга,
Пинҳон тутиб мехрингни, оширма кўп хуморим.

Мехрим гулин тутарман, ишқинг куйлаб ўтарман,
Дилбар сени кутарман, бўлгин севимли ёрим.

Ғазал ёзиб шоирлар, куйлар ишкни ҳофизлар,
Чин севгини ардоқлаб кутлар она диёрим.

Тингла мени нигорим, сенсан гулшан баҳорим,
Дилни ошкор айлайин, изимингда ихтиёрим.

1966.

ЎСМА

Ўсма экдим арик бўйига,
Ўсиб яшил барра бўлибди.
Тунов куни қўшним уйига
Сарвкомат бир киз келибди.
Мен далага кетар маҳалим,
Кўриб колдим у киз-мехмонни.
Қўлларида ўсма бор эди,
Унутганди борлиқ жаҳонни.
Ўсма кўяр хилол қошига,
Кокилларин ўйнар шўх сабо,
Қараб кўяр киз ёнбошига,
Уяларми ё туйғу, ибо...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рози бўлдим яшил ўсмадан,
Бир гўзални хурсанд этди у.
Мехнатимни, мухаббатимни
Қошларига пайванд этди у.

1966.

СЕВГИ ГУЛИ

Не ажаб, қушлар куйига тўлди тонгда ҳамма ёқ,
Куйга тўлган боғда севги гуллари дер, менга боқ.

Барча хушхон қушчаларга қўшилиб куйлар кўнгил
Севмаганлар майли бўлсин севги куйидан йироқ.

Ишқ элида куй бўларми ёр висоли бўлмаса,
Ошиқ кўнгли дер шу ҳолдан сўлганимдир яхшироқ.

Изланур боларидай севганни тун ва кундуз,
Ҳаммадан мушкул эрур ошиққа ҳижрону фироқ.

Ёр висолин йўлларига термилармиш ғунчалар,
Дер экан ўз кутганидан бўлмасин ҳеч ким йироқ.

1965.

КИТОБ

Қуёшга киёсдир донолар мехри,
Ёзган китобларин мангулиги бор,
Ундаги табаррук сатрлар сехри,
Эзгулик қадрини айлайди изҳор,
Донолар китоби умр йўлдоши,
Ташнага чашмаю, ниятга хамрох,
Қоронғи тунларда у дил қуёши,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олам нафасидан айлайди огох,
Севишган дилларга эзгу ишқнома,
Хаёт йўлларида йўлчи юлдуз у,
Китобга дил бўлса агар парвона,
Умрини ёритар хаётбахш ёғду.

1965.

ЗУЛФИНГ

Кокилингнинг бир толаси –
Юрагимнинг минг ноласи,
Минг бир кеча васфин десам,
Бўлмас унинг нихояси.
Сарв қаддинг кўркам бўлиб,
Мажнун ниҳол зулфинг эрур,
Тутсам уни айлади маст,
Боғ раъноси, тоғ лоласи,
Ишқ хаётдир, дорим бўлма,
Торим бўлгин мушки анбар,
Давраларда дўстлар аро,
Бўлгин дилим гаронаси.
Занжир десам раво эрмас,
Кун нуридай хаётбахшсан,
Шунинг учун ошиқ айлаб,
Бўлдинг қўшиқ, дил ноласи,
Кокилингнинг бир толаси –
Юрагимнинг минг ноласи,
Минг бир кеча васфин десам
Бўлмас унинг нихояси.

1966.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЙЎЛ

Кўнгилдан кўнгилга йўл бор дейдилар,
Бу йўлни кўл билан куриб бўлмайди.
Юриш-чун сен унга ёлвор дейдилар,
Кўнгилнинг измисиз юриб бўлмайди.
Бу йўлнинг манзилин кўрмас экан кўз,
Оёклар бир умр орзуда экан,
У йўлни пойларкан ҳар дилдаги сўз,
Йўлдоши дил тутган кўзгуда экан.
Юракнинг кўзгуси тафаккур азал,
Кўнгилнинг йўлида туну кун посбон,
Шу посбон ҳамдаминг бўлсин ҳар маҳал,
Кўнгилга йўл топмай йўл юрма, инсон!

1966.

МЕҲМОН КУТАР МУҲАММАДАЛИ

Гўзал Фарғонада,
Киндик қони тўкилган у жой,
Гўзал Пондигонда,
Қишлоқ қучиб бир ажиб чирой,
Гуллар кулган баҳор маҳали
Меҳмон кутар Мухаммадали.
Азиз белорусслар –
Қариндошлар колхоз боғида,
Жам бўлишиб дўстлар,
Ҳол сўрашар дийдор чоғида,
Бир-биридан нур эмар диллар.
Ёдга келар жанговар йиллар...
Олтин юлдуз порлар
Муҳаммадали кўкрагида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эсланар дўст-ёрлар,
Партизанлар эман тагида.
Гулхан ёқиб исинган тунлар,
Ўрмонларда тўкилган хунлар...
Портлатилган кўприк,
Пачақланган эшелон, танклар,
Зафар қучган бирлик,
Ёвни яксон этган фарзандлар.
Чимдим тамаки, бир бурда нон,
Бари тилга олинар бу он...
Гуллар кулган баҳор маҳали
Меҳмон кутар Муҳаммадали.

1966.

ФРОНТЧИ ШИФОКОРЛАРГА

Файзулло Холиқовга

Азиз дўстлар, жанг йиллари келса ёдимга,
Курол тутиб кўринасиз қошимда сизлар,
Яралансам, шифо излаб оғир дардимга,
Парвонадек ўргилгансиз бошимда сизлар.
Ўзингизни ўйламасдан ўт ичра ҳар дам,
Кўкрагимни очиб ундан ўқни олгансиз,
Юрак ёнса излагансиз дардимга малҳам,
Ёнбошимда кечалари бедор колгансиз.
Азим Волга сохилидан Эльбага қадар,
Жанг йўлида чодирингиз кўринар кўзга,
Ҳар бирингиз ярадорга азиз нақадар,
Мақтовингиз айтмоқ бўлсак сиғмайди сўзга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўкка учиб муз устида ётиб колганлар,
Қўлингиздан шифо топиб жангга қайтишган,
Яраланиб, минг қийналиб нафас олганлар,
Меҳрингизни кўриб сизга рахмат айтишган.
Сизлар жангда ботирларга қанот бўлдингиз,
Сизлар билан ўлимга тик боккан хар одам,
Хавфли дамда енгилмас куч, хаёт бўлдингиз,
Сизлар билан фахрланса арзийди олам.
Кимнинг тани тилка-пора бўлмаган жангда,
Хаммасида бор сизларнинг шифо қўлингиз,
Шунинг учун кутлаб сизни, деймиз тинч дамда,
Омон бўлинг дард кўрмасин асло қўлингиз.

1966.

БУ ОЛАМ ДЎСТЛИК БИЛАН

Бу олам дўстлик-ла, мангу бархаёт,
Унинг неъматига дўстлар бир қаранг,
Хатто камалак хам денгиздан қанот,
Кўтарса товланар бўлиб етти ранг.

Куёш хам не учундир ёлғиз яшамас.
Азалий йўлдошдир унга еру ой,
У дермиш бир заррам бекорга кетмас,
Мендан олур олис юлдузлар чирой.

Денгиз хам мавж урса шодлиги эрур,
Қирғоққа урилар дўстларни йўқлаб,
Дўсти ким? — Сой дарё хаёт келтирур,
Гар улар келмаса колади қакраб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инсон ҳаёти ҳам худди шулардай,
Юрак машъаласи дўстликдир дўстим,
Дўстликни унутса ким агар киттай,
Умрига каму дўстликдир, дўстим.

Дўстлар дийдорига боқсам юракка
Қуёш кириб келар, меҳрим мунаввар.
Шунда илҳом чўғин ёқсам юракка,
Дўстлик деб туғилар янги сатрлар.

1967.

РАССОМ

Рассом санъатинга таҳсин этурман,
Юрак меҳрин ҳаёт кўрки этар у,
Унинг қўлларига қўшиқ битурман,
У қўллар ўлмайди,
У қўллар мангу,
У қўллар инсонга дил сўзинг берган,
Ҳаётни безатмоқ унинг санъати,
Тошга жон бағишлаб,
Оро келтирган,
Қалбини нақш этган,
Эзгу меҳнати,
Гўзаллик — Мадонна,
Гўзаллик — Ширин,
Гўзаллик санъатнинг хаётбахш қўли,
Гўзаллик безатмоқ ўз она ерин,
У билан мунаввар чин севги йўли.

1967.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕН КЕЛДИМ

Мен келдим уйингга азиз китобхон,
Қўлингда китобим,
Қўлингда созим,
Устозлар олдида мендан имтиҳон,
Олмоқчисан,
Сенга этаман таъзим,
Сўнг аста ўлтириб эшик олдида,
Қарайман дуруст деб шу ер атайин,
Табаррук уйингда куйлар авжида,
Мендан ҳам сўрайсан,
Сўровинг тайин, кўшик у,
Қўлингда қалбим, қанотим,
Бахтлиман уйингда бўлсам зарра нур.
Сен билан дўст бўлиб,
Ҳамкалб ҳаётим,
Уйингдаги нурдек кўролса умр.

1967.

ИНТИЗОР

Кўриниб хаёлда суратинг дилдор,
Соғиниб сен учун гул тердим нахор.
Гулларни саралаб қўлимга олсам,
Юрагим деярли ёрга олиб бор.
Қўлда гул, талпиниб келсам кўчанга.
Эшикдан мўралаб, кўринмадинг ёр.
Қўлимда даста гул, дилимда васфинг,
Пойлайман кўчангда сени интизор.
Хижрондан оғиррок йўқдир дарди дил,
Бечора юракка бермагил озор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тингла, гул, муҳаббат куйин чалар тор,
Садоқат боғига бул мангу бахор.
Муҳаббат қуёшдан туғилгай азал,
Ох, унинг қадрига етгай вафодор.
Қўлимда даста гул, дилимда васфинг,
Садоқат боғига бўл мангу бахор.

1967.

ТОҒЛАР

Тоғлар ўхшар инсон қалбига,
Жавохирин тутади пинҳон,
Кифтин ростлаб қуёш йўлига,
Кўк тоқига бўлай дер нарвон.
Ғохи бошин оқ корга ўраб,
Ўнгирларни этар фаввора
Ғоҳи чақнаб, ғоҳи гулдираб,
Ноғорадек куйлар минглара,
Сойлар окар тўлин ой каби,
Дарёларга ёзар қулочин,
Тоғлар бағри бахори чойшаб,
Лолалардан кияр қулоқчин,
Тоғлар тинглаб бахор куйларин,
Табиатнинг бўлар мафтуни,
Кўкка чўзиб баланд бўйларин,
Гулга буркар сепин ҳар куни,
Гуллар эса еллар ошиғи,
Эртаю кеч ўзга пардози,
Атир сочмоқ унсиз қўшиғи,
Ўзгачадир тоғлар қиш-ёзи.
Арчалари сулув ўсмаси,
Қору ёмғир ювса-да кетмас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жилғалари кумуш тасмаси,
Шўхлигига хеч нарса етмас,
Дил кўркини ошкор этишга,
Шошилмаган пахлавонсимон.
Бир-бирига қўйишиб елка,
Мудрагандай боқар хар довон,
Зинасидир хар бир кояси.

1968.

ИШҚ АЙТА ҚОЛ

Ишк, айта қол, пайдо бўлсанг нечун хар танда
Бечора дил сезар ўзин чўғдай гулханда?

Мулоқотни мехри бирлан ёнган ошиққа,
Вафодор бўл, ёмон сўз – рад, этма шарманда.

Бўлма лоқайд, бу жахонда не бор оғиррок,
Ошиқ йиғлаб, дил бергани қилганда ханда.

Ишқда Хофиз бўлди гирён, девона Машраб,
Хижрон доғин кўрмасин хеч киши севганда.

Мен хам бўлдим бугун сенга дил чўғи ошно,
Севишганлар достони йўк қайси Ватанда.

Инсон мехри куёш бўлса, севги жахондир,
Дил қўри-ла яшнатай дер сўлмас чаманда.

О, мухаббат, кел боғимга, қалбим рўёси,
Сенга айтар куйларим кўп, тингла келганда.

1968.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЙЛАШАЙЛИК ГЎЗАЛЛИКНИ

Куйлашайлик гўзалликни,
Уни билмас қайси дил.
Гоҳи занжир бўлар ошиқ
Гарданида қирқ кокил.
Гоҳи гулу гоҳо ою,
Гоҳ қуёшдан ортиқ у.
Гоҳи оташ висол жойи –
Хилват гўша, тинч сохил.
Ишқка бордир икки шайдо,
Бири кўзу бири дил.
Гулчехралар шоҳи – кўнгил,
Қадрини унутмагил.
Чаман оро олур гулдан,
Ортиқча ранг нораво.
Ибо яхши, о, дилбарим,
Уни барбод этмагил,
Қалб кўркининг умри боқий,
Ишқ боғида гул эрур.
Булбул эмас, доғни чорлар,
Гар айниса ранги гул.
Куйлашайлик гўзалликни,
Уни билмас қайси дил.
Ибо яхши о, дилбарим,
Уни барбод этмагил.

1968.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОШДА УНГАН ГУЛ

Табиатнинг ажиб сехри бор,
Тошни ёриб чиққан митти гул,
Хаёт ҳисси бўлгач устувор,
Қудратига бўйсундирган ул.

Парчаланиб заранг тош баҳри,
Ундан ғунча интилган нурга,
Гўё имлаб қоқ харсанг саҳри,
Замин бўлган янги умрга.

Ўзгартирган яйдоқ аксини,
Ўйнар нафис гул баргин шамол,
Кўрдим унда ёғду раксини,
Унутмайди бу холни хаёл.

Гул ундирган харсанг ёнидан,
Шошиб ўтди бир локайд одам,
Уриниб гул узилди бирдан,
Ажралди бир кўркидан олам.

1968.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Қ ў ш и қ

Тоғлар товланур,
Қошингда шахрим,
Юлдузлар ёнур,
Бошингда шахрим,
Висол айёми, —
Бу хуш айёмлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкент оқшоми —
Файзли оқшомлар,
Нурли оқшомлар.

Сокин мавжланур,
Зумрад қўлларинг,
Янграб авжланур,
Дилбар куйларинг,
Шодлик айёми,
Бу хуш айёмлар,
Тошкент оқшоми —
Файзли оқшомлар,
Нурли оқшомлар.

1970.

КЎКЛАМ НАФАСИ

Дилларни китиқлар баҳор нафаси,
Қизлар рўмолини тортқилар бошдан.
Авжга кириб қолди қушларнинг саси,
Иссиқ бўса олар ерлар қуёшдан.
Еллар шўх-шўх эсар,
майсалар яшнар,
Жардаги сўнгги муз чак-чак эрийди,
Баҳор табиатга ранг танлай бошлар,
Деҳқон ер бошида, хут кирди, дейди.
Табиат сеп танлар, лекин санъати —
Ўзига ёқмасдан: қарар деҳқонга,
Деҳқон эса ерга сингиб меҳнати,
Баҳор гўзаллигин йўллар инсонга.

1970.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХИВАДА САЙЁҲЛАР

Хивага сайёҳлар келар ҳар куни,
Кўҳна миноралар кўркидан ҳайрон.
Шошилар, тошгандай юрак тўлқини,
Нафис нақшларнинг ранги бир жаҳон.
Қўл билан силайди панжараларни,
Ишга тушиб кетар фотоаппарат.
Объектив қамрайди кунгураларни,
Ҳар қадамда қанча бекиёс санъат.
Ҳар куни шу ахвол ёзги паллада,
Хивага сайёҳлар келар оламдан.
Келишсин, кўришсин, баҳра олишсин
Шу кўркни яратган заргар элимдан.

1970.

ЖОМ ҚИРЛАРИДА

Дўстим Ҳамдамга

Самарқанднинг зумрад ғарбида,
Жом аталмиш ажаб қишлоқ бор,
Қуёш порлаб яшил кўркида,
Адирларин ошиғи баҳор,
Кўрсатганда чечаклар рухсор,
Табрик учун келар қалдирғоч.
Учиб дейди мен сенга хушгор,
Яшнаб яна чиройингни оч.
Пилдирайди кўкида тўрғай,
Майсазорлар тўйи бошланар,
Беданалар сайраб пайдар-пай.
Табиатнинг куйи бошланар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тоғдан эсган шабада сархуш,
Кезиб ўтар ўтлоқлар аро,
Ракса тушар бўлиб маст, беҳуш.
Сут келтирган бошоқлар аро.
Жом қизларин сочлари чамбар,
Тортқилайди тебраниб бошоқ.
Инсон меҳри мисоли гавҳар,
Улуғлайди уни зар тупроқ.
Табиатнинг жозиба хуснин,
Айтган билан бўлмайди тамом,
Дилга қирлар ёввойи тусин,
Ўзгартганлар келтирар илҳом.

1971.

ШИРИННИ КЎРДИМ

Сени куйлайман Ширин,
Сўлим тонг гашти билан,
Кўрдим сенда чўл шаҳрин,
Фарҳоднинг азм, ишқи билан.

Сени куйлайман Ширин,
Ажиб гули диёрсан,
Тақир сахро тақдирин,
Ўзгартирган баҳорсан.

Сенда порлаб тонг отар,
Кенг қучоғинг нурафшон,
Шабадалар шўх ўйнар,
Атрофинг боғ, гулистон.

Диёр бўйлаб йўл олур,
Боғларингдан карвонлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қирларингда товланур,
Олтин бошоқ, хирмонлар.

Кўрдим Ширин шаҳрида,
Фарҳод боғбон бўлганин,
Мирзачўлнинг бағридан,
Ширинга гул терганин.

Нур келади Ширидан,
Дур келади Ширидан,
Кўрдим дўстлар чўлда мен,
Фарҳод боғбон бўлганин,
Ширинга гул терганин.

1971.

САРДОБА

Чўл бағрида қадим обида,
Инсон йўлин кўҳна бекати.
Саратоннинг чўғ офтобида
Диллар ёниб қолмас тоқати.
Лаблар қуриб, сув излар нигоҳ,
Мадор сўрар алдамчи сароб,
Топилмаса сув тўпланган чоҳ,
Бўлар карвон аҳволи хароб.
Инсон пайдо бўлгандан буён
Йўлда ўтар заҳматкаш умри.
Излаб толе, ҳаётбахш ҳаёт ошён.
Кетган мадор, кўзидан нури.
Инсон юрса оёғи куйиб,
Сахроларда тентираган оч,
Юрагини ташналик ўйиб,
Қолиб кетган чўл ҳам яланғоч,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мадад кутиб парвардигордан
Чўлда кезган карвон сарсари.
Сув топилган на чох, на ғордан,
Пўст ташлаган сарбон лаблари.
Дарё олис, сой хам йирокда,
Чўл бағридан излаган жилға.
Нахот кутиб азиз тупрокдан,
Кириб борган унинг бағрига.
Пайдо бўлган шунда ертўла –
Сардоба деб қўйишган отин.
Отланганда карвонлар йўлга,
Мўлжал этган у об-хаётин.
Азиз бўлган ўша кўлмак сув,
Бекат бўлиб, йўл очган сарбон
Бахор кўрки бўлиб бир орзу.
Гулхан пуркаб, ёнган биёбон.
Сахроларда ёлғиз сардоба,
Томчи бўлган ташна дилларга,
Ўз тарихин ўша обида
Айтиб ўтган дайди елларга.
Мирзачўлда қадим Сардоба,
Эслаб кетдим кўхна тарихин.
Ён бошидан шовуллаб чўлга
Ўтган Сирнинг ёздим таърифин.
Сардобага хикоя сўзлаб,
Сув келтирди чўлга фарходлар.
Эл унутмас аждодларини,
Сўз излаган мардларин ёдлар.

1971.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АБАДИЙ ДОСТОН

Ҳамид Олимжон хотирасига

Жангчи эдим ўғли йилларда,
Зилзиладай қалқирди майдон,
Шеърингизни айтиб дилларда,
Жангга кирдик Ҳамид Олимжон.

Жанггоҳларда қолди изингиз,
Окопларда бирга бўлдингиз,
Ялов бўлди оташ сўзингиз,
Тўфонларда дарға бўлдингиз.

Зафар чоғи диёрни қутлаб,
Шеърингиздан яралди бўстон,
Сиздан бахту баҳорни куйлаб,
Элга колди абадий достон.

1971.

НАЗАР АЙЛА

Севимли куй қанотисан,
азиз дилдор назар айла,
Ошиқ дилнинг ҳаётисан,
пари рухсор назар айла.
Менга дилбар бу оламда
чаман ичра танҳосан,
Танҳо гулим, раъно гулим,
бўлиб баҳор назар айла.
Дил қудрати мухаббатдир,
қўшиқ бўлган ишқ гулисан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Севги қадрин куйлар ёниб,
ошиғи зор, назар айла.
Гулшан аро булбул бўлиб,
йўлларингда хониш этсам,
Қайси боғдан келди дея,
талпиниб ёр назар айла.
Висол мехрин шодлигига
ўтар куннинг қадрига ет,
Ойдай яшаб келишингга,
дил интизор, назар айла.
Хижрон йўли машаккатли,
талпинурмен кеча-кундуз,
Мажнун каби ишқ даштида
бўлмайин хор, назар айла.
Дилда унган ишқ гулисен,
чаман бўлгин бахт йўлимда,
Назар мехри ишқ гулида,
унга дилдор назар айла.

1975.

КАРВОНЛАР БОРАДИ

Карвонлар боради қадим йўллардан,
Юклари тижорат, замин дунёси,
Сарбонлар боради азим йўллардан,
Юклари табаррук, ипак зиёси.
Карвонлар боради, беш минг йил бурун
Ўтган йўлларига қарайман ўйчан,
Бири ичкарига, бириси берин,
Қолган дейман тошда излари қачон.
Сўрайман у битик суратлардан мен,
Ўзлигин колдириб тошларда инсон,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кенг олам бағрига ўтганлар, кейин,
Тоғларда, боғларда курганлар макон,
Қирғоққа тўш урар Сир билан Аму,
Беш минг йил, ундан ҳам кўпга гувох у,
Ҳар томчи сувим дер ҳаётбахш орзу,
Карвонлар йўлига тарихман мангу.
Қарайман карвонлар йўлига дилдан,
Бирида боради сардор Спитамен,
Кўтарар курашга мардларин элдан,
Ўчирар келгинди ёвлар қадамин.
Карвонда Исмоил Бухорий, Сино,
Беруний йўл олур элга бўлиб нур,
Билимда йўғрилар қадим муаммо,
Карвонлар йўлида ўтади умр.
Карвонлар боради бугун ҳам, кадим
Шу буюк элимдан кенг дунё бўйлаб,
Карвонга карайман, қўлда қаламим,
Истиқлол элимнинг бахтини ўйлаб.
Карвонлар ўтади — қадим эл сўзи,
Тушмасин дейман ёв — хурганлар кўзи.
Карвонлар боради кадим йўллардан,
Сарбонлар боради азим йўллардан.

ОНА ТИЛИМ

Латиф, зоҳир она тилимсан,
Сен жавоҳир, ўзбек элимсан,
Сенла бормиз кўхна дунёда,
Бўлсин мехринг доим зиёда.
Гуноҳ сенинг кадринг унутмоқ,
Ўзга лафзлар этагин тутмоқ,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен дилсану тирикмиз мангу,
Сен элсану буюкмиз мангу,
Асли умринг Момо Хаводан,
Жой олгансан бу кенг дунёдан,
Сен таржимон, сухбат, сўзлигим,
Сен мустақил, давлат, Ўзлигим,
Сен-ла бормиз кўхна дунёда,
Бўлсин мехринг доим зиёда.

БУ ДИЁР

Ажиб хушдир об-хавоси бу диёр,
Ошиқ эрур унга мангу навбахор.
Боғларида ғазалхондир булбуллар,
Фарзандларин дилдан суйган мадхи бор.

Бу диёрнинг хар фарзанди кахрамон,
Ери олтин, эли олтин, чаманзор.
Қизларининг хуснидан гул ранг олур,
Ерлари гул, ўзлари гул, вафодор.

Кўрган дустлар ёдга олур таърифлаб,
Кўрмаганлар айлар уни ихтиёр.
Ерларини гулшан айлаб, боғ айлаб,
Жаннат этган фарзандлари миришкор.

Мардонавор мехнат билан шон кучиб,
Фарзандларин шавкати бор, азми бор.
Тухфа айлаб гўзалликни хаётга,
Бахтиёрдир мангу азиз бу диёр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕҲРИМ, МУҲАББАТИМ

Меҳрим, муҳаббатим азалдан эзгу,
Шу она заминнинг қони жонида.
Қадрига виждоним бўлиб тарозу,
Тортганман мен уни жанг майдонида.
Бўронли даврбўлган мен туғилган он,
Бешигим тебратган саҳро еллари.
Онам сийнасидан сирли, кенг жаҳон,
Йўлга чорлаб бўлган умрим йўллари.
Билим даргоҳлари бўлди гулшаним,
Ҳаётбахш қўйнида гуллар тераман.
Қуёшли дилрим-бахтга етганим,
Унинг азми билан кўкрак кераман.
Қуёшни қўндириб ҳар тонг бошига,
Самога дев қаддин кўтарган тоғлар,
Булбуллар қўшиғин чорлаб қошига,
Дилларни яшнатган фараҳбахш боғлар.
Минг кокил анҳордир — чўллар томири,
Ойдинда айқириб, чаман ундирган.
Жаҳонда қизларнинг барно, моҳири
Баҳорни гул этиб чўлга қўндирган.
Водийлар баҳори, кумуш уфқлар
Мардлар жасоратин азму эҳсони.
Яхлит чаманларда олтин яproклар,
У – сахий элимнинг уйган хирмони.
Истиқбол пешвози элда ҳар лаҳза,
Йиллар мазмунида зафар достони.
Қуёшдай мунаввар жўшқин ҳар жабҳа,
Рўёбга чиқмоқда элим армони.

1976.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЧҚУР ЎЙЛАРИМ

Лочин парвозига ўхшар хаёлим,
Уфклар ошади қуёш нуридай.
Диёримнинг гулжамоли иқболим,
Ҳар зарраси юрагимнинг қўридай.

Учқур ўйлар хамроҳ бўлиб елларга,
Уфклардан уфкларга йўл олур.
Ўзбекистон – она элдан элларга,
Салом элтиб, гуллар тутиб, қўл олур.

Сарин еллар унга дилкаш, парвона,
Ором билмас далаларнинг хуштори.
Гул, чечаклар камалакдай товланур,
Дейди, сенсан мардлар элин баҳори.

Шуни сўзлаб ҳар тонг қўзғалиб сабо,
Бўлар унинг сафарида ҳамроҳи.
Ҳар водийнинг кўрки ўзга, дилрабо,
Ҳар бириси сахийликнинг гувоҳи.

Сир жилвагар, Аму эса ўйноқи,
Қудратини сўзлар бахмал далалар.
Оро олиб ундан гуллар яноғи,
Жавоб йўллар боғда нақшин олмалар.

ГЭСлар қалбин гумбурлаши у билан,
Унга пайванд эл чироғин нурлари.
Ҳар томчиси баробар инжу билан,
Унга пайванд Мирзачўлнинг гуллари.

Йўли олис, лекин кета-кетгунча,
Манзиллари маъмурчилик макони.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Икки даре Орол тўшин ўпгунча,
Бўлар қанча чаманларнинг дармони.

Ўлка бўйлаб парвоз қилар ўйларим,
Юрагимда жўш уради куйларим.

ИККИ ТОМЧИ ҚОН

Тарихий достон

Мен тожик ва ўзбек халқларининг асрлардан буён давом этиб келаётган дўстлиги тўғрисида ўйлайман.

Мирзо ТУРСУНЗОДА

Наврўзи оламнинг гулшан палласи,
Туркистон тоғининг зумрад этаги.
Самода сукутли оппоқ кулласи,
Шабада шивирин қадим эртаги.
Тоғ бағри учирим ирмоққа манзил,
Соҳилда посбондай кўрсатиб виқор,
Гармсел чўғига келтириб бисмил,
Осмонга бўй чўзган улкан қўшчинор.
Шу чинор остида дам олар чўпон,
Ёнида ўтлайди икки таковар.
Нарида харсангда икки томчи қон,
Мангу сўз товланиб, хол бўлиб ёнар.
Мингйиллик қўшчинор остида турган,
Соколи кулладай окарган чўпон,
Ва икки таковар ўйнаб, югурган,
Тошдаги мангу сўз — икки томчи қон,
Шу тарих мадҳига куй бўлиб келди,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жафокаш ўтмишга айладим назар.
Қоялар тебраниб, сой бўлиб келди,
Менга қўш биродар тарихин сўзлар.

— Ассалом отахон! — қўлим кўксимда,
Таъзимга бош эгдим келиб яқинроқ.
Қаради, чеҳраси нур, табассумда,
Ёнига чақирди ям-яшил қирғоқ.
Тепада соябон улкан қўшчинор.
— Узоқдан келганга ўхшайсиз меҳмон?
Мендан жавоб кутиб, айлаб эътибор,
Хуржундан чиқарди тугун, дастурхон.
Майиз, нон, таковар сутидан пишлоқ,
Дастурхон зийнати бўлди биз учун.
Икки от икки хил — қора хамда оқ,
Ўйнашар тошлардан чақнатиб учқун.
Унутдим жаҳонни, хатто ўзимни
Мен бу хил отларни ҳеч кўрмаганман.
Узмасдим улардан асло кўзимни,
Бунақа гулшанда ҳеч юрмаганман.
Бу ер қўриқхона, — сўзлар отахон,
Антиқа бир жойда сокчи, посбонман.
Бу ерда тирикдир қадимий жаҳон,
Аслимни билсангиз оддий чўпонман.
Шу ерда энг кекса бу икки чинор.
Дугдонча, Уттегин ўтқазган уни.
Бу ерда қадимий улкан тарих бор,
Дилимда яшайди улар учқуни.
— Дугдонча, Уттегин ўтишган қачон,
Ким бўлган иккиси, сўзланг бирма-бир?
Бу икки от улар отидан нишон,
Менинг қаровимга етказди тақдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дугдонча оти – оқ фаришта мисол,
Қораси – Уттегин лочини, учқур.
Елларин тарайди фарахбахш шамол,
Сағринлар жилосин кўринг, қандай нур.
Ўйиндан тўхтамас, кувлашар асов,
Баланд чўққиларга этай дер парвоз.
Улар-ла гуркираб бу яшил яйлов,
Улар-ла кенг бағри бўлмиш қандай соз.
Нималар йўқ дейсиз кўрикхонада,
Антика мевалар чўнг кони шу ер,
Қушлар хам кўпайиб ошиёнида,
Қишда хам кетишмас, макони шу ер.
Дугдонча тарихи тортди ўйимни,
Хаёлда жонланди жўмард Уттегин.
Уларга бахш айлаб қалбдан куйимни,
Сўрадим тарихин: — Не бўлган кейин?
— Мард бўлган Дугдонча,
Уттегинлар хам,
Мардлигин сўзлайди бу икки чинор.
Мана бу харсангда улар олган дам,
Шу тошда уларнинг тўккан қони бор.
Ялтирок харсангга ташладим нигох,
Қон изи йилтираб ўчмай турибди.
Гўё у жанглардан бўлгандай огох,
Қирмизи доғлари кўчмай турибди.
Нима бу, харсангми ё шонли хайкал,
Нега тоғ бағридан олисда, бунда.
Нега у доғлари ёнади ял-ял,
Хаёлим чувалиб, қалбим тўлқинда.
Сохилда ирмокдай тинмасди сухбат,
Янги хикоялар сўзларди чўпон.
Чўғланиб қалбида элга мухаббат,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ботирлар номини такрорлар хамон.
Суҳбатнинг сўнгида сўради ота:
— Сизни қизиқтирар қайси қаҳрамон?
Дедим: — Бир баходир ўтган бу юртда,
Жанговар полкдошим, номи Жўрахон.
Биламан, этакда унинг қишлоғи,
Ҳув, қорабайирда чопган у улоқ.
Кам бўлар йигитнинг элда ундоғи
Етказган уни шу табаррук тупроқ.
Довруғи жаҳонга машҳур паҳлавон,
Уттегин зотидан чиққан Рустам у.
Шу она замин-чун тўкди жангда кон.
Номи шараф билан эсланар мангу.
Хаёлда жонланди жангчи Жўрахон;
Белорус ерида, Сож сохилида,
Қон тўкиб, айлади душманни яксон,
Дарёдай жўш уриб ғазаб дилида.
Тинмади уч кеча-уч кундуз хужум,
Ёв мўру малахдай ташланди жангга
Ўн ботир неча юз ёвни айлаб «жим»,
Ғалаба келтирди она Ватанга.
Достонга дил бериб қолдим сохилда,
Мен-ла хайрлашиб қўзғалди чўпон.
Икки от ўйноқлаб кўринди йўлда,
Қир ошиб, сўнг кўздан бўлишди нихон.
Қўшчинор остида қолдим бир ўзим,
Тепамда шовуллар яшил япроқлар.
Дил куйлаб, ирмоққа жўр бўлди сўзим,
Бутамон[1] тарихни аста варақлар.
Дил майлин қўшиққа берган чоғида,

[1] Қадимий юқори Зарафшон ўлкаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чинордан эшитдим булбул сайрашин.
Ирмоқдан нарида, кир кучоғида
Кузатдим охулар ўйнаб, яйрашин.
Чуғурчуқ галаси тез учиб ўтди,
Бошимни кўтардим мовий осмонга.
Моторнинг овози қалбимни тутди.
Самолёт борарди Помир томонга.
Шабада шивирлаб, ўтларни ўйнар,
Муаттар ҳидлардан сархуш димоғим.
Қўриқхона менга бир қўшиқ куйлар,
Илҳомим жўш урган – бахтиёр чоғим.
Атрофга қарадим, лол эди олам,
Борлиқни қоплаган осуда ҳаёт.
Гулзорда ниначи, капалаклар ҳам,
Эриниб охиста қоқарди қанот.
Жилдираб, шўх куйлаб югурар ирмоқ,
Қирғоғи ям-яшил, чечаклар гулгун.
Тубида тошлари тўлкинга кучоқ –
Очишиб, йилтирар мисоли учқун.
Зарралар олтиндир, балки дурдона,
Асрлар ҳаёти ундан жамулжам.
Табаррук; қадимий шу замин-она,
Сукунат бағрида олар эди дам.
Олисда қад ростлаб, мудрайди тоғлар.
Чўққилар олача тўнга ўралган.
Ҳар дара бағридан учар ирмоклар,
Чирмовиқ сингари қайнаб, буралган.
Ўркачли водийнинг зийнати азал,
Яшил арчалардир, гуркираб турган.
Шу мангу дебодан ёпиниб бахмал,
Ўнгирлар яркираб, хушбўй уфурган.
Бу водий меҳридан жўш уриб илҳом,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рудакий, Навоий кезгандир уни.
Ибн Сино учун навбаҳор айём,
Ҳар чечак бўлгандир доривор уни.
Сохилда гуркирар баррагул ялпиз,
Қирқбўғим, себарга, шувоқ, маймунжон.
Қирмизи ковулу, пахмоқ қариқиз,
Дашту қир табаррук исириққа кон.
Наъматак, зирклар ҳам ўзи бир чаман,
Дилларни қитиқлар гуллар ҳавоси.
Шу ерда унади беморлар кутган,
Антиқа гул бўлиб дори-давоси.
Ана шу заминда туғилган инсон,
Минг уч юз йил бурун Бутамон элда,
Дугдонча қиз билан Уттегин ўғлон,
Икки эл фарзанди, икки сохилда.
Уларнинг қисматин сўзлайди тоғлар,
Ҳайқирсам чўққидан елар акс садо,
Ирмоқни шоширсам, йиғлар кирғоқлар:
Биз учун иккиси бўлган дер адо.
Шамоллар бу ерда нега сарсари,
Қуюндан жонсарак тўзғийди хазон,
Қоядан қояга учар олқари,
Гумбурлаб шортлайди гохида осмон.
Нега кўк етти ранг камалак тортар,
Булутни чирпирак айлади довул.
Нега оч бўрилар конли ув тортар,
Ўт ичра беркинар нега кирғовул.
Дарада янграйди нега ўқ саси,
Чаманни топтарми ножўя қадам.
Заминдан келарми мардлар нафаси,
Ва замин йиғларми ютмоқдан одам.
Заминга бош қўйиб дам олганимда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жонланди унинг-чун посбон бўлганлар.
Гармсел, вахшатни кўриб ғанимда,
Майдонда мардона қурбон бўлганлар.
Шу азиз тупроқда яккаш сайр этиб,
Ватан урушини эсладим дилда.
Ёв дахшат солганин Волгага етиб,
Сўнг тор-мор бўлганин ўша сохилда,
Сокчилик – фарзандлик бурчи бу замон,
Юраклар ҳаммада эмас мусаффо.
Куррада кун йўкки тўкилмаса кон,
Булутдан бекорга кораймас хаво.
Водийдан водийга ўтганим махал,
Йўлимда ястанди екут лолалар,
Ёғдулар мавжланиб, ёнганда ял-ял,
Қаршимга шошилди шўх шалолалар.
Шалола шовуллаб учди томчилар,
Камалак товланди зарраларидан.
Хаёлда жонланиб мард суворийлар,
Ёвни янчиб ўтар марраларидан.
Танкларнинг ёнида борар тулпорлар,
Яркирар қўлларда олмос киличлар.
Зарб бериб, наъралар тортса шункорлар,
Душман каловланиб, жонидан кечар.
Кўрганман ўт ичра ок, кора отни,
Ўтганда мавжли Сож кирғоқларидан.
Чопганда эслатиб ёли канотни,
Учкунлар сачратган тўёқларидан.
Уттегин отидан балки улар ҳам,
Неча минг чақирим йўлларни ўтган.
Ботирлар эгарда ўлтириб махкам,
Тунларни парчалаб, ғалаба кутган.
Ғалаба онтиникг байроғи мардлик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу байроқ хилпирар қадим замондан.
Севгига садоқат, элга фарзандлик,
Табаррук жой олган мангу жахондан.
Асрлар зинасидан охиста ўтиб,
Ошиқлар юртига мен қўйдим қадам.
Икки дил васфига ишқнома битиб,
Ватаним ҳақида тебратдим қалам.

ТАНДИР ЁНИДА

Тандирдан узар бўрсилдоқ ширмон,
юзи ширмоним,
Якин келувдим тандир ёнига,
ўт олди жоним.
Тандир тафтими қалбимни ўртаб,
олов олдирган,
Ёхуд ўзими тандир чўғини
дилла қолдирган.
Узиб ширмонни, олинг дер яшнаб,
лаблари хандон,
Олиб синдирсам, куйдирди бирдан,
қўлимни ширмон.
Пах-пах, деб шошиб қўйдим саватга,
қўлим ловуллар.
Дил эса азал ўт олган эди,
баттар ловуллар.
Синган кулчани элтар лабимга
жилмайиб жонон,
Лабим куйсада, тишладим, чунки
азиз ишку нон.

1979.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧЕРТМА ДИЛНИ

Чертма дилни эй нигоро қўлдаги торинг билан,
Маст эрурман куй тилинда севги изҳоринг билан.

Бир охангда бўлса висол, бир охангда айрилиқ,
Истар эдим, янграса куй васли дийдоринг билан.

Бу кенг олам куйларини тингласам, навосини,
Мазмуни дер – бахтли бўлгин севимли ёринг билан.

Хаёл этсам меҳру ёдинг дилга ташлайди оташ,
Гохи ширин, гоҳи аччиқ, ўтли виқоринг билан.

Боғбонисан она элнинг гулшанида, раъносан,
Аслида сен донг таратдинг, боғу гулзоринг билан.

Қайси дилбар қўли гулмас бахтли, гулшан ватанда,
Толеъ қучдинг шонли меҳнат азму қароринг билан.

Майли чертсин дилни созинг, жонфидо куйинг мудом,
Тингласам дер – бахтли бўлгин ёру диёринг билан.

1980.

МЕҲРИНГ БИЛАН

Эй дўстларим, оқибатга дил ўзи мафтун эрур,
Яхши сухбат файзига сўз гавҳари уйғун эрур.

Дилга асло ғам чўкмасин, руху рохи шод бўлсин,
Гар озор етса унга, девона хол махзун эрур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дўст-қадрдон мехри гулшан навбаҳордир бир умр,
Бир яхши сўз бахринг очиб, чехра-холинг гулгун эрур.

Ҳар кўнгилнинг шамчироғи, бу жаҳонда яхшилик,
Икки дилнинг мехваридан чўғланиб учкун эрур.

Нур билан равшан йўлинг, нурга қиёс бўлсин юрак,
Юрт-элингга яхшилик қил, умрингга мазмун эрур.

Гар висолни ерга урса айриликнинг шум қўли,
Тоғни йиққан қўл хам охир ожизу забун эрур.

Она юртнинг мехри билан азизлигинг ёдда тут,
Элга нафъинг тегса билгин сендан эл мамнун эрур.

1980.

СЕНИ КЎРДИМ

Сени кўрдим навбаҳор фасли,
Гуллар аро гул эдинг асли,
Адирларда терардинг лола,
Ўйнар эдинг мисли шалола.

Сени шўх-шўх ўйнаб-яйрашинг,
Чаманларга бағишларли жон.
Оҳулардек қирдан қарашинг,
Кўтарарди қалбимда туғён.

Дилда жўшқин эзгу ўйларим,
Йўлларингда айлайди нола,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муҳаббатим, орзу-ўйларим,
Адирларда очилган лола.

Қирда яйраб, ором олурсан,
Қўлга лоладин жом олурсан,
Гулдай яшнаб, чўғдай ёнурсан,
Дилга дилбар туғён солурсан.

Қирда кўрдим навбахор фасли,
Гуллар аро гул эдинг асли.

1980.

ОҲУ

Токка чиқдим, таралди чўккидан ёғду –
Ҳушим олиб, кўринди бир дилрабо оху.
Қанот боғлаб ўша ёғду томонга,
Қалбим дерди билармисан, кандайин мох у.
Талпинардим, харсангларни айланиб, шошиб,
Жилмаярди тош ортига беркиниб гох у.
Яқин борсам, нари туриб, ноз билан караб,
Кабутардек канот ёзар нигоҳи жоду.
Етиб, боқсам қуёш эди шаҳло кўз оху,
Охимни у сезиб дилбар, кулиб бепарво,
Бошин илғаб деди: «Жойим олис даргох у».
Чақирардим мулоқотнинг шодлик чоғига,
Тоғ гўзали териб лола деярди: «О, хув!..»
Таъзим айлаб, аста юриб келсам ёнига,
Гуллар тутди ташлаб менга ўтли нигох у.
Лолазорда танишдик биз, баҳордай яшнаб,
Чаманлардан олиб юрди, бўлиб хамрох у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У гул эди, қўлимда кўп гуллар бўлсада,
Қалбим дерди, гулинг у гул, ягона, ох, у.
Хайрлашдик бахор чоғи гуллар фаслида,
Изларини излар эдим мисли панох у.
Тоғлар эса такрорларди ажиб бир садо:
«Севги мендай баланд эрур, машаққат, рох у».
Юрагимда қолди лола — тошқин шалола,
Ёдга келур соғинтириб, севганим, ох у...

1980.

ЮРТИМ ВАСФИ

Она юртим, Нов шахрим,
Қўшиқ куйлай васфингга.
Мафтун эрур жон, мехрим
Мангу бахор фаслингга.
Бир ғунчасан, бехазон,
Мехригиё, гулшаним,
Бошланади жонажон
Сендан она Ватаним.
Фарзандларинг сен учун
Жанггохларда тўкди қон.
Тарихинг бор кўп, узун,
Ёзса бўлур минг достон.
Сир сохили боғларинг,
Сахий бағринг чаманзор.
Кўркам адир, тоғларинг,
Хар қадамда толе ёр.
Қизларинг хур, шўх, чечан,
Йигитларинг пахлавон.
Қариялар мехридан
Икболинг бор бир жахон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Она юртим, Нов шахрим,
Қўшиқ куйлай васфингга.
Мафтун эрур жон, мехрим,
Мангу баҳор фаслингга.

1980.

АЙЛАНУР

Боғда ким бор, ким у танҳо айланур,
Ё гулшанда субҳи сабо айланур.

Субҳи сабо соғиндими гулларни,
Бош эгиб ё гули раъно айланур.

Қуёш чиқди, ёғду тутди оламни,
Кўзим тушди, боғда барно айланур.

Деразамни ланг очдиму, эгилдим,
Ёлғиз эмас Фотма, Зухро айланур.

Қўшни қизлар гуллар терар ким учун,
Ё дилларда ишқ бедаво айланур.

О, оташ ишқ асирингмас қайси дил,
Сен-ла хаёт мангу, дунё айланур.

1980.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕНИНГ КАМОНИНГ

Нагун шуд сари шохи яздонпараст,
Бияфтод чочи камонаш зи даст.

ФИРДАВСИЙ.

«Яздонпараст шохнинг боши эгилди,
Чоч[1] камони қўлдан тушиб йиқилди».
Шундай ёзган «Шохнома»да Фирдавсий,
Махв этилган шухратпараст бир осий.
Қизиктирмас мени шохнинг хор жони,
Хаёл тортди қўлда тутган камони.
У ишланган Чочда — қадим Тошкентда,
Ахли мохир хунарманд бир ёш кентда.
У на Чиндан, на бошқа бир заминдан,
На бир ёдгор шоху моху парвиндан.
Яратилган у шу элнинг мехридан,
Ярокланган мохир қўллар сехридан.
Ёвлар қўрққан у қадимий камондир,
Бугун яна у машхури жахондир.
Мен хам эслаб камонингни Тошкентим,
У бўронли тарихингга шеър битдим.
Солор бўйи Мингўрикда камонсоз,
Яшаб, қўйган ўз касбига зўр ихлос.
Уйи бўлган ўтли устахонаси,
Тўхтамаган элда уруш вахмаси.
Жангга кетган тонгда туриб йигитлар,
Жонга теккан хар кун ур-йиқитлар.
Боскинчилар тўпланишган хар ёнда,
Пайдо бўлган шунда камон майдонда.

---

[1] Ч о ч — қадимги Тошкентнинг номи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўткир ёйи учган қушдай олисга,
Доврук солган канча элу улусга.
Толе истаб қўлга олган посбонлар,
Ўзига зеб бериб гердайган хонлар.
Ғурур кезган жойда омон топмас жон,
Соғ қолмаган хатто Рустаму Достон.
Нўноқ қўлда камон қанотсиз қушдир,
Зафар кучмоқ мисли бекорчи тушдир.
Усталарнинг мехри сингган камонга,
Оқ кантардай учирганлар жаҳонга.
Чоч мардлари унинг билан кучган шон,
Чоч номи-ла шухрат қозонган камон.
Қайси уста бўлган ундан сарафроз,
Қайси уста камонлари бўлган соз.
Қайси камон қўйилгач ёй бошига,
Ўхшатганлар гўзалларнинг қошига.
Қоши камон, киприги ўқ деганлар,
Шундай номни қўйган жангчи мерганлар.
Даҳшат солган ёвларига камонлар,
Дилларини тилган қоши камонлар.
Тоғлар кезиб, овдан ўлжа кутганлар,
Тошга камон расмин чизиб ўтганлар.
Беллашувлар, сайилларда учқур ёй,
Қўшган мардлар шухратига шон, чирой.
Уста бўлса чиқиб тоққа, довонга,
Сурх ёғочлар излаган у камонга.
Ния́т килган осойишта ризки рўз,
Сархадларда камонлари айтган сўз.
Истаган у тинчлик-омон диёрга,
Қон тўкмасин деган камон бекорга.
Моҳир қўллар кўрсатиб маҳоратин,
Сайилларда кутган унинг шухратин.

1982.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОН БОР БЎЛСИН ДУНЁДА

Новвой қўшиғи

Тандирга ўт қаларман,
Қизарса нон ёпарман.
Пишиб уни узганда,
Сени қайдан топарман,
Қани келиб тотгин ёр,
Мағзи юмшоқ ширмойи.
Тортар дилдан ихтиёр,
Қуёш нақши чиройи,
Нони бўртиб етилур,
Диёр ҳидин келтирур.
Ризқи рўздан сўз кетса,
Азиз номи айтилур,
Дони машҳур баҳори,
Нони айлар ҳумори.
Деҳқон сўзлар бахтидан,
Донга тўлса омбори,
Нон етилиб пишганда,
Саватларга тушганда.
Туриб тандир ёнидан,
Тотмоқ яҳши ўшанда.
Тандирдан нон узарман,
Хушбўй ҳидин сезарман.
Увоқ тушса кўтарган,
Ёргинамни севарман.
Тўлди нонга тўрсават,
Татиб кўринг мархамат.
Нон бор бўлсин дунёда
Ва ҳар уйда муҳаббат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тандирга ўт қаларман,
Қизарса нон ёпарман.
Пишиб нонни узганда,
Сени қайдан топарман.

1983.

АҲДУ ВАФОЛАР

Сени кўрдим, субҳидам, йўлинг эди сахролар,
Юзи гулгун барно деб, куйлаб ўтди саболар.

Сўз тополмай васфингга, йўлга чиқсам сайр этиб,
Такрор айлар номингни, чўлда яшнаб раънолар.

Бу гулшанда ягона раъно гулим сен десам,
Изларингдан карайди йўлда тўхтаб барнолар.

Ҳаёт завкин тотибсан, элга кўшиқ айлайин,
Юракларни янгратган асли меҳри вафолар.

Чеҳранг нури дилимда тўлин ойдек порлайди,
Йўлларимни ёритгай мухаббатбахш зиёлар.

Бу оламда мухаббат ҳар дилда бир баҳордир,
Унинг билан мунаввар, мангу еру самолар.

Таърифингни, жонгинам, кўшиқ айлай оламга,
Аҳли олам қалбини забт айласин наволар.

Кўшиқ — севги гуллари, боғбони — дил, садоқат,
Бу оламда яшнасин доим аҳлу вафолар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИСОЛ ГАШТИ

Бир мен эдим, бир сен эдинг
шод эди диллар,
Мехримизни куйлар эди
боғда булбуллар.
Висол фаслин баҳоридир
чаманлар даври,
Эзгу ишкнинг кудратини
эслатур гуллар.
Дедим бирга сайр этайлик
гуллар водийсин,
Дединг кулиб: «Қайси боққа элтар
бу йўллар?»
Дедим: «Улар элтар дилни
висол боғига»,
Жилмайдингу, аста дединг:
«Кўнгил не тилар?»
Висол дедим, иқбол дедим,
гул жамол дедим.
Уялдингму, тутди аста
қўлимни қўллар...
Дедим хурсанд: «Висол гаштин бирга
сурайлик»,
Дединг: «Бизга насиб бўлсин
бахтли манзиллар».
Бир мен эдим, бир сен эдинг,
шод эди диллар,
Мехримизни куйлар эди
боғда булбуллар.

1985.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОҲИСТА

Дилбар борур тонг чоғида
гулшан томон охиста,
Қуёш яшнаб ёноғида
бўлур ширмон охиста.
Кўзи учкун, юзи гулгун,
кулгуси шўх, беомон,
Қараб махваш, келур яккаш,
дилбари жон охиста.
Чиқиб пешвоз кўринсам гох,
ийманиб ташлар нигоҳ,
Шундай чоғда илҳак дилдан,
кетар дармон охиста.
Салом берсам яқин бориб,
қўлин қўйиб кўксига,
Алик олиб, чўғ меҳрини, айлар аён охиста.
Яшил водий, меҳнат жойи,
яшнаб замин чиройи,
Йўлларида тўлур нурга
еру осмон охиста.
Қайга борсам, қўли олтин,
музаффар эл қизи деб,
Тарафини сўзлар яшнаб,
боғу бўстон охиста.
Ҳар тонг чоғи қочиб уйқум,
йўлга чорлар орзуим,
Қамраб олар жону дилни
васли ҳижрон охиста.
О, муҳаббат мунча зўрсан
кудратингга йўқ қиёс,
Айтчи сенга асир тушмас,
кайси инсон охиста.

1985.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХОТИРА

Иккинчи жаҳон уруши ногирони бекободлик Холтўра Курбоновнинг айтганлари

Йигит эдим ўн саккиз ёшда,
Ишким бор эди у калам қошда,
Ўн еттида эди Тожихон,
Дилни ёндирганди у жонон.
Шундай дамда ишкни тўсди ғов,
Пайдо бўлди чегарада ёв,
Фронтдаман, оддий жангчиман,
Қаттиқ жангда, йиқилдим бирдан...
Икки таёқ икки қўлтиқда,
Юрай десам оёғим йўқда.
Тутай десам йўқ икки қўлим,
Четлаб ўтган шу хилда ўлим...
Ёнда ёрим Тожихоним у,
Фидо, дардкаш, сидқи жоним у.
Ажралсамда оёқ-қўлимдан,
Асраб қолдим элни ўлимдан.
Мен жанггохдан колган бир гувох,
Бўлсин дунё сўзимдан огох,
Замин тинчу, бахт кучсин инсон!
Оёқ-қўлсиз колмасин жахон!

1985.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТИМ БОҒЛАРИ

Турсунбой Ўлжабоев хотирасига

Сир сохилин кезиб юрибман,
Ёдга келур болалигимиз,
Унут бўлмас сезиб турибман,
Ёшлигимиз, лолалигимиз.
Дарё бирдай шовуллаб оқар,
Сени ёдга оларман бу он,
Хотирангга мангу ўт ёқар,
Унутмайди элинг хеч қачон,
Бургут каби ёздинг кенг қанот,
Обод бўлди етган қадаминг,
Она диёр бу гулшан ҳаёт
Бўлди сенинг топган оламинг.
Хужранг бўлди тўртинчи қават,
Душанбенинг шимол қўйнида,
Эл дардини ўйлардинг фақат.
Шу бахт эрди азму ўйингда,
Унутмадинг она элингни,
Содиқ колиб, қайтмадинг йўлдан,
Ғарм тоғлари сўзлар номингни,
Вахш сувлари бизнинг мироб дер,
Сўзлар боғлар гул айёмингни,
Сени мехрин берган офтоб дер.
Сендан колди тоғларда боғлар,
Обикийик, Дахэникийик,
Сени юртда бобо дердилар,
Ҳурмат ила каттадан кичик.
Бирга юрдик, ям-яшил қирлар,
Ёбон дединг энди бу жойлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саркор бўлдинг, чўлқувар мардлар,
Очди кирда гулшан чиройлар,
Норак суви тоғлар остидан,
Сени куйлаб чашасор бу кун,
Элга сўзлаб бахмал хуснидан,
Бир антика чаманзор бу кун,
Қирлар ошиб, довонлар ошиб,
Етганингда ёбон боғига,
Гул ундириб, боғбони бўлиб,
Бошинг қўйдинг сўнг тупроғига.

1988.

ДЎСТЛИК БИЛАН

Халқлар дўстлиги узра
хар қаламкаш дўстлик кўпригидир.
Дўстликни куйловчи Назармат
қаламидан
тожику ўзбеклар ифтихордир.

УСМОН ОЛИМ
тожик шоири, Хўжанд.

Файзли эрур азиз дўстлар
Даври даврон дўстлик билан,
Ахлу диёр топгай камол
Қадру имон дўстлик билан,
Обод эрур гулшан замин,
Нурга элтса пок ният,
Борган еринг чўл бўлса хам
Бўстон бўлур дўстлик билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундайлар бор бу дунёда
Баҳорингда жонажон,
Ночор қолсанг келиб турмас
У ёнма-ён дўстлик билан.
Элни элга яқин этгай
Бўлса ихлос, оқибат,
Обод бўлур она замин
Чин қадрдон дўстлик билан.
Назарматга азиз доим
Кечган хаёт, эл захмати,
Шарафлаб дер ёру диёр
Бўлсин омон дўстлик билан.

1990.

ҚУРАЛАЙ КЎЗ

Қуралай кўз, сулув чўл гули,
Хушторингман гул яноғингга,
Сенга мафтун ошиқлар дили,
Изинг тушган чаман боғингга.

Юрсанг сендан нур олар гуллар,
Пойинг ўпиб, ўйнаб қолишар.
Сенга элтар гўзаллик йўллар,
Нигоҳингдан ором олишар.

Лабларингда порлар табассум,
Баҳор бўлиб яшнарсан мудом,
Тўхта дилбар ёнимда бир зум,
Ол гулимни, у чаман илҳом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғим гули сен учун гўзал,
Улар менинг нақшин дил сўзим,
У гулларда сўнмас куй, ғазал,
Элтса сенга ягона орзум.

УМИД

Умиднинг йўлини одам белгилар,
Унинг нур йўлини олам белгилар,
Бирининг йўлига бири пуроний,
Неки унса бирга бахшида жони.
Кеч бўлса етаклар ором тунини,
Тонг отса йўллайди қуёшли кунни,
Нур билан ер обод, ҳаёт ҳамкори,
Тарихга гул тутиб яшар диери.

1990.

НЕГА МУНЧА ЙИРОҚСАН

Дилга яқин, бироқсан,
Нега мунча йироқсан,
Билармисан ойжамол
Жонгинамга қандоқсан.

Кўзим йўлда, эй малак,
Нега сендан йўқ дарак,
Айлаб жонимни ҳалак,
Элтма унга қийнок сан.

Мухаббат у оташму,
Хижронлари синашму

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мажнун айлаши гаштму,
Этма нозу фироқсан.

Гул чиройинг орзуим,
Наволарим – дил сузим,
Кел кулбамга юлдузим,
Булгин унга чироқ сан.

Биласанми жахонгинам,
Сен дилимга кандоксан.

1991.

СОҒИНМАЙДИ КИМ ЁРИН

Мен водийга бораман,
Ишқ ёдига бораман,
Соғинтирган дилрабо,
Ёр олдига бораман.

Дилни тортар хаёли,
Йўлга бошлар висоли,
Кўз олдимда товланиб,
Кўринур ой жамоли.

Уйи ёнида анхор,
Сайр этишга чиқар ёр.
Гуллар тутиб сохилда,
Мен кутарман интизор.

Хар ким дилдан куйласин,
Суйган, азиз дилдорин,
Майли қайда бўлмасин,
Соғинмайди ким ёрин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баҳор келса табиат,
Ундиради гул ердан,
Қудрат олур муҳаббат,
Гўзал ёру диёрдан.

Гуллар ичра дунёда,
Ортиқ не бор раънодан.
Айрилмасин ҳеч киши
Севган ёри барнодан.

1992.

ИККИ ҚЎШИҚ

Қўшиқ янграр хамдам бўлиб аҳли жаҳонга,
Келтиргуси дилни завқу, гоҳи туғёнга.

Ором меҳри билан яшар қадим-қадимдан,
Баҳор бўлиб жой олган у она заминдан.

Соғинч дамлар уни йўқлар вафо кутган жон,
Умид йўлин унга боғлар висолу ҳижрон.

Сафар чоғи ҳамро эрур карвонларга у,
Дардли дамлар жони дардкаш, сарбонларга у.

Унга яқин эрур олис йўллар, сафарлар,
Ёр дийдорин насиб айлар шому саҳарлар.

Таскин топар жони жаҳон куйласа хушхон,
Жавохирдек азиз тутгай қалбида инсон.

Ҳаёт асли куй меҳридан яралган, дўстлар,
Ундан эзгу ишқ қудрати яралган дўстлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОРОМБАХШ ҲАМРОҲ

Қўшиқ хамрох кўнгилга,
Дилни бошлайди йўлга.
Қўшиқ бўлса оромбахш,
Қудратидан яйрар жон,
Мадхи эрур ёр, махваш.
Сархад билмас хеч качон.
Қўшиқ ўтар эллардан,
Олам бўйлаб таралур.
Жой олар у диллардан,
Мехри вафо куйланур.
Элни билмоқ бўлганлар,
Тингласинлар куйларин,
Унда эрк деб ўтганлар,
Қолдирган дард, ўйларин,
Қўшиқ асли дард, орзу,
Яшар ҳар бир одамда,
Шундай куйлар борки, у
Мангу яшар оламда.
Дўсту, тинчлик мадхи бор,
У оламда устувор.
Қўшиқ хамрох кўнгилга,
Дилни бошлайди йўлга,
Элни бошлайди йўлга.

1993.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

Тижорат мардумин манзили шу ер,
Асрлар нафаси тарихин йўқлар,
Карвонлар етаклаб йўлга чиккан эр,
Нигоҳин чулғаган олис уфқлар,
Ошар у сахролар, олис дооонлар,
Буюк ипак йўли битган тақдири,
Эллардан элларга ўтиб сарбонлар,
Қалбида асраган ўз она ери,
Оқибат нур бўлган хатарли йўлда,
Уй нонин асраган қўйинларида,
Жаранглаб қўнғироқ, арконлар қўлда,
Қабарган заминнинг қуюнларида,
Ўтган қадим Марву, Кеш, Бухородан,
Самарқанд сайқали тутган Зарафшон,
Чайқалиб Сирдарё, Хўжанд ёнидан,
Чорлаган бағрига Қашқар, Андижон,
Шимолнинг жамолин порлатиб Тошкент,
Бўлган Олмаота ерлари равон,
Бир ёнда Ўтрору, бир ёнда Ўзган,
Ҳар фасл ғарбу шарқдан кутган у карвон,
Хонбалиқ мардуми Румга йўл олган,
Манзили тирозд, сайқали жаҳон,
Ўшанда илк тарих ёзувда қолган,
Тижорат ғаърифи дилларда достон,
Қадимий ҳамкорлик боқий йўл армон,
Япон марди кезар бугун Сурхонда,
Истанбул, Рум аҳли Хивада меҳмон,
Бишкек, Олмаота, Тошкент мезбонда...
Келур йўллар ошиб, ҳар куни меҳмон,
Холис ният, бағри кенг эл Туркистон,
Ёзиб аҳли тижоратга дастурхон,
Бўлсин дейди маъмур ва тинч бу жаҳон.

1993.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХЎЖАНД ГЎЗАЛИ

Сир бўйида, боғда кўрдим барнони,
Бир иффатли дилбар, гули раънони,
Ақлим олди хусни ундай гўзални,
Кўрмаганман кезиб бутун дунёни.
Сўрсам деди, мен дўхтари Хўжанди,
Дедим, гулсан, ошиқларнинг дилбанди,
Лола дедим, кулиб боқди дилрабо,
Сўнг деди у «мен бир дилнинг пайванди»,
Сен Хўжанди, сен дилбанди, гул дедим,
Сен дунёда таронаи дил дедим,
Наволарнинг навосисан Хўжандим,
Барноларнинг барносисан дилбандим.
Сени қандай куйламасдан кетарман,
Кўрмаї қандай эшигингдан ўтарман,
Билсанг боғи жаҳон эрур муҳаббат,
Жафокор дард, ҳижрон эрур муҳаббат,
Соғинч дилга туғён эрур муҳаббат,
Сарҳади йўқ уммон эрур муҳаббат.
Хўжанд гули, дилга фармон этарман.
Сени яна кўрмоқ армон этарман,
Гул хуснингга дилни посбон этарман,
Машраб каби ишқни достон этарман.

Гўзал олам барносисан дилбандим,
Назарматнинг навосисан Хўжандим.

1993.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОНГ ОҲАНҒЛАРИ

Манзара

Кўрдим нимранг тонгда баланд тоғлардан,
Қуёш боқиб ерга нурин ёйганин,
Енгил ховур кўтарилиб боғлардан,
Яшил япроклрнинг нафас олганин.
Қушлар бир-бир учар ошиёнидан,
Чўпон эл бойлигин, қирга етаклар,
Ногох қуён сакраб ўтар ёнидан,
Тулки унга йўлин тезлаб эмаклар,
Учқур жилғаларнинг олмос ранглари
Интилар водийга тошларни ўйнаб,
Таралар муаттар тонг оханглари,
Гўё олам мени каршилар куйлаб.

АРЧАЛАР

Арчалар бош қўйган тоғдаги тошга,
Ел сўрар киргансан сен неча ёшга,
Арчалар жилғага аста шивирлар,
У эса шўх ўйнаб елга билдирар,
Мен билан тенгдош у, токка ҳам тенгдош.
Биз яшил заминга мангу бошу кош.

1993.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САНГЗОР

Сен кумуш чўққилар фарзанди Сангзор,
Мирзачўл кўркининг пайванди Сангзор,
Тоғларнинг қаноти чашмасорисан,
Боғларнинг ясанган гулбахорисан.
Ҳаётбахш йўлингни гулга буркайсан,
Арчалар нафасин чўлга элтгайсан.
Элингга сен Аму, Сирдек дарёсан.
У олис йўлларда яшил дунёсан,
Сахройи тўйларда қўшиқларинг бор,
Васфингни куйлаган ошиқларинг бор.
Баҳори паллалар, шошқин қаламинг,
Қирғоқлар кифтидан келур гул даминг,
Нурафшон даргоҳдир ўнгу сўлларинг,
Уфқлар ошади бахмал йўлларинг,
Бўстонлар чиройи қадим армонинг,
Она ер мардларин мадҳи достонинг,
Гулларга лаб қўйиб борурсан Сангзор,
Дилларга меҳр уйиб борурсан Сангзор.
Элингга сен Аму, Сирдек дарёсан,
У олис йўлларда яшил дунёсан.

1993.

ОНА ЭЛ МАДҲИ

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи посбонларингмиз.

Ой порлар юлдузли эрк байроғингда,
Темурнинг руҳи бор пок тупроғингда.
Бахтинг деб тепади қалблар эрта, кеч,
Сени ўзгаларга ишонмаймиз хеч.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи посбонларингмиз.

Оламга тутаҳдир мустақил йўлинг,
Ҳамкорлик қадрини улуғлар элинг,
Бахоринг эркимиз, тақдиримиз у
Биз уни кўриклаб яшаймиз мангу.

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи посбонларингмиз.

Биз Турон элининг азми мадори,
Асли бир онанинг фарзанди, бори,
Садоқат меҳридан қадамлар шаҳдам,
Ватаним, сен учун жонфидо ҳар дам.

Она эл ўзбегим фарзандларингмиз,
Эркингга фидойи посбонларингмиз.

1993.

МУҲАББАТ РАМЗИ

Чаманлардан сенинг учун элтганимда гул,
Кўксинг тўлиб, висолингга етганимда, гул,
Севинчларинг тошқин бўлиб мушки бўстондан,
Биттасини танлаб дединг: «Қандай гўзал бул!»
Дедим: «Барча бу гуллардан ўзинг барносан,
Гул ҳуснингдан чирой опти, қара гуллар ул.
Муҳаббатим рамзи эрур, нафис бу гуллар»,
Дединг кулиб: «Севги рамзи асли у кўнгил».

1993.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҒИНЧ

Рафиқам хотирасига

Келдим яна изларингни излаб рухжахон,
Тентирайман қирлараро, таниш хиёбон.

Изларингни кўрсатай деб бахор еллари
Йўлаклардан дилим ўртаб супурар хазон.

Сени кўрса ракс тушарди яшил япроқлар,
Энди улар сарғайибди, хомуш зафарон.

Дарахтлардан тушар кузги, етим япроқлар,
Улар менинг дил дардларим, охирги армон.

Сўнмаган дард, сўнмаган дил соғинч замони,
Сен йўқсану, руҳимда гул хуснинг намоён.

Кўзинг бўлиб йилтирайди олис юздузлар,
Қани унга айтолсам дил бўлса нурафшон.

Бу оламда Назарматга колган изларинг,
Япроклари ёкишарлар, йиғлаб, ёнар жон.

1993.

ОҚ ЙЎЛ

Мен Қашқа чўлини кездим ёз чоғда,
Чўғ пуркарди танга авжи саратон,
Туриб колдим Аму кўл чўзган ёкда,
Тикон билан сўзлашарди пахта, дон,
Тикон дерди, жойим бўлган шу кенг чўл,
Энди эса сурилибман увотга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жазирама берган эди менга йўл,
Замон зайли айланибман мен ётга.
Бурдой оппок пахта қўлин тутдию,
Чўл хокими эдинг дерди тиконга,
Бизни Фарход, Ширин қизлар кутдию,
Мана энди айландик биз бўстонга.
Зар кокилин ўйнаб ғаллазорлардан,
Кўксим тоғдек улкан дер дон хирмони.
Қуёш гулин тутиб пахтазорлардан,
Келди Қашқа чўлин бободехқони,
Бу ер қадим эрди юпун, кок макон,
Чорва келиб ўт изларди илк баҳор,
Саратонда замин ковжираб чунон,
Томчига зор ўтар эрди неки бор.
Келди Аму, яхши кунлар келаркан,
Ўзимиздек пахта кўтарди қаддин,
Дунёда бахт — буюк ўзлик бўларкан,
Эл қўлига олди ўз қадру ҳаддин.

Бобо деҳқон қўл кўтарди дуога,
Келди буюк истиқлол дер дунёга.
Боғлар кезиб, сўзлар тинглаб мен чўлда,
Қутлуғ қадамларни кўрдим оқ йўлда.

1993.

УЧ МИНГИНЧИ ЙИЛ

Янги асрим уч мингинчи йил,
Нафасиқгни сезиб турибман,
Эзгу хаёт йўлин ўйлар дил,
Боғларингни кезиб юрибман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У боғларда унган ҳар ниҳол,
Сенга етиб бўлғуси чинор.
У дилларда жой олган иқбол,
Ҳар нафасин қодир изми бор.
Олис эрур нурли манзиллар,
Қуёш йўли элнинг ҳаёти,
Бир-бирига қўл тутса эллар,
Насиб бўлғай унга умр тоти.
Эзгуликни эслатиб олам,
Ҳар лаҳзамни азиз тутинг дер.
Тарихларни варақлаб ҳар дам,
Истиқболни раво этгай ер,
Лочинларинг учиб кафтингдан,
Олис Марсга етгуси бир кун,
Эллар қалбин қуёш тафтидан,
Бўлғай замин нурафшон гулгун,
Кўҳна асрим отдинг сен довон,
Бўронларда ўтли ҳаётинг,
Янги асрим сен янги жаҳон,
Нурли йўллар бўлсин ниятинг.

1993.

ИМОН

Ҳар ким ҳам ўзини имонли дейди,
Топган нарсасини ҳалол деб ейди,
Лекин билмас асли нима у имон.
Дилми у, эътиқод ёки пок виждон.
Ҳар ким ҳам имонни ўзича ўйлар,
У ҳақда сўз кетса билганин сўзлар,
Баъзилар унутар юрган йўлини,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Номахрам ишларга урган қўлини,
Унутар курашда ёлғиз қолганин,
Ўзин эл ишидан четга олганин,
Имоннинг бош сўзи бу она Ватан,
Ватансиз имонни топмас жону тан,
Бировни камситиб, ўзини доно
Билганнинг кўзини очар бу дунё.
Бориб сўнг мачитга ўқир у намоз,
Гунохлардан мани этгин дер халос,
Юракнинг чандиғи нотўғри қадам,
Йўлингни тўғри тут бошдан, эй одам,
Билсанг чин имонлик асли инсонлик,
Билсанг чин инсонлик асли имонлик.

1993.

КЎРГАЗМА

Мактабда кўргазма — мола ва омоч,
Ўтмишдан хотира, дехқон буюми,
Муаллим дер: Ерга бўлган эҳтиёж,
Боболар яратиб, ишлатган уни.
Қўл изи, тер синган, қадими ёдгор,
У билан ер юмшаб, ундирилган дон,
Қўш хўкиз, чайир от бўлиб у хамкор,
Тортган улар билан машаққат дехқон.
Устоз сўрар янгиликни боладан,
Экин захматидан, ўтмиш даладан,
Заминда ризқ-рўз, эл дер бунёдкор,
Қудратли мошинлар дехқонга хамкор,
Боболар ўтмаса бу оғир йўлдан,
Бугунги камолот келмасди қўлдан.

1994.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎҲНА ДЎМБИРА

Чойхонада турар кўхна дўмбира,
Кимдир уни ёдгор этиб колдирган,
Чалинган кўп, рангсиз, овози хира,
Узуқ торларини чертиб колдирган.
Чойхонага келди таниш бир бахши,
Дўмбирани қараб олди кўлига,
Тор улаб дер: Бўлар бу кайта яхши,
Хизмат этар яна элу юртига.
Бахши тортиб у кўш торларин таранг,
Чертган эди чикди нафис куй, оханг,
Гўё топгандайин эгасини соз,
Кайта таратди у дилрабо овоз.

1994.

ВАСЛИ ЁДИНГ

Дилга тушди бир оташ ким, куйлар ёниб жон,
Унинг сўнмас алангаси сен ўзинг жонон.
Қайданам сен кўриндингу ишқ урди туғён,
Ғариб жоним ёнар энди хажри доғингдан.

Муҳаббатни кўзгу айлаб дилга келурсан,
Жамолингни орзу айлаб сарсон этурсан.
Бу талпинган жонгинамнинг холин билурсан,
Жудо этма мафтунингни висол боғингдан.

Кимки сўрса холим билур — ёниш фарёдим,
Интилурман ўртаниб дил васлингга доим,
Қайсар ёрим бу жаҳонда сенку муродим,
Назар айлар Назарматга нур қароғингдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самандарман, қаландарман хажри доғингдан,
Адойингман, гадойингман гул яноғингдан,
Ишқ чўлида қолиб кетдим ёр фирокингдан,
Боғбонингман, айирмагин висол боғингдан.

Қайсар ёрим бу жахонда сенку муродим,
Назар айла Назарматга нур қароғингдан.

1994.

КЎПРИК

Катта ариқ устида кўприк,
Қишлоқ йўли гавжум туну кун,
Лим-лим суви мавжли югурик,
Хаётбахш у юрт ахли учун.
Қуёш нурин кўчиб ўйнайди,
Олмосланиб ўтар тўлқини,
Қиз, жувонлар сохил бўйлайди,
Зилол сувга келар хар куни.
Уруш йили отам билан мен,
Келган эдим унга субхидам,
Не учундир хомушди замин,
Хомуш эди кекса отам хам.
Хаёл чўккан дилу нигохга,
Синов кутар йигитлик чоғим,
Зафар истаб олис жанггохга
Йўллаганди она қишлоғим.
Хайрлашиб кўприкда отам,
Деди: Ўғлим жангдан қайт омон.
Кўзин артиб, сўнг кучди махкам,
Гўё сўнг бор кўргандай бу он.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Билган экан урушдан қайтсам,
Ўтган экан отам дунёдан,
Овоз келур кўприкдан ҳар дам,
Чиқарма дер отангни ёддан.
Қишлоғимга келсам кўприкда,
Бир оз тўхтаб хаёл сураман,
Гўё отам эски этикда,
Пайдо бўлганини кўраман.
Ҳаёт тинмас кўҳна кўприкда,
Йўловчилар ўтишар бир-бир,
Дилда отам, томчи киприкда,
Шу хил экан одамзот, тақдир.

1994.

ОНА ЮРТИМ

Жонажон юрт Новим Спитаменсан,
Қадим Сир соҳилин обод юртисан,
Захматкаш аҳлинг бор, дўстга ҳамкорсан,
Онадек қадрли, азиз диёрсан,
Нови Спитамен, Ватан гулзорисан.

Бор сенда ўтмишдан ёзиқномалар,
Селравинг, Коризинг, Каллахоналар,
Сўзлайди бағрикенг дашту чўлларинг,
Гул униб, боғ бўлган мангу йўлларинг,
Нови Спитамен, Ватан гулзорисан.

Қушиқлар таралур боғу гулзордан,
Бешиклар тебранур тўй, никоҳ, ёрдан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Китоблар ёзилур тарихи бордан,
Фарзандинг Назармат севган ашъорсан,
Нови Спитамен, Ватан гулзорисан.

1994.

МОТАМСАРО ОНА

Мотамсаро она пойингда гулхан,
БаҒрингни ёндирган бўронли йиллар,
Фарзандинг кай элда бўлганда курбон,
Ёд олиб таъзимга келади эллар.

Шахидлар пок рухи чорлов, онажон,
Орзуинг ҳаёту, тинч бўлсин жахон.

Хотира хастнинг огоҳ машъали,
У халқлар дилида сўнмаган олов,
Она ер яралган эркин юргали,
Одамлар бўлмасин бир-бирига ёв.

Нур бўлиб порлайди гулхан, онажон,
Тинч йўлга чорлайди гулхан, онажон.

Имону, эрк билан мунаввар дунё,
Тўзмасин, тортмасин хавф-хатар дунё,
Қуёшни кучгандай замину осмон,
Элларга баҒрини кенг очсин жахон.

Шахидлар пок рухи чорлов, онажон,
Орзуинг ҳаёту, тинч бўлсин жахон.

2004.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧОРБОҒ

1994 йилда 31 октябрь Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон уруш ва меҳнат фахрийларининг Тинчлик юриши Тошкентдан бошланиб, Маҳтаарал, Хўжанд, Лайлак заминларидан ўтиб, 3 ноябрда Фарғонанинг Қувасой шаҳрида якунланди. У ерда хотира боғи яратилди.

Қувасойда бир табаррук чорбоғ бор,
Куз айёми келди унга навбаҳор,
Тўрт қардош халқ фарзандлари меҳмони,
Бағрин очди унинг дўстлик майдони.
Қуёш порлаб, ҳаво эди мусаффо,
Ёйиларди она замингга зиё,
Юраклар шод, сўзлар дўстлик меҳрини,
Эъзоз айлар Қувасойнинг ерини,
Ёш кўчатлар уйилганди увотга,
Замин кучиб томир ёяр ҳаётга,
Қон-қардошлик рамзин айлар аён у,
Пайдо бўлар Қувасойда боғ мангу,
Қатор турар олма, ўрик кўчати,
Бирин экди қозоқ оға Мухамбати,
Тожик адиб Бокизода сўнг бирин,
Қирғиз Тўхташ ота ҳам нок кўчатин
Олиб бирга ўтказишди ёнма-ён,
Пайдо бўлди даштда янги ғулистон,
Зафар боғи кенгаярди у ҳамон,
Самиғ[1], Зикир[2], Азиз Қаюмни шу он,

---

[1] Мусаввир — Самиғ Абдуллаев.
[2] Саньаткор — Зикир Мухаммаджонов.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қутлар эди қад ростлаган ниҳоллар,
Дедим буюк дўстлик-ла обод эллар,
Сарин елдан шивирларди япроқлар,
Мангуликдан сўзлар эди бу боғлар.

1995.

У МАНГУ НУР

Кубронинг қони

Қуёш хамро, чорлар Хоразм,
Аму дарға, дилимда таъзим,
Дуога қўл кўтарар имон,
Нола айлар юрагимда қон:
Сенда қолган у суйган жаҳон,
Сенда қолган у муқаддас жон.
Унинг рухи замин нафаси,
Замонларнинг буюк дарғаси,
У уфқда мангу машъала,
Ёвузлардан асровчи қалъа,
Унутма деб ёниб туради,
Бефарқлардан нолиб туради,
Она ернинг чўл, даласини,
Азиз ёмби ҳар заррасини,
Қучиб, ундан яратган гужум,
Унутма дер ўзингни мардум.
Нола айлар юрагимда кон,
У мангу нур, имони замон,
У Кубродир, эрклик буржуни,
Элимизнинг англов бурчини,
Фарзанд этиб колдирган абад,
У Ватанга буюк муҳаббат.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дафтар очар Кубронинг кони,
У халкимнинг мангу виждони,
Тўкилмаган ерга у бекор,
Буюклиги хар нафасда бор,
Ҳушёрликка чорлаб туради,
Эл дилида порлаб туради.

1994.

БУРЧ ЙЎЛИ

Уруш бошланганда,
Фронтга йўл олди акам Аширмат,
Сарҳадда жангга кирди укам Холмат,
Дипломни онамга қолдириб у кун
Сен хам йўл ол дедим жангга Назармат,
«Болаларим уйга омон қайтинг», деб
Ота-она колди бизни кузатиб.
Қуролга айланди қўлдаги қалам,
Жангларда ёндику, ёнмади калам,
Ватан мехри эди бизга мададкор,
Элга эдик биз жангчи хам ижодкор,
Унут бўлмас зафар, тўкилган конлар,
Ёдда шахид кетган марду майдонлар,
Она Ватан, бахту такдиримизсан,
Қайда бўлмайлик сен қалбимиздасан.
Азизлар, бўлайлик доим тинч, омон,
Ўтганлар рухларин этайлик шодмон.

1995.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚОЛАДУР

Умр ўтар, жахон коладур,
Бунёдингдан эҳсон қоладур,
Нурли бўлса юрган йўлларинг,
Сендан боғу бўстон қоладур.
Устозларнинг таълими дунё,
Ундан илму ирфон қоладур,
Ватан истар элим иқболин,
Ундан мерос, нишон қоладур.
Инсон йўли нурли манзил у,
Етолмаса армон қоладур,
Иш тушганда марднинг бошига,
Вафоли дўст, қадрдон қоладур.
Назарматнинг меҳри сизларда,
Ундан шеъру достон қоладур,
Умр ўтар, жахон коладур,
Бунёдингдан эҳсон коладур.

ҚАДИМ ДИЁР

Улкан замин, азим диёр Бухоро,
Баҳри кўркам, қадим диёр Бухоро.
Минг йилларнинг тарихисан, улуғсан,
Маърифатнинг даргоҳисан, қутлуғсан.
Буюк ҳаким Ибн Сино юртисан,
Илму ирфон, донишмандлар кўркисан.
Сенинг фахринг илми ҳадис Бухорий,
Дунё билган Нақшбанди диёри.
Ялов тутган нурли йўлга Файзулло,
Буюк сохибқалам Айний домулло.
Сахий замин, зарли, ғазли маконсан,
Кони неъмат, элга азиз жахонсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадамжосан, келур сенга сайёҳлар,
Ором олур сенга тушган нигоҳлар.
Эл ардоқлар фарзандларинг шухратин,
Она юртга қадру меҳру ҳимматин.
Ёдда захмат, оғир уруш йилларинг,
Марди майдон бўлган қиз, ўғилларинг.
Гул тутади сенга Аму, Зарафшон,
Шухратингни билур ахли кенг жаҳон.
Улкан замин, азим диёр Бухоро,
Баҳри куркам, қадим диёр Бухоро.

1995.

СЎРАСАЛАР ЮРТИМДАН

Сўрасалар юртимдан, сўз очсалар элимдан,
Жавобига тайёрман, кўшик келур дилимдан.

Мен элимнинг мунаввар йўлларини куйлайман,
У йўлларда очилган гулларини куйлайман,
Гўзал юртнинг қизлари, гўзал бўлур, гул бўлур,
Гўзалликни яратган элларини куйлайман.

Баҳорларнинг хушхони булбулларин куйлайман,
Бунёдкор эл вафоли кўнгилларин куйлайман,
У кўнгиллар мадҳида эл мардлиги янграйди,
Чаманларга айланган, дашт, чўлларин куйлайман.

Озод Ватан хумоси, ҳилолини куйлайман,
Ўн икки нур-юлдузли жамолини куйлайман,
Байроғининг уч рангу жилосини куйлайман,
Она элим муаззам камолини куйлайман.

Сўрасалар юртимдан, сўз очсалар элимдан,
Жавобига тайёрман, кўшик келур дилимдан.

1995.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УДМИ ЭҲСОН

Инсон яшар умид, орзу, меҳнату имон билан,
Гуллар унар йўлларида ҳамнафас замон билан.

Ҳаёт буюк бир китобки ўқур инсон бир умр,
Қадрлидир умри ўтса ҳалол ошу нон билан.

Кўрса инсон яхшиликни қайтарай дер вақтида,
Мўъжаз уйи гулшан эрур келса дўст, меҳмон билан.

Отахонлар сўзлари бор, яшар элда оқибат,
Ўлчанмагай ортиқча сарф мўлу кўл эҳсон билан.

Ҳар юртда бор кўхна удум тўю, йиғин, маросим,
Эзгу хислат элни кутмоқ иззату икром билан.

Аҳли санъат хизматидан баҳра олур ҳамма ҳам,
Куй, қўшиқлар жон рохати хофизи хушхон билан.

Назар куйлар қадими урф, тантана, эл одатин,
Эсланур у ўтса файзли, яхши дам, ором билан.

1995.

БУ КУННИНГ ҲИКМАТЛАРИ

Яхши хаёл дилни кўтарар,
Азми фаол элни кўтарар.

Ҳаёт кўрки қўлингда бўлсин,
Пок ниятинг йўлингда бўлсин.

Учар гиламда учмайлик,
Учар оламни кучайлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одам учун яралган олам,
Олам учун яралган одам.

Қисмат хар хил бўлар жахонда,
Тош ўлчови турар инсонда.

Йўл инсонга карайди,
Донога оқ ўрайди.

Ватан иккинчи қуёшдир,
Қадрин билганга йўлдошдир.

Жанг кўрган осойиш дамни ўйлар,
Ерга мунаввар кўкламни ўйлар.

Дунёнинг ҳикмати оқибатдан у,
Инсоннинг ҳиммати садоқатдан у.

Эрк кетса илгингдан кисмат демагил,
Қисмат деб ўзгага хизмат этмагил.

Дилда бўлса иктидор, идрок,
Нурли бўлгай йўлингда офок.

Билим ва ҳунар сен топган дунё,
Иккисидан келур умрингга зиё.

Истиқлолда авлодлар кони бор,
Эрк деб ўтганлар армони бор.

Кеч қуёшни кузатади, тонг ундан отади,
Ният дилда ётади, онг ундан отади.

Донолар кўп дунёда,
Олам яшар зиёда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиллар умрга сархисоб,
Ҳаёт унга бир китоб.

Аллоҳ ато этган умр
Қадрига ет, у йўлингда нур.

Ҳаёт тиконли гулга ўхшайди,
Акл уни имонли йўлга бошлайди.

Дарахт кўп гуллайди,
Ҳосилда турлайди.

Тошган тошкинга ўхшар,
Ҳаддан ошганга ўхшар.

Ожиз одам кутади ёрдам,
Ножинс одам бўлмайди ҳамдам.

Қарсак чалинмас бекор,
Унда бор мехру икрор.

Тилни билган бир бошқа,
Дилни билган бир бошқа.

Ижод қарамас ёшга,
Қудрати ўтади бошга.

Инсоний чирой юздан билинмас,
Аслу ҳикмати кўзга илинмас.

Кимки бўлса баҳри кенг,
Унинг элга баҳри кенг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиқилар одам хар хил ҳолатда,
Ким қандай карар шундай фурсатда.

Йўлда ётганга қарама бефарқ,
Ўйлама уни ичган деб арак.

Қовунининг хиди гохо бўлади баланд,
Мағзи гох бемаза, гох бўлади канд.

Кўпол муомала бадбўй хаво,
Яхши муомала обрўй, даво.

Пўлат оловда тобланади,
Гуруч паловда тобланади.

Чирок ёкмасанг парвона қайда,
Ёрга скмасанг ҳамхона қайда.

Вафо килмасанг жонона қайда,
Фидо бўлмасанг эл, она қайда.

Зиё курган фикридан билинур,
Дунё кўрган шукридан билинур.

1995.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДУНЁ КЕЗАР ЧИРОЙ

Халқ рассоми Малик Набиевга

Дунё кезар чирой мўйқаламингиздан,
Йўл олур етти ранг нур қадамингиздан,
Қалбингиз қатида буюк орзулар,
Оламга таралур ундан ёғдулар,

Чаманлар интилур сизга таъзимкор,
Буюк Бехзод йўлин сизда сехри бор,
Сиз Ватан кўркининг жонбахш мафтуни,
Нафосат қасрининг улкан устуни.

Илохий истеъдод сизга мададкор,
Гўзаллик дунёсин сўнмас нақши бор.

1996.

ЁР БИЛИНАР САДОҚАТДА

Ёр қошингдан олганми қалдирғочлар қанотларин,
Яшил тоғлар асаллари бол лабингдан тотларин,
Ул қайрилма қаро қошинг жоним кўкин хилоли,
Лабинг эса бол кавсари, ширинпазлар хаёли.

Паривашлар жамолингга, киёслайди зотларин,
Боғлар эса олур сендан навбаҳор бисотларин,
Ёр билинар садоқатда бўлса меҳру, вафоли,
Сен эрурсан мухаббатнинг буюклигин тимсоли.

Тингла эй гул севган ёринг нола муножотларин,
Дил дунёсин наволарин, ашъору ижодларин,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бағишланган сенга улар, орзуим ёр висолинг,
Соғинчим ул, қувончим ул гўзал олам жамолинг.

Ёр билинар садоқатда бўлса мехру, вафоли,
Шаҳло кўзинг муҳаббатнинг тонг юлдузи, иқболи.

1996.

НУРОНИЙ

Охиста қадамлар, етмасди дармон,
Етмиш йил кўтарган оёк мажолсиз,
Билдирмас хорганин, олдда хиёбон,
Унда дам олмоқчи ўлтириб ёлғиз.
Оромгоҳ мудрарди, кузак маҳали.
Ел дарахт япроғин этмоқда варрак,
Изғирин пурковчи қишга бор ҳали,
Кўхна, бўш тахтада дам олиш керак.
Хиёбон тўрида ёзиқлик шиор,
Қачондир қўйилган, сўзи — нуроний,
Кексалар боғига шу бир эътибор,
Ёзиб колдиргандир кайси бир ҳомий.
Закоту, саховат, химмату, шафқат,
Ёрдамнинг йўлида бу-да бир эҳсон,
Ризқи рўз илдизи асли у меҳнат,
Шуларни ўйлайди нуроний инсон.
У қутлуғ умрининг неча йилини,
Киндик конин тўккан ерга бахш этди,
Бошини кўтариб, ушлар белини,
Шу чоқ эзгу бир рух дилда накш этди.

1996.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАЛАРГА ЙЎЛ БЕРИНГ ДЎСТЛАР

Оналарга йўл беринг дўстлар,
Фарзандларин излар жаҳондан,
Излар шаҳид киз, ўғилларин,
Қайтмаганлар улар майдондан.

Оналарнинг соғинч йўллари,
Излар фарзанд бахт нажотларин,
Улар сақлаб жангда элларин,
Айтмаганлар ҳалокатларин,

Ёнар олов-сўнмас ёдгорлик,
Фидо бўлган мардлар рухи у,
Оналарнинг умри бедорлик,
Ҳайкалларга айланган мангу.

Оналарга йўл беринг дўстлар,
Фарзандларин излар жаҳондан,
Излар шаҳид киз, ўғиларин,
Қайтмаганлар улар майдондан.

1996.

ЖИНЧИРОК

Сенга тушар нигоҳим,
Аслинг кора мўридан,
Энди сени кўрарман,
Кўҳна тарих тўридан.
Кўргазмада мункайиб,
Бағринг қақшаб турарсан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кечалари тепангда,
Чараклаб нур кўрарсан,
Томоғингни қадими
Мойлаганди обжувоз,
Бошлар эди ел дами
Қурум пуркаб, тунлар ноз,
Сен билан хам утиб биз,
Интилдик ёркин нурга,
Элда куёш кутиб биз,
Етдик кейин мехрига.
Кўхна чирок ўйимда,
У тарихни вараклар,
Кечалари уйимда,
Янги куёш чараклар.

1996.

ОҚСОЙ ҚЎШИҒИ

Оксой бўйи — бахор гулшани,
Келарди ёр гуллар кўргани,
Хаёлимдан чиқмайди асло,
Гуллар териб, гуллай юргани.
Сой бўйида қолди гулларим,
Яproқларин ўйнайди еллар,
Окар сувда соғинч ўйларим,
Мулокотга чорлайди йўллар.
Гуллар олиб ёрим юрарди,
Гўзалликни севарди дилдан,
Мухаббатнинг қадрин биларди,
Хабар олмас энди у гуллдан.
Гулларимни оқиздим сойга,
Етиб борса олармикин ёр,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келиб оксой бўйи, у жойга,
Гулни олиб қолармикин ёр.
Сой гулида дилим борарди,
Сўзлар нозли ёр фироқидан,
Умидларим гулга айланди,
Куйлар дилбар висол боғидан.
Сойда оқар соғинч гулларим,
Мулокотга илинж дилларим.

НАМОЗШОМГУЛ

Намозшомгул салқинда,
Чаман бўлиб порлайсан,
Айт, гўзалим ойдинда,
Кимни ишққа чорлайсан.
Гуллар аро сехрли,
Чехранг зебою гулгун,
Кимга бунча мехрли,
Интизорсан кечқурун.
Оқшомлари дилдоринг,
Капалаклар бўлурму,
Ёки сенинг хушторинг,
Хур, малаклар бўлурму.
Намозшомгул очилгин,
Тинглай дилинг сехрини,
Сен бағримга сочилгин,
Куйлай севгинг мехрини.
Намозшомгул порлайсан,
Кимни ишққа чорлайсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДОРИЛФУНУНИМ

Инсоннинг мунаввар умри билимда,
У эрур ҳаётда ганжинавий кон,
Олий билимгоҳим бўлдинг йўлимда,
Буюк Самарқандда маърифий жаҳон.
Нурли зиналардан сен олиб ўтдинг,
Умрим варағида ёзиғлик беш йил,
Устозлар таълимин дилга жо этдинг,
Буюк дунём эрур сен берган таъсил,
Жаҳоний меҳрингдан қучиб ёркин нур,
Ватанга дастиёр бўлдим бир умр,
Бўронли йўллардан бизлар кўп ўтдик,
Ҳамма вақт дилларда меҳрингни тутдик.
Ҳаёт мунаввари, таълиминг нури,
Билим, ҳунар, мангу инсоннинг йўли,
Олтмишдан ошибди ўқиган йилим,
Ҳамон мен талабанг дорилфунуним,
Ҳаётим ёлқини дониш фикрлар,
Бари сендан эрур, минг бор шукурлар,
Билимдоним сенга дейман кўп раҳмат,
Унутмас устозин ҳеч вақт Назармат.

1997.

ЁР ХОТИРАСИ

Япроклар тўкилмоқда,
Дил чоки сўкилмоқда,
Дуолар ўқилмоқда,
Эслатур сени ёрим,
Ўртанур дили зорим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшитгум азонларни,
Тўкилган хазонларни,
Совуриб армонларни,
Япроклар тўкилмокда,
Дил чоки сўкилмокда.

Гўзаллар ўтар сендай,
Ёд олиб дилим ёнгай,
Хаёлим куйган кундай,
Япроклар тўкилмокда,
Дил чоки сўкилмокда.

Соғиндим сени дилдор,
Фарзандлар эслашиб хар бор,
Хотиранг бўлиб ёлгор,
Япроклар тўкилмокда,
Дил чоки сўкилмокда.

1997.

ГЎЗАЛЛИК

Бахор келиб, заминда гул гуркирар,
Чаманларда капалаклар базм курар,
Сабоҳлардан ғунчаларда ўйнар нур,
Хушбўй гуллар чехраларда елпинур,
Боғлар очар гулга сахий бағрини,
Алп чинорлар тутар нурга сағрини,
Замин билан сўзлашади гуллар хам,
Элга хирмон кўзлашади мардлар хам,
Ғунчасини нурга буркаб субҳидам,
Кўзин очиб, сеп танлайди тикон хам,
Шўх елларга ҳамдам эрур куй, наво,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ерга тутар илиқ нафасин ҳаво,
Баҳор дилни гул гаштига ўрайди,
Бор оламни чиройига буркайди,
Гўзалликка ошиқ эрур табиат,
Илҳом олиб, шеърлар ёзур Назармат.

1997.

ОЛТИН ВОДИЙСАН

Баланд тоғлар викор бошингда,
Чирой танлар баҳор кошингда,
Чаман яшнар ҳоки, тошингда,
Дилрабосан мангу ёшингда,
Гул дунёсин гули Фарғона.

Асли номинг нурдан яралган,
Фасли кўркинг дурдан яралган,
Неки унган дилдан яралган,
Меҳру вафо куйи Фарғона,

Сен диёрда олтин водийсан,
Кува, Қўқон, Марғилонисан,
Кумушларнинг хонадонисан,
Чўлпонларнинг сўнмас ёдисан,

Сен Фарғоний юрти Фарғона,
Буюк элнинг кўрки Фарғона.

1997.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЙТМАДИ БОҒИГА

Бурхон қайтур боғига.

Бурхон Турсуновга

У қалбини тикканди ерга,
Неъматини нихолда кўрди,
Замин шимган пешона терга,
Юрак кони кўпчиб югурди.
Томчилари бўларди кўклам,
Ананаслар хушбўй сабохда,
Кўзивойлар коматли, кўркам,
Хандалаклар дилкаш нигохда.
Гуллар атри учкур шамолда,
Қанот ёзган ўрик мағзи қанд,
Нок, олмалар нақшин жамолда,
Боғбон дилин этганди пайванд.
Баҳрин очиб ҳар бир нихоли,
Мевалари жилоланарди,
Зарғалдоғу, луччак шафтоли
Ёғду бўлиб минг товланарди.
У жаннати замин эҳсонин
Ширин-шакар неъмат саркори,
Ҳар қарич ер куйлаб боғбонин,
Сеп танларди ундан диёри.
Қолди боғи, замин дунёси,
Жанг чорлади тақдир йўлига,
Айриликнинг тўзон нидоси,
Соя ташлаб чўкди дилига.
Жанггоҳ йўли — осон бўлмас у,
Кимгадир у борса келмас у,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боғбон қайтолмади боғига,
Бош қўёлмади ўз тупроғига,
Қолди элда жасорат, номи,
Бузилмас мардлар курган томи.

1998.

УСТОДНИ ЙЎҚЛАШ

Эллик учинчи йил, айни ёз, чилла,
Олов пуркар эди заминга осмон,
Бизни чорлаганди биродар ўлка,
Пахтакор мардлари, дўст Тожикистон.
Душанбада эса устод ётарди бемор,
Ҳукумат боғида, ёлғиз бир ўзи,
Ёнида жонсарак аёл, шифокор,
«Тошкентдан дўстлар кепти», шу эди сўзи...
«Таклиф этинг...» дейди Айний домулло,
Қолди дала, мусобака, мулокот...
Дилни банд этганди маърифий дунё,
Отадай табаррук мангу бир ҳаёт.
Ҳол сўрар меҳрибон нуроний дийдор,
Эслаб кетдим талабалик йилларни,
Қадимий Самарқанд, билимгоҳ, илк бор
Устод таълимини кутган йўлларни,
Дўстлар меҳри эрур устодга дармон,
Соғлиғи биз учун эди нур жаҳон,
Устод аста тўшакдан бош кўтарди,
Бизни кўриш эди оғир ҳолда ҳам,
Биродарлик меҳри дилдан ўтарди,
Шу эди дўст юртда биз кўрган олам.

1999.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАНГУБЕРДИМАН

Онажон, мен нахри Хинддан кечаяпман,
Кечаяпман Ватандан олис дарёдан,
Аму деб бир томчи сувин ичаяпман,
Кечгум йўқ умидли бу кенг дунёдан.
Она юрт чунки сен мангусан, борсан,
Менман Мангубердинг, ўзинг қўйган ном,
Сен шаркда мунаввар қадим диёрсан,
Яратган боғингда ризқим бор мудом,
Қуёш тоғ кифтидан боқар қизариб,
Элим мардларининг тўккан қонидай,
Субҳи гонг туманли турар бўзариб,
Яллуғи шаҳидлар сўнмас жонидай.
Онажон, мен энди Хинддан кечаяпман,
Сен берган қайрилмас қилич қўлимда,
Сенга қайтаман деб қасам ичяпман,
Тулпорим мададкор нотинч йўлимда.
Зурёдлар нур олиб Одам Атодан,
Кўпайиб муштипар Момо Ҳавводан,
Тарқалган дунёга айри зотидан,
Сипқорган иссиқ ел, совуқ хаводан.
Жанг билан яшарлар ўшандан буён,
Ким кучли, ким ўғли бўлган одати,
Баробар боксада қуёш, ер, осмон,
Билмаган нимада эрк саодати.
Кенг дунё уларга келгандайин тор,
Бугун эса ортдан келмоқда ёғий,
Нахангдай ютмоққа ажал нафси бор,
Ёвузлик оламнинг чўккан дил доғи.
Мен кетсам, ўрнимга қолар Хораэм,
Туғилар янги мард Жалолиддинлар,
Қайда бўлмай элга этаман таъзим,
Курашга отланур эрк-чун жўмардлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хинд дарё нега сен мунча тўлқинли,
Қиличнинг дамидай ўйнар учкунлар,
Безовта мард қалби бўлар ёлқинли,
Қасоса чорлайди оловли тунлар.
Тунларда сипохлар чароғи гулхан,
Хоразм зардўштин шаъми Авесто,
У ер оташкада пойигох Ватан.
Зол тарих у жойни унутмас асло.
Гулханни чорлайди нариги кирғок,
Мехрли хинд элин она бағридай,
Мард туни дарёдай безовта, уйғок,
Тулпорин шиддати элин қахридай.
Чакмоқдай яраклаб келаяпти у,
Субхидамда қучар ер ёлларидан,
Отнинг ҳам кўзида эркли йўл орзу,
Олиб ўтай дейди хавфли ерлардан.
Бошини кўтариб қўзғалар тезкор
Учмоқчи бўлгандай қарар кўк томон,
Мангуберди билан жанговар ҳамкор,
Дуч келар йўлида ўтли кўп майдон.
Кишнаса тоғлардан келар акс садо,
Бу янги жангларда борман дегани,
Кўтарган мардига эттуси вафо,
Жангларга ташланур ёзни енгтани.
Мард қанда бўлмасин хоҳиши зафар,
Ватан мехри асрар минг бир балодан,
Мард хатто бўлганда ғариб, дарбадар,
Кутади хак йўлин ҳарбда Оллохдан,
Олдинга ташланса зарбли туёклар,
Қайроқи тошлардан кўчар учкунлар,
Дарахтлар силкиниб, учиб япроклар,
Эргашар ҳавасла гирдоб, қуюнлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онажон, жанг бизни кутмоқда бу дам,
Евнинг конли қўли тегмасин сенга,
Мусаффо кетгуси оламдан одам,
Йўлатмас хаётнинг ғуборин танга.
Нур билан йўғрилган танинг онажон,
Ғужум бўлиб ўсган дагиш қумларда,
Ўтдинг хатарлардан хар доим омон,
Уғлинг-ла биргасен жанг, хужумларда.
Ватандин олисмен, Ватан ўйимда,
Эркдан хеч одам бўлмасин жудо,
Тўзон изғир ўсган кўча кўйимда,
Унда элим эрки бўлмоқда адо.
Она ер белгилар инсон сабрини,
Бағридан фарзанди айрилганида,
Хорликда билар у эркнинг қадрини,
Тубанлик чохига қайрилганида.
Мол тўплаб, ишратда кун кўриш — ғафлат,
Ҳаётнинг нафасин эли бергуси,
Дунёда бор хаёт, мехру мухаббат,
Нашъали йўллардан гуллар тергуси.
У йўлни сидку бурч саклар ўзида,
Нотекис кадамда пайдо бўлар ғоз,
Ватан мехри чақнар инсон кўзида,
Мардлиги умрига рахнамо, ялов,
Эгарнинг устида Хоразм туғи,
Ҳилпирар хеч зотга бўй бермасдан у,
У билан яшар эл, хар қизу ўғил,
Туғ яшар она эл эркила мангу.
Урганчнинг попоғи бошимда тожим,
Саклаб келар аёз, бўронлардан у,
Ўзга сарпўшларга йўқ эхтиёжим,
Совутим йўлимни ёритғич ёғду.
Силкинсам тебраниб овози келур,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Танимга тан бўлиб истар омонлик,
Жангларда зирҳларнинг кадри билинур,
Уларда маҳкамдир марду майдонлик.
Танимда ёғийнинг заҳри котили,
Чандиклар касосга чакирар мени.
Дилим дер отлангин жангга ёшулли,
Кутмоқда мукаддас Хоразм сени,
Сохил кўкатлари шивирлар аста,
Капалаклар тинмас, гул кучиб учар,
Балиқлар хол сўраб, кўринар пастда,
Сувдан баланд сакраб, тўлқинлар кучар.
Аста келур бургут чархи фалакдан,
Канотин остига мени олмоқчи,
Шиддати жой олган нотинч юракдан,
Мен билан жангларга бирга бормоқчи.
Ботирдан ўрганиш марднинг хислати,
Ҳийла керак деган жангда пайғамбар,
Бу удум мағзида эл жасорати,
Дониш йўл-йўриклар байроғи зафар.
Қайтаман элимга тоғлардан ошиб,
Етгайман орзуга дарёлар кечиб,
Жангларга киргайман дарёдай тошиб,
Она эл номи-ла ахду онт ичиб.
Онажон, изимдан келинг соҳилга,
Сизга эргашсинлар аҳли оилам,
Изингиз қолмасин ёвуз котилга,
Шуни истар биздан она юрт бу дам.
Мен кетсам, қолади элимда рухим,
Элим-чун йўлимни жангга бурдим ман,
Ватаним, сен борсан, туганмас умрим,
Ўғлинг Жалолиддин Мангубердиман.

2000.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СОҲИЛДАМАН

Соҳилдаман, сарҳаддаман, мажнун тол,
Кокилларин ўйнаб ўтар учқунлар,
Хивчинлари тортиб дилимдан хаёл,
Шошиб олға куйлаб ўтар тўлқинлар.

Учқунларда мехрим борар ёримга,
Мангу оқин йўллари у саховат,
Чашма эрур бу кўнгил диёримга,
Ундиргани вафо гули садоқат.

Дарё оқар, пойинга у бош қўяр,
Қалқиб ўтган тўлқинлари дунё у,
Инсон ожиз йўлларига тош қўяр,
Насиб этган манзиллари эиё у.

Дарё оқар, элтар соғинч дилимдан,
Тўлқинида борар жўшиб армоним,
Хазонларни супургайман йўлимдан,
Ишқ баҳори менинг сўнмас жаҳоним.

Мен тунлари соҳил бўйлаб бедорман,
Мен диёру ёрни куйлаб бедорман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КУЗ ИЛҲОМЛАРИ

Тоғлар қаридан,
Қорлар бағридан,
Замин сағридан
Салқин ел келур,
Куз чиройидан
Гуллар нафаси
Оромбахш елур,
Она заминда,
Ёзиқ дастурхон,
Ундирган гули,
Кўркам бир макон.
Нозу неъматлар,
Ширин-шарбатлар,
Заррин толалар,
Гулгун лолалар,
Дунё бўйлаб у,
Йўл тутар карвон,
Деҳқон эккани,
Эллар кутгани,
Азиз армуғон,
Диёрда кезар,
Куз илҳомлари,
Олтин дамлари...
Уйган хирмонин
Элга атайлаб,
Элгар саралаб,
Касбу корини,
Улуғлаб деҳқон,
Сўнг шукроналик-ла,
Синдиради нон.

2002.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭЛ БАҲОДИРИ

Генерал Собир Раҳимов хотирасига

Баланд бўй, қоракўл попоғи бошда,
Она юрт қолганда жангу талошда,
У олов умрини қўйди гаровга,
Шер бўлиб ташланди ялмоғиз ёвга.
У Ватан қиличин тутди қўлига,
Кўксин калқон этди жанглар йўлига,
Попоғли бошига ёвуз чанг солди,
У ёвни енгдию, нур бўлиб қолди,
Туғилган Тошкенти генерал ўғлин.
Унутмас фидойи баҳодирлигин,
У жондан севарди жонажон юртин,
Унинг боғ, маҳалла, Тахтапул кўркин,
Севарди улоқни, сайру юрт, тўйларин,
Удми эл, маърифий, санъат куйларин,
Жангаро бир лаҳза олганда ором,
Сезарди дилда юрт соғинчин мудом.
Деярди жанггоҳдан қайтсам соғ, омон,
Бўлардим тинч, гулшан юртимга боғбон,
Унутмас эл фарзанд, мард баҳодирин,
Мардлар асрар азиз, она диёрин!

2003.

ДАРЁ ҚЎШИҒИ

Мироб борар, ойдинли тунлар,
Йўл ёнида шовуллар дарё,
Балиқ каби ўйнаб тўлқинлар,
Яраклайди кўкимтир зиё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дарё кучар икки сохилни,
Гохи қалқир кўпикларда у,
Макон айлаб олис манзилни,
Ором билмас йўлларида у.

Хар томчисин бор шўх учқуни,
Тиним билмас учиб, ўйноқлар,
Нурга чўмиб дарё тўлқини,
Кўксин тутар намхуш қирғоқлар.

Йўлин тутиб оби хаётга,
Кучар дарё гуллар маконин,
Томчилари қўниб увотга,
Гулга буркар боғу майдонин.

Жимирлайди тўлкинлар сокин,
Чаманларга бўлай дер оро,
Чирой олиб мехридан экин,
Яшнар ундан замин доимо.

Арик тўлиб қалкиб ўтар сув,
Кўкатларнинг яйрайди жони,
Япроқ гулда сувга интилув,
Яшнар ундан экин жахони.

Қанот зрур улов миробга,
Ёлларини ўйнайди шамол,
Хаёт йўлин сувори ўйлаб,
Гохи дилни камрайди хаёл.

Кўз ўнгида жонланар мардлик,
Йигитликда кечган жанг дамлар,
Истаб элга мангу ободлик,
Жангтоҳларга қўйган қадамлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўтди нотинч, оромсиз йиллар,
Энди замин ҳамроҳдир унга,
Пайдо бўлиб чаман манзиллар,
Ўхшар гуллар нурли тўлкинга.

Тўлиб оқсин дер мироб дарё,
Бир томчи ҳам кетмасин бекор,
Йўлларида гуркираб дунё,
Гуллар кучсин нақш танлаб баҳор.

Яшнаганда боғларда гуллар,
Шабадалар эсар муаттар,
Гўзалликни куйлаб булбуллар,
Ошиқларнинг қалбини ўртар.

Юрт кўркида миробнинг ёди,
Ёнбошида дарё шалдирар,
Кўз олдида янги бир водий,
Чаманларда ўйнар ёғдулар.

Жўшқин дарё қўшиқ куйлайди,
Мавж уриши ором миробга,
Об-ҳаётни доим ўйлайди,
Дер заминни келтирай тобга.

Мироб қараб жўшқин дарёни,
Чаманларда кўрар дунёни.

2003.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИНИМ ЖОНИБЕК

Шоир Жонибек Кувноқ хотирасига

Сен тоғлар лочини эдинг Жонибек,
Сен ашъор очуни эдинг Жонибек,
Ошиб кишварлардан дилбар овозинг,
Дилларни нурларга чўмганди созинг.
Сени билар эдик болалигингдан,
Фориш тоғларида лолалигингдан,
Отингга яраша сен қувноқ эдинг,
Икки тилда куйчи, қўш қирғоқ эдинг.
Сени билар эди Душанбе, Помир,
Ўш, Сурхон, Хоразмда ёйгандинг томир,
Ўз шоирим дерди Фарғона, Хўжанд,
Сенга қанот берди жонажон Тошкент.
Сендан колди ғазал, тароналаринг,
Қолди ёру, фарзанд парвоналаринг,
Сен тоғлар лочини иним Жонибек,
Сени куйлар она элинг Жонибек.

1993.

БОШБУЛОҚ

Олис юриб, қайси жойдан Бошбулоқ,
Шаффоф бўлиб, чиқармисан йўлимга,
Чўққилари оқ ўраган тоғ йирок,
Бағридан жом тутармисан қўлимга.
Сенда ўтган шўх ёшлигим ёдимда,
Ёзда салқин кишда илиқ ўйнардинг,
Тоғ бағридан чиқиб, сўнг кўз олдимда,
Роҳатижон софлигингни сўйлардинг,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шошқин эдинг, тошлар ортингда қолиб,
Арик бўйлаб югурардинг мусаффо,
Сунбулага йўлдош бўлиб, авж олиб,
Сизиб, кўпчиб, ўйнар эдинг доимо.
Бошбулоғим келдим яна қошингга,
Мен кексага соф жом тутиб, шод этдинг,
Равон бўлиб, ёш қўшилиб ёшингга,
Сахий диёр меҳрин менга ёд этдинг.
Сен умримнинг шарбатисан бир умр,
Келиб яна сипқораман ёз дамда,
Томчинг элтгай чанқоқ жонимга ҳузур,
Жилғаларинг оби-ҳаёт ўлкамда.
Эл жомисан, доим жўшқин мавж уриб,
Диёр бўйлаб соф нафасла елурсан,
Дилга илҳом келди сени шод кўриб,
Она элга мангу сайқал элтурсан.

2004.

КИЧИК ЮРТ

Ҳар маҳалла шинам жой элга,
Хонадонлар тутиб меҳр-дилга,
Яшар бўлиб ҳамдам жамоа,
Қариндошдай тотувли омма.
Бу азали элим удуми,
Шундай ўтган ўтмиш мардуми,
Энди юрту туманга ҳамкор,
Истиклолнинг унда меҳри бор.
Парча ерин деяр бойлигим,
Унда унар юрт чиройлигим,
Бўлса аҳил ахли маҳалла,
Ишда бўлмас мавҳум масала.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай жойда бардам қаламлар,
Оқибатли яшар одамлар,
Оро олур ховли гуллари,
Кўркам бўлур йўлак, йўллари.
Бошланади ҳар уйдан Ватан,
Баҳрин очар унга шаъну шон,
Эшик очса ҳар бир хонадон,
Пайдо айлар янги бир жаҳон.
Ҳамкор бўлса марду аллома,
Камол топар ундан маҳалла.
Одам яшаб хонадонида,
Одил қўшни кутар ёнида,
Ҳар маҳалла хонадонларга
Кичкина юрт, азиз жонларга.

2004.

СОҒИНЧ АРМОНЛАР

Онажон, колгансан тоғлар ортида,
Сенга боролмайман, йўлда довонлар,
Ётарсан олисда, дўстлар юртида,
Дилимни ўртайди соғинч армонлар.
Кексайган чоғимда умр йўлимда,
Бориб кўрай дейман ётган қабрингни,
Кезар сўнмас рухинг соғинч дилимда,
Бизларга колдиргансан дардингни.
Ёдда, дипломимни ёстиқ остида,
Асраб йиллар кутгансан жанг-оташдан,
Тунлари бедор колиб, бошинг, кора тусдаги
Сочинг оққа айланди йўл кутишдан.
Унут бўлмас хатарли йиллар эсдаги,
Кучдик биз Истиклол, тинч энди эллар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онажон, қолгансан тоғлар ортида,
Ётарсан олисда, дўстлар юртида.
Онажон, кўраман сени тушларда,
Гулларда, елларда, келган қушларда.

2005.

НИГОҲИНГ

Кўзларингни яширма мендан,
Дил оташин оширма мендан.
Гўзал олам субҳи нурисан,
Чаманларнинг кўрки, гулисан.
Сендан ортиқ барно бормикан,
Куйламаган наво бормикан,
Сен нигоҳим шамсу анварим.
Тунларимда моҳи пайкарим.
Дил сўзингни тилинг билдирмас
У шўх кўзинг баён этса бас.
Кўзларингни яширма мендан.
Назарматнинг нигоҳи сенсан,
Сўнмас наво дил оҳи сенсан.

2005.

НАВОЛАРИМ

Наволардан наволарга ўтарман дилдор,
Жафолардан жафоларга ўтарман дилдор,
Сени сўзлаб, ёниб бўзлаб, йўллар ўтарман,
Сени излаб, кўрсам сенга гуллар тутарман.
Гар нигоҳинг кўролмасам, излаб кетарман,
Ҳижрон дардин дилга жойлаб, сўзлаб ўтарман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Излаганим, сўзлаганим ёдингда бўлсин,
Бу девона юрар, кўзинг олдида бўлсин.
Ёрни кутган, ёрга етган суюк дунёда,
Ёр висоли, ишқ иқболи буюк дунёда.
Наволардан наволарга ўтарман дилдор,
Жафолардан жафоларга ўтарман дилдор.
Назарматга наволаринг рухи нур дилдор,
Ишқ мардиман, садокатинг кўхи нур дилдор.

2005.

ТЎРТЛИКЛАР

Йўлга чиқсанг кетма бедарак,
Йўқилсанг бўларсан чархпалак,
Хаётнинг конуни идрок измида,
Унутма сен уни йўлингга керак.

Бахорнинг йўли боғ, дунёси гулдир,
Заминнинг таърифли раъноси гулдир,
Лола хам, бойчечак, қамиш хам гулдир,
Дашту чўл тиконин ороси гулдир.

Таассурот турли бўлар одамда,
Бири бор суюкли, бири дард, ғамда,
Элтмагин сен унга булут соясин,
Яхши таассурот қуёш оламда.

Борарди хўрсиниб кўчада жувон,
Боласи бор эди, қолган қаерда,
Қарамас йўлига, шошар кай томон,
Айб кимда, ўзида, ёки дер эрда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одамзод дунёни сақлар ўзида,
Ҳаётнинг қадрини кўрар кўзида,
Ҳар қадам умрига берар сарҳисоб,
Ғубор ҳам жавобгар ўтган изида.

2005.

НУРЛИ ЙЎЛЛАР

Она юртим, қадим элим илҳомим жўшиб,
Маърифатли ўтмишингга битдим қасида,
Қўлга олсам Хоразмнинг хокин тиз чўкиб,
Ҳайратларнинг салтанати экан аслида.

Аён эрур элнинг тарих, илму хикмати,
Варақлари очилмайин қолган замонлар,
Унут бўлмас битиклари, ёзиқ заҳмати,
Улар мерос бўлиб элга қадим эҳсонлар.

Ёдгор Шайхул Нақшбанду, ал-Фарғонийдан,
Фан оламин нур йўлига чароғбон китоб,
Буюк Ипак йўли ўтган эл жаҳонидан,
Ёзиқлари авлодларга бўлган сарҳисоб.

Самарқанддай, Бухородай қадимий диёр,
Фарзандлари илм кўшкига бўлганлар устун,
Хива, Урганч доноларин илми устувор,
Ал-Хоразмий жабри китоб кенг дунё учун.

Замахшарий ҳам шайх Кубро дахо биз учун,
Улар Ватан, дунё учун фидо бўлганлар,
Тарих сақлар нигоҳида кўрганин бутун,
Кашф йўлларин изланишда кучга тўлганлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қадамлайди алломалар зиё йўлидан,
Асрларнинг қаридан биз бормиз дегайлар,
Олам учун мангу нур у қудрат илмидан,
Янги қуёш бўлиб элда ярақ этгайлар.

«Байтул ҳикмат», «Маъмун»ларнинг эҳсони зиё,
Унда дунё ҳикматларин сўнмас нигоҳи,
Варақланган саҳифалар уммондир гўё,
Башар мулкин ёритгуси мунаввар рухи.

Аму каби мангу жўшқин Ватан ирфони,
Биз билгану, ҳам билмаган донолари кўп,
Она элим бўлган талаш, жанглар майдони,
Тафаккурлар йўлин тўсган қумлар уюлиб...

Хоразмни дерлар қадим Ховари замин,
Шарқдан чиққан қуёш каби нурафшон диёр,
Илму ҳикмат бобида у кўрсатган азмин,
Қад кўтариб энди Фанлар Академияси бор.

Элда бугун бор бу маъруф шамси нуркамол,
Бир муаззам янги дунё унда намоён.
Унга қудрат бағишлайди буюк Истиқлол,
Ёзгум дилдан фахрим ила васфига достон.

Мен кўраман Берунийнинг даргоҳин унда,
Кўчиб ўтар сочларини Аму эпкини,
Кўрар элин фан дунёсин мавжли тўлқинда,
Ёзиқларин вараклайди заррин елпини.

Ёвду бўлиб борар Маъмун дунё йўлида,
Мангу ҳаёт масканига очган мехрини,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саксовуллар қовжираб чўл ўнгу сўлида,
Нажот истаб титкилаган қумлар бағрини.

Эшитилар қўнғироқлар жарангохлари,
Кўпик сочиб, олға шошган нортуялари,
Бордир хали очилмаган сахро, чохлари,
Химмат кутар шивирлаган кумтепалари.

Диёр мехри очилади фарзанд дилида,
Ибн Сино борур аллома Беруний томон,
Улар умри, шифо йўли кезар илмида,
Бирлаштирган икки дўстни она ер, имон.

Тўрт фаслидан бино айлаб гулдаста йиллар,
Кўрар гиёх лабларида шифобахш учкун,
Сино пойин кучиб минг бор бахмал манзиллар,
Излаганинг дори-дармон дер бизда тўкин.

Кўлга олса кўкатларни, тилга кирар гул,
Кудратингдан бу неъмат деб заминни ўйлар,
Дори-дармон элда деяр унган хосил мўл,
Ривож истаб, гулларини давога йўллар.

Фасл боши ва охири унумли хар дам,
Бири униб, бири эса хосилин уюр,
Хар фаслнинг ўз гули бор, етилур кўр кам,
Шарбатлари мавсум ўтса коққа айланур.

Ғунча униб вакти етса чиройга тўлган,
Хосиятли чиройида ширинжон бўлган,
Дилкаш у гулларни Маъмун кўрган элларда,
Сўниш билмай қолган улар жонбахш дилларда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ас-сайдана» «Шифо» билан кўл тутган азал,
Ул Беруний хам Синодан шифобахш эхсон,
Бу китоблар жахон фахри — охири аввал,
Улар соғлом хаёт учун буюк армуғон.

Ёғду бўлиб борар Маъмун дунё йўлида,
Минг ёш тўйи нишонланар она элида,
Улар Ватан, дунё учун фидо бўлганлар,
Абадият оламида абад қолганлар.

2005.

БОҒИМ

Шу замин у менинг неъматли боғим,
Ўзганинг боғимас, у менга мерос,
Бебахо, беминнат сахий тупроғим,
Инъоми мехнатла уйғунлиги рост.
Элда бор жаннати замин деган сўз,
Қалбимнинг нури у хур зарра жойи,
Хоҳласам дўстларга этаман кўз-кўз,
У боғим-чаманим ундан чиройли.
Деразам очик у куёшли томон,
Гулларнинг нафаси жонимга жахон,
Инсоннинг измида дейман хар эхсон,
Хоҳласа яратар уйда хам бўстон.
Ўтаман маҳаллам кўчаларидан,
Юрсам мен дуч келур баланд бинолар,
Улар олдида ер парчаларидан,
Кўраман шинам боғ, гули раънолар.
Яна мен юраман, ўзга бир холат,
Миришкорин кутар бўш томоркалар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Орзуим гул қучсин ожиз табиат,
Гулсиз худудлардан чирой йўқолар.
Ерга чўп қадалса унади ниҳол,
Ниҳолнинг нафаси, тақдири бизда,
Ҳар зарра тупроқ ер кутади жамол,
Жаннат жойи эрур заминимизда.
Шу замин гўзаллик мехрин истар у,
Ҳар гули умримиз кўркига пайванд,
Дил доим гўзаллик ерин истар у,
У завку илҳомим, куй, ашъор, гулшан!

2005.

ҲАЁТ ГУЛИ

Ҳаёт гули, у баҳор гули,
Тинчлик кўрки, у Ватан қадри,
Ватан қадри ўзлик нур йўли,
Эл бурчи у, жону тан қадри.
Дунё кенгдир, яшаб эл мардум,
Ўтмишини олар ёдига,
Эл иши у касбим, дил орзум,
Боғбониман тинч ҳаётига.

ТЎРТЛИК

Она такар гулни чаккага,
Баҳор завкин туяр юракка,
Дейди гулда ажиб хислат бор.
Нафис кўрки чирой тилакка.

www.ziyouz.com kutubxonasi

САФОБАХШ ЕЛЛАР

Ҳаётнинг нафаси сафобахш еллар,
Тонг билан ёйилур дилкаш мусаффо,
Баҳорни етаклаб, ундириб гуллар,
Қуёшга баҳрини тутар доимо.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ёдимдадир ёзик илк шеърим,
Йўл бошлаган қаламим, мехрим,
Наво бўлган ёник дил сўзим,
Унут бўлмас, у «Тонг юлдузим».
Унинг билан ўтдим олис йўл,
Баҳор бўлиб, тутди нафис гул,
Мен йўлдаман кўрган оламим,
У табаррук, азиз қаламим.

2005.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Ўтди кўп йил, дўстим, сен битта қолдинг,
Кетди тенгдош қадрдонлар ҳаммаси,
Қуролдош мардларни сен ёдга олдинг,
Улар азми дединг эл жангномаси,
Бизлар ҳам ўтармиз, қолар юртимиз,
Ўчмас элга ёққан чирок ўтимиз,
Истиқлол қуёши сўнмагай асло,
Авлодларга нурбахш хаёт доимо,
Ёддадир ўтли йўл уруш тўфони,
Эслаб ёнар Назарматнинг тан-жони,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тенгдош эдик, ўқир эдик бирга биз,
Дўстлар қайда қолган нурли изингиз,
Билсам, излаб бориб ҳар бирингизни,
Она юртга келтирардим тупроғингизни,
Хоку покингизни эл этиб ёдгор,
Уни мангу чинор айларди диёр!

ЙЎЛЛАР

Юриш-чун дунёда кўп турли йўллар,
Дўстим, туташ унга сенинг йўлинг ҳам,
Демак у хизматда, бахраманд эллар,
Боғланган юртингга меҳру дилинг ҳам,
У равон йўлларда доимо борсан,
Обод чорраҳалари, сен бунёдкорсан,
Эл билан баҳр очиб, яркирар йўллар,
Заҳмат ила юртда нақш олар гуллар,
Йўл курган элида ардоқли, эъзоз,
Қандай яхши йўлинг бўлса равон, соз.

ИККИЛИКЛАР

Қўлда китоб, варақланур йўлда у,
Ёзиклари колармикин дилда у.

* * *

Қадам билан ўлчанади юрт, манзил,
Қадам билан яқин бўлар элга эл.

* * *

Қалам билан эл тарихи битилур,
Қаламкашлар билан бунёд этилур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўз дер дунё аён эрур мен билан,
Дил дер хаёт баён эрур мен билан.

2005.

ЁДИМДА

Жанггох ёдимда, 43-йил,
Турар кўз олдимда, 44-йил,
Ер ёниб мисли аланга,
Хавф солганди оламга.
Нега уруш, жанг бор дердим,
Она замин нега хор дердим,
Нега пайдо бўлиб ёвуз ниятлар,
Келтиради элга офатлар.
Борми дердим хукуку хаклар,
Нега жанг-ла яшайди халклар,
Бонг урадн тўкилган конлар,
Дунё доди кирганли жанглар.
Эллар хавфни унутмас асло,
Юрагида яшайди дунё,
Жанглар келар ёдимга,
Танклар келар олдимга.
Жангдан узмай кўзимни,
Оташида кўргум ўзимни,
Танклар аро туриб колдим,
Танклар ёнди, мен ёнмадим.
Белорус, Польша ерлари,
Одернинг сохил буйлари,
Кечма дерди дунёдан,
Тез кеч дерди дарёдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тутиб тезкор автомат,
Тез юр дерди Назармат,
Олдда ўрмон, дашту, кир,
Автоматлар тинмас «тир... тир...».
Ёниб ер дерди — «Назармат,
Ортда қолма, вакт киммат.
Авжга кириб тўп, танклар,
Қирғин-баротда жанглар».
Ўтга чўмдим бутунлай,
Омон қолдим харкалай,
Курол тутиб бурч, қасам,
Интил олга дер илдам.
Олдда яна тўп, танклар,
Орқада хам ўт, жанглар,
Танглар ичра одамлар,
Темир эди қадамлар.
Танклар мени ютаман дерди,
Мажақлаб ўтаман дерди,
Қўлда яна автомат,
Бўш келма дер Назармат.
Танклар портлаб ёнарди,
Менчи омон колардим,
Темирданми деб ўзимни,
Жангдан узмасдим кўзимни,
Ўтда кўрардим ўзимни,
Билмас эдим тўзимни...
Бўш келсам олов бўлардим,
Оташга қалов бўлардим.
Фарзандсиз коларди Ватаним.

2006.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎНГИЛ ДЕЮР

Билармисан яратилган сен учун дунё,
Ҳар тонг чоғи салом берур нур ёйиб само,
Кеч бошланса ором ол дер секин тун сиё,
Шу деб ўтган аждодлару, кўрган кун зиё,
Кўнгил деюр йўлга чиқсанг оламга қара,
Олам эса деюр аввал одамга қара.

Шивирлайди шабадалар гул атрин селкиб,
Тоғлар боқар муз нафасин қалбингга элтиб,
Миришкорлар хирмон уяр, экинлар экиб,
Шукур айлаб наврўзларда муродга етиб,
Кўнгил деюр йўлга чиқсанг оламга қара,
Олам эса деюр аввал одамга қара.

Гул унади қуёш билан заминда порлаб,
Тухфа этур тўйларга у даста саралаб,
Нигохларни нурга элтур шод йўлга чорлаб,
Инсон борур паст-баландлик жойлар оралаб,
Кўнгил деюр йўлга чиқсанг оламга қара,
Олам эса деюр аввал одамга қара.

Сен уйингдан чиқсанг юриб, қарайсан йўлга,
Об-хавонинг секинлиги таскин кўнглингга,
Харид қилсанг қараб уни, олурсан қўлга,
Бурчинг эрур хизмат айлаб, пок яшаш элга,
Кўнгил деюр йўлга чиқсанг оламга қара,
Олам эса деюр аввал одамга қара.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЕН ТУҒИЛГАН КУН

Неварам Қодирга

Унутилмас кунлар бугун неварам,
Куз фаслининг илк айёми — биринчи,
Истиқлол куни у, — туғилдинг сен ҳам,
Чексиз эрур кекса отанг қувончи,
Бувижонинг ўтди сени кўролмай,
Ойинг эса кутди сени ҳар куни,
Бувинг сўзин аён этди у атай, —
«Сиз ўғил кўрасиз Қодир денг уни,
Фарзандларим бўлар у кун байрам, тўй,
Қодиржон улғаяр янги замонда,
Менга насиб этмас балки, дилда ўй, —
Яшар неварам хур Ўзбекистонда!».
Бувижонинг башоратини,
Эслайман, у яшар соғинч дилимда,
Кўрмади Истиклол шарофатини,
Лекин кўрди сени озод элимда,
Қутлайман неварам бувинг номидан,
Навқирон авлодсан бахт айёмидан,
Истиқлол қиркида сен ҳам қирққа кир!,
Юз ёшлик тўйида бўлгин тўйчи, пир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УСТОЗЛАР ТАЪЛИМИ

Маҳалламиз каттакон,
Уни Илғор дейдилар,
Бир юз ўттиз иккинчи
Мактаби бор дейдилар.
Обод унинг йўллари,
Шинам кўркам уйлари,
Тарбияда намуна
Бўлиш авлод ўйлари,
Яхши ўқиш муқаддас
Устозларнинг таълими,
Ошсин дейди доимо
Ўқувчилар билими,
Ота-онамиз ҳар дам
Яхши ўқинг дейдилар,
Устозлардай сизлар ҳам,
Доно бўлинг дейдилар.

БОБОМНИНГ ҚУВОНЧИ

Катта Фарғона каналига

Бу кенг дунё ишларидан сўз очар бобом:
«Кўпни кўрган кўзларимга қуёш нур сочган,
Қайта бошдан куч йиғмоқда бел, жоним болам,
Кекса умрим йўлларида ҳаёт гул очган.
Ёшлик ёдда: етим қолиб кездим жаҳонни,
Ризқим излаб тиним билмай дашту чўл ошдим,
Йўлларимда кўрдим сарсон қанча хор жонни,
Хор холимга чидай олмай дарёдек тошдим.
Болам энди сув келтирдик ҳатто тоғларга,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маъданга бой кенг кўксини очар юрт энди,
Болам кара, хосил унган чаман боғларга,
Ноз-неъматлар хушбўй хидлар сочибди энди.
Кўп замонлар сувни кўрмай қовжираб ётган,
Ташна дилдай сувга мухтож поёнсиз ерлар,
Мана бугун эл кучидан чиройга тўлган,
Сув етаклаб унди унда чаманзор гуллар.
Фарғонада катта канал қаздик биз бу дам,
Сахий ерлар кучоғига келтирдик кўклам».
Шундай кувонч билан бобом тугатди сўзин,
Эндиликда юртда сезар миробдай ўзин.

1939.

НОДИР АРИҒИ

Қир этаги кафтдек тақир жой,
Ёзда қурғоқ, қишда бўлар лой,
Сув келмасди...
Кўкатлар қақшаб,
Қурур эди яп-роғин ташлаб.
Нодир келди бобоси билан,
Сув келтириш орзуси билан,
Бобо деди: — болам бу жойдан,
Наф кўрайлик, сув келса сойдан
Гул унади, бўлар бу ер боғ,
Сув йўлини тўсган қир бирок.
Нодир деди, мен ўша кирдан,
Бу томонга, жилғали ердан
Жўяк очиб, келтираман сув,
Ушалади биздаги орзу...
Бобо хурсанд — дер шу махали:
Бу савоб иш, неварам, балли.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодир кирга борди эрталаб,
Ён гомонин ўйиб, киялаб,
Пастга қараб ипдек очиб йўл,
Тақир жойга сув келтирди ул.
У шод эди бобо сўзидан,
Сув келарди унинг изидан.
Хурсанд бўлиб қўшнилари ҳам,
Дерлар Нодир ариғи ҳардам.

АЗИМ ГУЛЛАРИ

Катта боғбон Азим отаси,
Бор ховлида иссиқхонаси,
Унда унар хар хил кўчатлар,
Озиқ-овқат учун кўкатлар,
Бор пакана дарахт меваси,
Меваларнинг ноёб нусхаси,
Отасига Азим қарашар,
Кўчат учун ерни юмшатар,
Парваришлар чинни гулларни,
Тўй-томоша учун уларни,
Ўқитувчи, мактабдошининг,
Ёки қўшни, дўст, тенгдошининг,
Туғилган кун, йилини билар,
Гуллар билан табриклаб келар,
Шунинг учун хамма ҳурматлаб,
Азим гулчи дейдилар мактаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОҒ БАҒРИДА

Баланд тоғнинг тарифин,
Эшитардик қишлоқда,
Унинг оппоқ чўққисин,
Кўрар эдик узоқда.
Ёзнинг иссик кунларин,
Ўзгармасди чўққиси,
Келар эди хамманинг
Тоғ устига чиққиси.
Келди таътил вақти,
Токка борамиз дедик.
Рахбар бўлди мураббий,
Қирик ўқувчи йиғилдик.
Алпинистдай тизилиб,
Саёхатга йўл олдик.
Адирлардан ўтиб биз,
Дарага келиб қолдик.
Хаммаёқда тоғу тош,
Қорли тоғ эса йирок,
Роса қиздириб қуёш,
Юриш бўлди қийинрок.
Мураббий «Тўхтанг!» деди,
Харсангларга ўтирдик,
Тўрт томонга таркалиб,
Хар хил тошлар келтирдик.
Тоғ баврида ранг-баранг,
Турли гуллар кўп экан,
Хатто худди гул каби
Гуллаб ётибди тикан.
Гербарийлар танлашга
Шошилардик югуриб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаммасини мураббий,
Тушунтирарди юриб.
Қорли тоққа биз қачон
Борамиз, — деб сўрадик.
Юрган билан корни биз,
Узоқларда кўрардик.
— Учкунлик йўл корли тоғ,
Бориш унга кўп кийин,
Катта бўлганингизда,
Бориб кўрасиз кейин.
Кулиб қарар мураббий,
Оқ чўққини кўрсатиб,
«Бизнинг Оқсой шу тоғнинг
Тепасидан бошланар.
Ўлкамизнинг ҳар ерин,
Ўрганамиз албатта.
Тоғни бориб кўрасиз
Бўлганингизда катта».
Ўқитувчи сўзини
Тинглар эди болалар.
Тоғ сувида чўмилиб,
Ўйнаб-кулиб дам олар.

1955.

ЖАЖЖИ ҚИЗАЛОҚ

Кумуш — жажжи қизалоқ,
Энди тўлди еттига.
Кўчамизда қари-ёш
Қойилдир ғайратига.
Ўзи тенги қизларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўплаб, бошлар ўйинни.
Уй-ховлини супуриб,
Боқар қўшни қўйини.
Қўшнилар чақалоғин
Кўчада олиб юрар,
Бузса биров тартибни
Энг аввало у кўрар.
Ҳамма харфни танийди,
Яхши чизар расмни.
Ўргатмасам ўқишни
Берар у таъзиримни.
Иккичи деб отимни,
Чиқаради ялковга.
«Яхши бола, — дейди у,
Ёрдам берар бировга».
Ўйлаб кўрсам, Кумушнинг
Гапи тўғри, фойдалик.
Кишиларга ёрдамни
Биз сира унутмайлик.

1970.

ОҚСОЙ КУЙЛАЙДИ

Иссиқ ёз чоғи
Ўйнаб оқизоқ,
Қўлимга олдим
Бир қоғоз оппоқ.
Уни беш буклаб
Қайиқ ясадим.
Ариққа аста
Қўйиб, карадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шўх сув устида
Қалқир оқизоқ.
Қулоғимга сув
Куйлади шу чоқ.
Майин шилдираб
Сўзлаб борарди,
Ўйнаб, пилдираб
Бўзлаб борарди.
Оқизоғимни
Оқизиб кетди.
Гулзорга элтиб
Аста беркитди.
Шилдираб бирдай
Оқар эди сув.
Икки сохили:
Майса, гул сулув.
Гуллар баргида
Асаларилар,
Виз-виз учишиб
Асал тўплашар.
Майсадан ризқин
Излар чумоли.
Келиб салқинлар
Сахро шамоли.
Ҳовучга олдим
Арик сувини,
Қўлимда ўйнаб
Арик тубини
Мўлжалга олди
Тоғлар тошқини,
Завқим оширди
Шўхлик, шошқини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ховучдан тушган
Сув оқиб кетди.
Қайси бир гулга
Умрин бахш этди.
Сувни шопириб
Ўтириб қолдим.
Ариқ қуйларин
Тинглаб, дам олдим.
Бир махал бобом
Келиб қолдилар.
Ишлар қалай, деб
Сўраб қолдилар.
Ариқ бўйига
Тайёрладим жой.
Дастурхон ёзиб
Келтирдим нон, чой.
Бобом қишлоқда
Энг кекса мироб.
Саволлар бериб
Сўрадим жавоб:
«Айтинг, ариқлар
Нега қуйлайди?»
Бобом, ариққа
Қараб сўйлайди:
Помир тоғидан
Оқиб келар бу.
Ҳар томчисини
Халқ дейди инжу.
Қишлоқ четидан
Оқсой ўтади.
Унинг тарихи
Узоқ кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Неча минг йиллар
Сой бўлиб оккан.
Фойда келтирмай
Халқ дилин ёккан.
Сўнгги манзили
Бўлган шўх даре,
Шу билан умри
Тугаган гўё.
Лекин биз уни
Бекор қўймадик.
Йўлини тўсиб
Тўғон тикладик.
Сен турган шу жой
Тақир чўл эди.
Гармселларга
Бу ер йўл эди.
Оқсой сувидан
Чаман яратдик.
Неварам, ундан
Гулшан яратдик.
Оқсой боғларга
Йўл олар энди.
Ўз қудратидан
Лол қолар энди.
Йўлида минг хил
Чаманни кўриб,
Севинганидан
Куйлар югуриб.

1967.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МИНГ БИР ҲИКМАТ

Ўқиб қолдим бир куни
Минг бир ҳикмат китобин,
Нурга ўхшар ҳар сўзи,
Кўрдим билим офтобин.
Эгаларин ахтарсам
Доно боболар экан.
Улар ёзган китоби
Гавҳар маънолар экан.
Китобларин билмайман,
Ўқимаганман хали,
Топиб барин ўқийман
Имкони бор махали,
Минг йиллардан буён у
Доно сўзлар яшайди,
Кишиларни қуёшдай
Нурли йўлга бошлайди.
Яхши сўз ва яхши иш
Ўлмас экан ҳеч қачон,
Яхшиликнинг мехри-ла
Улғаяркан ҳар инсон.

1969.

ГУЛ КЕЛТИРИБ ҚЎЯМАН

Боғда катта ҳайкал бор –
Милтиқ тутган қаҳрамон.
Уни кўрсам мард бобом
Ёдга келар ҳар қачон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жангда ўлган бобомни,
Мен хотирлаб юраман,
Доим хайкал пойига
Гул келтириб қўяман.

1969.

МЕҲМОН АМАКИЛАР

Меҳмон амакиларим
Сиз хозир каердасиз.
Сиз турган жой олисми,
Гул бўларми у ерда.
Агар бўлса чаманзор
Ким гул терар сиз учун.
Гул берсалар биттасин
Олиб юринг биз учун.
Эсингиздадир Тошкент,
Аэропортда куз куни
Гул ушлашиб турардик,
Сизлар учун деб уни.
Келиб қўнди самолёт,
Гул тутишдик биттадан.
Келган эди меҳмонлар
Шу кун хамма китъадан.
Юзимизни силашиб
Гулимизни олдингиз.
Бизга толе тилашиб,
Меҳмон бўлиб қолдингиз.
Беш қитъанинг гард нури
Элимизда қолгандир.
Беш қитъанинг сўз дури
Дилимизда қолгандир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз шуларни гул этиб
Элда чаман қилганмиз.
Дўстлик меҳрин юракка
Эзгу Ватан қилганмиз.
Меҳмон амакиларим
Сизлар ҳозир қаерда.
Сиз турган жой олисми,
Гул бўларми у ерда.
Агар бўлса чаманзор
Ким гул терар Сиз учун.
Гул берсалар биттасин
Олиб юринг биз учун.

1970.

БИЛИМНОМАЛАР

Бобо насиҳатлари

Болажонлар сизларга
Ёздим билимномалар,
Қаранг шеърий сўзларга,
Бор маърифий маънолар,
Ёзилган ҳар сўзда у
Меҳрим этилган баён,
Жой олсин у дилларда,
Мендан сизга армуғон.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОНАМ МЕҲРИ

Онам менга мехрибон,
Дафтаримни қарайди,
Бўш ўтирсам, келиб у
Дарсларимни сўрайди.
Вазифани айтаман,
Ёдлаш керак шеърни,
Мен кўраман онамнинг
Дарсларимда мехрини.

ДИЛ ЧИРОҒИ

Мехр кўзда дейдилар,
Кўз у дилнинг чироғи,
Уни асранг дейдилар,
Бўлмасин гард, чанг доғи.

КЎЧА ЧАНГИТМА

Чопиб, кўча чангитиб,
Булғатма соф ҳавони,
Ифлос юриб, дардингга
Сўнг излама давони.

СЕВИМЛИ НЕВАРА

Бобосининг севимли
Невараси Дилмурод,
Чаққон, ҳушёр, билимли,
Унда яхши хотирот.
Бир кўрганни унутмас,
Унда ғайрат, эўр ҳавас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гапнинг рости бўш колса,
Жим ўтирмас у бирпас.
Нимагадир уринар,
Китоб топиб ўқийди,
Дунё гўзал кўринар,
Бир нималар тўқийди.

КЎЧАТ

Бобо билан невара
Кўчат экди далага,
Уч йил ўтиб, кирди у
Гуллаб кейин мевага.
Эрта пишар гилослар
Кун нуридан товланар,
Ёрдам бериб бобога,
Теришади болалар.
Ёрдам берган дўстларин
Чақиради невара:
Биздан совға, олинглар,
Гилос тўла тоғора.

КЕЧ ҚОЛМАЙ ДЕБ...

Қишлоғимиз кичкина,
Қўшни қишлоқда мактаб,
Кеч қолмай деб ўқишдан
Тез бораман эрталаб.
На биз мактабга якин,
На мактаб бизга якин,
Кўп юраман хар куни...
Айтгим келди мен шуни...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШОИР БОБОМИЗ

Бор бир шоир бобомиз,
Бизга устоз, муаллим,
Шеър, достонларни ўқиб,
Ундан оламиз таълим.

ГУЛНИ УЙҒОТИБ

Қуеш чиқар тонг отиб,
Ундан дунё чарақлар,
Баҳор гулни уйғотиб,
Барг чиқариб яраклар.
Булоқ окар ўйноқлаб,
Сочин ювар мажнунтол,
Сувга тутар қирғоқ лаб,
Майсалари яшил ёл.

МУСИЧА

Қишин, ёзин мусича,
Ҳовлимизда яшайди,
Жою, жони шу ерда,
Ўзимизга ўхшайди.

ИРОДА

Ҳаёт кенгдир дунёда,
Билим, ҳунар зиёда,
Ҳаёт қадрин билиш-чун
Керак ўқиш, ирода.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎСТЛИК

Сен дўстликни улуғ бил,
Мехру қадрин қутлуғ бил,
Дўстликда бор қадрият,
У хамдамлик, оқибат.
Керак бўлар қадрдон
Дўстнинг дўстга ёрдами,
Нур етаклар хар қачон
Яхшиларнинг қадами.

СЕВГИ

Биз баҳорни севамиз,
Биз диёрни севамиз,
Инсонга чин юракдан
Эътиборни севамиз.

АШУЛА

Гулининг овози бор,
Ашула айт дейдилар,
Тўгаракка қатнашгин,
Имкони бор дейдилар.
Машқда бўлсин устозинг,
Шеърларни олгин ёд,
Қарасанг куй, овозинг,
Яхшиланар умрбод.

ҚУШ БОҚСАНГ

Қушни боқсанг яхши бок,
Хабар ол сув, донидан,
Бекорга у сайрамас,
Боқмай ўтсанг ёнидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КЎКЛАМ

Келганда яшил кўклам,
Гулга бурканар олам,
Камон тутар камалак,
Гумбурлайди кўк-фалак.
Осмон ёмғирин қуяр,
Қўзиқоринлар унар,
Қозонларда оналар
Сумалаги товланар.
Бу гул фасл баҳор у,
Саховатли диер у.

КАМОЛОТ

Ўқиб ўрганиш билан,
Дунёни билиш билан
Одам топар камолот,
Нурга бурканар ҳаёт.

ШУМБОЛА

Шумболанинг шўри бор,
Шўрлиги у ғўрлиги,
Юрагида қўри бор,
У чаққонлик, зўрлиги.
Бўш болани учратса
Олар копток қўлидан,
Гапга солиб, тўп ўйнаб,
Қолдиради йўлидан,
Дарсни ёддан чиқариб;
Гоҳи алдар онасин,
Укасини чақириб,
Тозалатар хонасин.
Онаси дер: — ғўр бола,
Шумлигингни қўй бола.

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИММАН ЎЗИМ?

Мени айтар амаким,
«Тўлқин бола хотамтой».
Йўлда эса аллаким,
Кулиб дейди «Кичкинтой».
Жаҳли ёмон қўшнимиз
Кўрса дейди «Термизак»,
Унинг шериги — семиз,
Лаб буриб дер «Елвизак».
Бобом эса эркалаб,
«Сенми, болам, — дейди, — Шер»,
Дадам эса эрталаб
«Яхши ўқи Тўлқин» дер,
Билолмайман ким ўзим,
Кичкинтойми, хотамтой,
Онажоним дер «Қўзим»,
Кимман ўзим, айтинг, хой?

БИЗНИНГ БАЙРАМ

Дунёда байрам кўп, тантаналар хам,
Сахий куз фаслида ўтар бир байрам,
Устозлар касб куни, шодиёнаси,
Нишонлаймиз уни биз ўқувчилар хам.
Ёшликнинг қуёши билим ва хунар,
Бу сўзнинг маъноси буюк нақадар,
Соғлом авлод бўлиш ўзимиздан у,
Ватан шуни истар доим биздан у.
Маърифий дунёга фидо устозлар,
Кутар биздан меҳру зиё устозлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ПАХТАОЙ

Пахтаой, хой пахтаой,
Водийларнинг оқ қизи,
Дала мисли тўлин ой,
Яшнар кеча-кундузи,
Катта бўлсам бобомдай
Бўлай дейман пахтакор,
Мўл ҳосилни ундириб,
Чаман этай ҳар бахор.

АҲМАД ЧЎЛОҚ

Ахмад лой томда
Варрак учирди,
Ерга қарамай
Шошиб югурди.
Пастак мўрини
Кўролмай колди,
Оёғи тойиб,
Туролмай колди,
Шундан буён у
Оқсайди харчоғ,
Дўстлари уни
Дер, — Ахмад чўлок.

ҚАРАБ ЮР

Ортиқ бокма ўзингга,
Эрк бермагин сўзингга,
Дунё йўли нотекис,
Қараб юргин кўзингга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

УСТОЗЛАР

Омон бўлсин устозлар,
Билим берган мумтозлар,
Улар доно муаллим,
Берар тарбия, таълим.
Улар бизга меҳрибон,
Билимлари битмас кон,
Омон бўлсин устозлар,
Билим берган мумтозлар.

БОШ АВЛОД

Қуннок болалар,
Иноқ болалар,
Қиз, ўғил сизлар,
Ёркин юлдузлар.
Билим, касб, дунё,
Нурбахш доимо,
Унга интилган,
Қадрига етган.
Бўлур ёш авлод,
Элга бош авлод.

ЭЛТМА ОЗОР

Бола, қўлингда эрмак,
Айт, сенга нега керак,
Одам ғашига тегиб,
Ёндириб этма «пақ-пақ».
Айла сўзга эътибор,
Элтма ўтганга озор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИССИҚ НОН ЁПИЛУР

Уйилмоқда хирмонлар,
Қир, адирлар эҳсони,
Келур йўлда карвонлар,
Улар элнинг ризқ, нони.
Тандирларда гупиллаб
Иссиқ нонлар ёпилур,
Нақш олмадай нурланиб,
Саватларга олинур.
Бўртиб мағзи иссиқ нон,
Диёр ҳидин келтирур,
Ёзилганда дастурхон,
Азиз номи айтилур.

ТУРДИНИНГ БАҲОСИ

Турдида йўқ хафсала,
Ўқиш қийин масала,
Икки, учдир баҳоси,
Бир куни келди бобоси,
Ўқишини сўради,
Дафтарини кўради,
Тўрт бўлди, — дер бобога,
— Кўринмайди тўрт нега?
— Бу иккини иккига
Қўшса тўрт, — дер бобога,
Бобо ёпди дафтарин!
— Бу хил ўқима кейин...

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎҚМОҚ

Сўқмоқ кўтарилар
Чўққига томон,
Тоғдан якин кўринар
Мусаффо осмон.

ЧУМЧУҚ

Чумчуқ, нега
Чирқиллайди кечқурун,
Шохдан-шохга учиб,
Билмайди қўним.
Бўғот яқин,
Унда бордир уяси,
Чирқиллайди,
Чунки учиб,
Уйга кирмас боласи.

САЛОМ

Салом берсанг қўлни қўйгин кўкракка
Унинг кадру меҳри ўтар юракка,
Яхши хислат бу сенга хам, бўлакка,
Бу яхшилик элтар сени тилакка.

БЕШИК

Чакалоклик чоғингда,
Сен беландинг бешикка,
Турганда оёғингда,
Сен карадинг эшикка,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бешикдан олиб қўлга,
Онанг бошлади йўлга,
Умр йўли бўлди у
Уни унитма мангу.

ТОШКЕНТ ГЎЗАЛИ

Набирам Иродага

Бокчага катнайсан хали набирам,
Сени эса дерлар Тошкент гўзали,
Шўх, зийрак ёкимтой, митти ғунчасан,
Сўз излайман сенга бағишлагани.
Кўчага чикканда шошарсан илдам,
Қўлимни тутарсан бўлиб дастиёр.
Ҳар нарса кўринар сенга бир олам
Уларни бирма-бир сўрайсан хар бор.
Сўровинг мунча кўп десам куларсан,
Жилмайиб сўрайсан яна ҳар бирин.
Бу шошқин дунёни билмоқ бўларсан,
Ох, дейман, улғайсанг биларсан барин.
Эшикдан бошланур хаётга кенг йўл,
Ҳар босган қадаминг нурга буркансин,
Улғайиб илмнинг гулороси бўл,
Бокчапанг тутган қўл дахолар тутсин.

1983.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Достонлар

ОЛИМЖОН

Достон

Июнь туни, қирк биринчи йил,
Тоғ этаги, яшил пахтазор,
Сув қуярди ялангтўш, бўйдор
Йигит тунда экинга эпчил.
Ҳар эгатда сузиб ой ўйнар,
Сув оқарди сокин шилдираб,
Эгат аро аллар пилдираб,
Шўхлик қилиб ёз фаслин қуйлар.
Пойнаб кезиб йигит кўзғалар,
Елкасига ташлар тўнини,
Сувга тўйган яйрар ғўзалар,
Саломлайди кундуз кунини.
Кўтарилар самога қуёш,
Нихолларга хаётбахш йўлдош,
Она келар шошилиб йўлда,
Фарзандига тугунча қўлда.
Яшил майса юмшоқ кўрпача,
Маставага тўлиқ сатилча,
Йигит хурсанд нахорга таом,
Гўзал эди кенг дала айём.

Шу пайт келди қишлоқдан киши,
Кучли эди унинг ташвиши,
Кўзларида қайғули хабар,
— Чегарадан ўтибди душман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эл бошига келди хавф-хатар,
Ёвга қарши қўзғалди Ватан.
Военкомдан келганди мактуб...
Хатни олди.
Она термилиб
Бокар вазмин Олимжонига,
Ўт кетгандай тану жонига...

Олимжоннинг қалбида ғазаб,
Оташ бўлиб ёқди кўзини,
Нафратланиб ёвдан,
ва жангга
Сафарбар деб билди ўзини.

Жангга йўллар уни она эл,
Елкасида халта ва шинель,
Она тилар оқ йўл ва омон,
Ўғил кетар урушга томон.
Энди унга жим туриш ётдир,
Энди унга мардлик қанотдир.
Жанггохда мард, биринчи окоп,
Ўт пуркайди олдинда ўрмон.
Автоматга дискани жойлаб,
Сергак турар жангчи Олимжон.
Сал нарида қўл пулемётин
Кўндоғини кўксига тираб
Егор турар, Олимжон номин
Билиб олар унда хол сўраб.
Зах окопга энгашар Егор,
Ўт чақнайди дўрдок лабида,
— Ўрнимда тур, чекай, бўл хушёр,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўзинг бўлсин ёв тарафида...
— Хўп бўлади, — дейди Олимжон,
Ўрмон четин илғайди кўзи.
Туман сизиб, буркисийди осмон,
Қурум босган, тундай кундузи.
Қия боқар окоп ичига.
Тамакини буркситар Егор,
Нима бўлган пулемётчига,
Хўрсинади, қандай дарди бор.
Ютиб бўлиб сўнгги тутунни
Туриб Егор олдинга боқди.
— Яхши йигит экансан, — дея
Дўст қалбига илиқ сўз ёқди.

Оқшом эди, кўкда сузар ой,
Сув қуйгандай оппоқ хамма жой.
Олдда хамон қораяр ўрмон,
Унда душман каламушсимон
Ерни ковлаб, изғиб ўқ узар,
Жанг майдони ўтланар, тўзар.
Мизғимади, тунда Олимжон,
Мижжа қоқмас снида Егор.
Саҳар бўлди.
Бирдан ўнг томон
Замбараклар ўтида ёнар.
Ер йиғлайди ғариб онадай
Ховуч-ховуч кум, тупроқ сочиб.
Ел порохдан тунд девонадай
Замин ёнар яшил, ўт очиб.
Сокчиликда турган Олимжон
Савол бериб дейди: бу — нима?
Жанг қилмоқда кўшни бўлинма...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўчинқираб қарар у томон.
Олимжон! От!.. — қичқирар Егор.
Ўзи эса ўқ узар эди.
Рўпарадан, эмаклаб қатор
Ёв тўдаси югурар эди.
Жанг бошланди. Шошиб Олимжон
Ўқ узарди дуч келган томон,
Ўнгга отса чапдан келгандай,
Чапга отса ўнгдан келгандай...
Ўқ чийиллар чия бўридай,
Олимжоннинг қулоғи гаранг...
Дил безовта гулхан қўридай,
Шиддат билан давом этар жанг.
Замбараклар гумбурлашидан
Зилзиладай титрар эди ер.
Жангчи тинмас ҳамла, отишдан,
Чўғ юзидан томар эди тер.
Ўқ селида йўқ бўлмоқ осон,
Хазон каби супурар-кетар.
Ўзин ёлғиз сезди Олимжон,
Балки бунда ҳаёти битар...
— Отишмани бас қил Олимжон,
Ўқинг керак бўлади ҳали,
Ёв чекинди, бўш қолди майдон,
Энди билсанг, тўпларнинг гали.
Дўстим агар келмаса малол
Тамакимни олгин ёнимдан.

Егор бирдан тебранди шу он,
Шошиб қолди караб Олимжон.
Бу, яра-ку! — қачон тегди ўқ?
Тирнаб ўтди, сал, хечкиси йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тамакини бармоқдай ўраб
Тутар аста дўстин оғзига.
Егор бўлса ундан ҳол сўраб,
Қарар хомуш тунд авзойига.
Сўнг уктирар: — дадил бўл жангчи,
Йиқилади ким бўлса кўрқоқ.
— Дўстим, бу гапларни қўйсангчи,
— Билсанг агар бу чин гап ўрток.
— Маъқул, — дейди вазмин Олимжон,

— Бўш келмасанг бўлгани, йигит.
— Қизарибди қўлингдаги бинт...
Сен санчастга энди боракол,
Тутмоқ кийин бу холда курол.
— Сал ярадан ҳовучлаб жонни
Ташлаб кетсак жанггоҳ — майдонни,
Нима бўлур унда бу уруш,
Насиб бўлмас сўнгини кўриш.
Ундан кўра янги бинт олиб
Сен яхшилаб боғла ярамни.
Қани энди хозир қўзғалиб
Олға борсак, кўрсам онамни.
— Шу юртдами туғилган жойинг?
Аросатда колганми ойинг?
— Ойигинам колган Орёлда...
Жангчи бошин эгди, хаёлда.
— Икки йилдир бедарак онам.
Ёш Егорнинг кўзларида нам.

— Бир кадам йўл Орёл шаҳари,
Унда омон юргандир ойинг,
Балки сендан бордир хабари,
Ўз жойида тургандир жойинг.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кошки шундай бўлсайди дўстим,
Қолмас эди дилда армоним.
Эрта-индин бошланар хужум,
Орёл кутар, кел деб ўғлоним.

Кошки шундай бўлса, Олимжон,
Сени уйда этардим меҳмон.
Қайлиғинг ҳам уйингда бордир,
Йўлларингга у интизордир.

— Сўққабошман. Бўлмаган ёрим,
Ўзимдадир ўз ихтиёрим.
Сенчи?
Мен ҳам сендай бўйдоқман,
Ёр васлидан, дўстим, йироқман.

Ўхшатмасдан учратмас, дерлар,
Севгимизга синов бу ерлар,
Омон бўлсак топилар дилдор,
Лекин ҳали қанча синов бор...

Ертўлада гулхан ёқилган,
Йўл излайди чиқишга тутун.
Ҳамма ширин уйқуга кирган,
Лекин уйғоқ Олимжон бу тун.
Ўлтиради кўкрагин кериб,

Ўйга чўмиб, ўтга тўш бериб.
Ташқарида тўплар гулдирар,
Шипдан эса тупроқ тўкилар.
Рухсат сўраб кирар почтальон,
Олимжонга беради нома.
Хат йўллабди оқ соч, меҳрибон,
Узоқдаги соғинган она:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёлғизим, қўзим,
Ва ширин сўзим
Соғиниб бехад
Ёздим сенга хат.
Бу кун дунёнинг
Аҳли инсоннинг
Бахтига ажал
Солибди чангал.
Олдинга интил
Йўқ бўлсин котил,
Кутиб изингни,
Ёруғ юзингни,
Хаккингга дуо,
Қилай доимо,
Шердай бўл болам,
Ғолиб кел болам.

Она хатин Олимжон ўқиб,
Юрагида зўр ўгит сезар.
Ташқарида гумбурлайди тўп,
Ғизиллашиб хар ён ўқ кезар.
Олимжоннинг онаси оқ соч
— Оҳ болам, — деб ёзиб кенг қулоч
Туюлади пайдо бўлгандай,
Кўринади ғамга тўлгандай.
Онасининг мўътабар хатин
Дона-дона сўз, насиҳатин
Дилга тугиб турар ўрнидан,
Она сўзи чиқмас кўнглидан.
Энди унга жим туриш ётдир,
Энди унга мардлик қанотдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Даштда бир тўп яшил қарағай
У ер окоп, олдинги марра.
Егор билан Олимжон тинмай
Ундан очар ўт неча карра.
— Қачонгача окопни топтаб,
Ёв қорасин пойлаб ётамиз.
Қачонгача ёвни тахминлаб
Узоклардан тўплар отамиз.

Дўстин сўзин тинглаб Олимжон
— Ёмонми, — дер, — пойлаб қулай пайт
Сўнг душманни айласак яксон,
Ёки режанг борми, қани айт.
— Ғалабадир солдат режаси,
Тугатсам дер урушни тезроқ.
Бир хил ўтиб кундуз-кечаси,
Туюлмоқда ғалаба йироқ.

Старшина — мўйлов амаки
Енг тагида тутун-тамаки
Олиб келди овқат окопга,
Чечан эди янгилик, гапга:
— Мен штабга бориб қолувдим,
Шошиларди хамма шу дамда,
Бир танишдан сўраб қолувдим,
— Кўчсак керак, — деди, — чамамда:
— Хужум... деди энди жанг, — Егор,
Қараб қўйди унга Олимжон.
Ўқчи рота хужумга тайёр,
Хар юракда қайнамоқда қон.
Ғира-шира, кулранг тонг чоғи,
Марраларнинг якин йироғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир-бирига қўл бериб бирдан
Олов очди ёвга хар ердан.
Тўплар саси момакалдирок,
Ер элагу, беланар тупрок
Чарс-чарс синар дарахтлар шохи,
Ўтда ёнар уруш даргохи,
Оғир танклар келиб қолибди,
Демак фронт ёрдам олибди,
Ёв марраси тўзғиб, янчилар,
Кўтарилар олға жангчилар.

* * *

Жанг қизиди ер ва ҳавода,
Олов билан копланди шахар
Боскинчи ёв хар уй, бинода
Кучанмокда кундуз, кеч, саҳар.
Қадим Орёл, кенг обод шахар
Яраланган одамдай мажрух,
Ёв чидолмай ўз аламига
Ўт қўярди хар бинога у.
Пиёдалар олға интилар,
Кун нуридан тиғлар ялтирар.
Ёв токати тугаб шу дамда,
Сезар ўзин ўт-жаҳаннамда.

Ҳорганини Олимжон билмас,
Қўркув нима ёдига келмас.
Егор шу дам олға ўтади,
Пулемётин тариллатади.
Бир бинонинг устки қатидан
Ўк узилди йўлга тўсатдан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олимжон тез ўзин панага
Олиб, юрди ортки зинага.
Кўтарилди сўнгги қаватга,
Навбат келди сўнг гранатга...
Эшитилди портлаш, дод-фарёд,
Жимиб қолди ёв ва пулемёт.
У, бинодан тушди ва шахар
Озод! — деган таркалди хабар.
Орёлликлар ертўлалардан
Чиқиб келар оч ва яланғоч.
Озод бўлиб очиб кенг қулоч,
Чиқиб келар ертўлалардан.
Кўринмайди атрофда Егор,
Рота йўлга бўлмокда тайёр.
Муюлишдан Егор кўринди,
Ёнбошида бир кари Она
Жангчи ғамгин, хаёл бўлинди,
Она эса турар юраги ёна.
Ойисини отди фашистлар.
Рахм этмади кампирга итлар!
Егор кўзи йилтираб кетди,
Кўзин артиб юзин беркитди.
Пулемётни елкалаб, бўзлаб,
Сафга келиб турди қасоскор,
Ҳалок бўлган отасин сўзлаб,
Дерди дилда ғазаб қасосим бор.

Уч кундирким мардлар ухламас,
Фақат олға ташлайди қадам.
Уч кундирким хужум тўхтамас,
Чекинмокда оркага душман.
Олимжонлар кирғокда турар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўлқинланиб оқади дарё.
Тўлқинида бордай муаммо,
Кўпикланиб қирғоққа урар.
Тўп ўтлари шамолдай слур,
Икки қирғоқ ларзага келур.
Бу кенг даре пайдо бўлгандан,
Манзил излаб сувга тўлгандан
Буён, бундай қонли бир онни,
Икки қирғоқ, икки жаҳонни,
Бундай ўтда кўрмаганди хеч,
Ларзаларни сўрмаганди хеч.
Унинг яйдоқ сохилида жанг,
Тарқаларди гумбурлаш – оханг.
Дарё бўйи – плацдармда
Жанг қизиди хар бир кадамда.
Егор ётар оёклари қон,
Вақт ўтказмай уни Олимжон
Елкалади орқага секин.
Пана жойга элтиб у кейин,
Командирга юборди хабар,
Егор, энди хайр, бор деб имлар.
Хайрлашиб, Олимжон шу кез
Олға томон эмаклади тез.
Узоқ кетди, сўнг ётиб аста
Қулоқ солди, жим эди майдон.
Бироқ ёнда биров хар замон
Инграр эди маъюс ва хаста.
Парашютда тушган учувчи,
Жанггохда у кетиб кучи,
Қийналарди энтикиб бемор.
Портлоғичдан бўлган ярадор.
Ҳолдан кетиб, кўзи очилмас

www.ziyouz.com kutubxonasi

Инграб оғир оларди нафас.
Унинг тизза-оёқлари қон,
Уст-боши, бармоклари қон,
Олимжон тез лочин ярасин,
Боғлаб унга кўрсатди ёрдам.
Ёндан олиб мис флягасин,
Сув ичказди, юракка малҳам.
Елкасиға олиб Олимжон
Олиб кетди бўлинма томон.
Бўлинмага келгандан кейин
Йигит бокди кизнинг юзига
Шайдо бўлди гулдайин рухсор,
Осмон каби, мовий кўзига.
Аста жилар йўлда машина,
Олиб кетар давога кизни.
Жангчи Олим бокиб жимгина,
Машинадан узмайди кўзни,
Хаёлида Олимжон энди,
Жозибали армон сезади,
Ва қалбида Олимжон энди,
Ўчмас олов, туғён сезади.
Хаёлидан чиқмас ўша он,
Қоп-кора тун ва мажрух жонон.
Энди унга жим туриш ётдир,
Энди унга мардлик қанотдир.

Кисм узок йўллардан ўтиб,
Тонг вақтида етди кишлокка.
Кечга довур отишма бўлиб,
Навбат келди хужум килмокка
Олға янги хамла бошланди.
Ўк узди ёв писиб панадан,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қон оқарди жангчи танидан...
Гандираклаб тушди Олимжон
Айланарди тепада осмон...
Ярасини боғлар санитар,
Сўнг Олимжон давога кетар.

* * *

Дарвозада «Виллис» тўхтади,
Ичкарига юрди командир.
Қўмондони келса шу маҳал,
Айтинг, жангчи нелар кутадир?
Оғир яра битганди бутун,
Жаррох қўли келтирган шифо.
Олимжон ҳам энди кундан-кун,
Кучга кириб тонганди даво.

Госпиталнинг бошлиғи майор,
Ҳамширалар ва кўп ярадор
Дарвозада кимни кузатар,
Қўл силкитиб кимни узатар?
Сал нарида кўркам оқ бино,
У бинодан қарайди бир қиз.
Деразага суяниб ёлғиз,
Ҳамширага қилади имо.
Оппоқ бинтга боғлиқ оёғи,
Қўлтиғида қўлтиқ таёғи,
Қийналиш бор ҳаракатида,
Ўлтиради каравотида.
Кириб келган ҳамшира қиздан,
Сўрар: — ким у, палаткангиздан?..
Жўнатдик бир оддий аскарни,
Эшитинг бу ажиб хабарни:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша йигит кўп жангни кўрган.
Жангда қанча ёвни йўқ қилган,
Ботир экан кўркмас, паҳлавон,
Шуҳрат топиб, бўпти қаҳрамон.
У бир туни хавфли майдонда,
Отишмалар кучайган онда
Кўрган экан кўкда у ўтни,
Ва очилган бир парашютни.
Бир лочин қиз бўлганда мажрух,
Қутқазибди уни хавфдан у.

Тасодифий бу хабардан лол
Бўлиб, қизда ўзгарар ахвол.
Киприклари аста қуйилар,
Кўзларида изланиш, армон.
Пайдо бўлиб унда хаяжон,
Қалбда ширин бир ҳис туйилар,
Унинг ўйчан мовий кўзида,
Сутдай оппоқ, жиддий юзида,
Кимгадир зўр меҳру муҳаббат,
Билинарди меҳри нихоят.
Сочларини қўл билан тараб,
Хомуш қолди, тош йўлга қараб,
Планшетни қўлга олди у,
Ёз дер энди дилида ғулув...
Хаёлида оловланиб тун,
Эслаб кетди хаммасин бутун.
Тунги хаво, ой ва юлдузлар,
Бирга учган учувчи қизлар.
Душман тўпи, кўкда ўт-учқун,
Бузилган руль, ёнғин ва тутун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жанг осмони, парашют ва ер,
Ерда портлаш, ёрдам берган эр...
Хаёлида бўлиб намоён,
Кучаяди қизда ҳаяжон.

Кўп ўтмасдан учувчи қиздан,
Олимжон у дилрабо юздан,
Олди кичик меҳр тўла бир хат,
Ўқиди-ю, севинди беҳад.
Унинг оти Людмила экан,
Олимжонга соғлиқ тилаган.
Унга вақти чоғлик тилаган.
Ҳам энг яқин дўстимсиз деган,
Сўнг ёзган у: «Дўстим Олимжон,
Ёдда бўлсин у қонли майдон.
Ёдда бўлсин дийдор кўриш кун,
Ёдда бўлсин ҳаммаси бутун.
Ёзиб туринг менга хат-хабар,
Тилайман бахт ва соғлиқ, зафар».
Олимжоннинг қалби дерди ёз.
У қўлига олади қоғоз...
«Хотирамдан чиқмас ўша он,
Қоп-кора тун, хавфли жанг, майдон,
Сизни топиб кўтарганимда,
Ярангизни боғлаганимда,
Сизни яна сафда кўрмоқни,
Ёвни енгиб бирга юрмоқни,
Орзу қилдим ва дил ҳам туғён
Қилиб, шуни этганди баён:
«Қутқазганинг бўлғуси ёринг,
Саодатинг, умринг, баҳоринг.
Шунинг учун сизни қалбимда
Қайда бўлмай худди олдимда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрган каби юрардим хар он,
Учрашувни килардим армон».

Уруш тугаб бир хордик куни,
Чикдим Болтик кирғокларига.
Зангор сувнинг ўйнокларига,
Кўз югуртдим, денгиз тўлкини –
Кирғокларга ўзин урарди.
Олимжон ва Людмила шу он,
Тикилишиб денгизга томон,
Кўл ушлашиб бахтли турарди.

1945 – 1947.

ЮРАКДАГИ ЎК

Достон

Мен бир куни кадим шахримиз
Самаркандга бордим иш билан.
Тўкнаш келиб менга бир турист,
Караб колди сал ташвиш билан.
Елкасида фотоаппарат,
Ёрилганди офтобда лаби.
Борар эди тўрт ёнга караб,
Бир нарсасин йўкотган каби.
Аппаратни олди елкадан.
Кўлларида тутгандай бомба,
Тисарилиб, салкин йўлкадан
Объективни тўғрилар менга.
Ким билади, ким у, каердан?
Французми, немисми, чехми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ловулларми кўзи мехрдан,
Ё кўзини тўлдирган кекми?
Балки мени нишонга олган
Ўша евдир, ўша тевтондир,
«Отганимда йиқилувди» деб
Лабин тишлаб, энди ҳайрондир.
Мен тирикман,
Ватан давронин
Бир аскари, оддий пахтакор.
Осон эмас аскарнинг қонин
Ерга тўкмоқ, уни этмоқ хор!
Ер тиламас аскар қонини,
Ер ардоқлар инсон меҳнатин,
Бахтга атаб ҳар бўстонини,
Сўзлар инсон қадру қимматин,
Сўзлар ўтган умр баҳорин
Ва номаълум жангчи ғуборин...

Ҳеч ким билмас дилим ярасин,
Ўқдан қолган жисмим порасин.
Пахталарга сув тараб тунда,
Ёнбошлайман шинам шийпонда.
Кўзим кўкда,
Олис учқунда,
Ер йўлдоши сузар осмонда.
Ғойиб бўлар самовий меҳмон,
Юлдузларнинг киприги тинмас,
Қалқиб кетар қалбим ногаҳон,
Кўкни кезиб чиқар у бирпас.

Тун — қарокчи йўлдоши дерлар,
Чегарада изғир балки ёв,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки тунда миллионерлар
Жосусларга тайёрлар «сийлов».
«У-2»нинг янги калхатин
Учирмоқни истар у кўкка,
Ўзгаларнинг сокин сархадин
Тутмоқ бўлар балки у тўпга.
Чўлда ётсам,
Устимдан учган
Юлдуз эмас,
Бўлар гўё ёв.
Олис уфқни қизиллик кучган,
Ёнғинлардан олгандай олов.
Қуёш нега ерга бош қўйса,
Этаклари қизил кон бўлар?
Одамзоднинг қони тўкилса,
Балки, кондан, у алвон бўлар?!
Ўқиб кўринг газеталарни,
Приёмниклар қулоғин буранг,
Кезиб чиқинг кенг китъаларни,
Куррамизда борар хар кун жанг.
Биров излар тунда бошпана,
Биров ишсиз тентирар кунда.
Биров сурар ёт элга кема,
Қўлда тутиб болта ва кунда.
Радарларнинг қулоғи дингдир,
Сезиб турар ер қалбин посбон, —
Тунлар бедор,
Гард кўрмасин дер,
Азиз еру мусаффо осмон.

Гард қўнмаган осмон йўлидай
Жилоланур чўлда бўстоним, —

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пахталари олтин қўлидай
Қайнаб тошган Ўзбекистоним,
Посбоним деб менга боққандай,
Чўл эслатар олдги маррани,
Ширин татир бу тупрок қанддай,
Унутаман бирдан ярани.
Қўшиқ йўлдош,
Мехнат канотим,
Ер очаман,
Чигит ташлайман.
Гул ишқида ўтар хаётим,
Гуллар экиб қўшиқ бошлайман.
Бошоқларим олтин рангида,
Пахталарим порлаган юлдуз.
Кушлар сайрар дил охангида,
Ер ясанар кеча ва кундуз,
Лекин бўлиқ бошоклар аро
Учрагандай захарли индов,
Қирқ биринчи йилдаги каби
Хаёлимда жонланади ёв.
Тариллатиб автоматини
Кўл чўзгандай бўлар бошокка,
Бузиб олам ҳаловатини,
Елка тирар гўё кўндоққа.
Гўё шинель кияман яна,
Шуни эслар тандаги яра.
Юрагимга бир ўқ кўмилган,
Кўпни эса ўк кўмган ерга,

Дилим хориб,
Кўзим юмилган,
Чўмиламан бемажол терга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Яралганган юрак беором,
Даре бўлиб тошиб боради,
Ярасига сўрар интиқом,
Ўқ азоби ошиб боради.
Қўйиб берсам ўтга айланар,
Қанот бўлар ракеталарга,
Қўйиб берсам кўкни айланар,
Ёпирилар сўнг қитъаларга.
Яшин бўлиб ёв ошёнини
Этмоқ бўлар у тилка-пора,
Байроқ қилиб ёнган конини,
Кўзин юммас у эски яра.

Неча йилки, ёв доғи танда,
Кўнмиш у доғ Одер ёнида.
Қил учидай ўқ яшар менда,
Омон қолган солдат қонида.
Шифохона йўлларим кўрдим,
Қиймаланган этларим гувох.
Қанча жарроқ қўлларин кўрдим,
Чўчир, тушса танимга нигох.
Қисмат экан, мудрайди хамон
Дил пардасин остида у ўқ.
Баъзан қийнар кириб унга жон,
Шундай чоғда халоватим йўқ.
Пайдо бўлар кўз олдимда жанг,
Пайдо бўлар куролдош дўстлар.
Кимдир қалқир,
Йўл босар аранг,
Кўксин ушлаб,
Юришни сустлар...
Майсалар қон юрган йўлида,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўз айтмокчи, лекин йўқ саси,
Автомати титрар қўлида,
Автоматда қолган нафаси.
Менга боқар,
Қўлин чўзади,
Қўлим чўзсам,
Ерга қўяр бош.
Қўнгир сочи бехол тўзади,
Совир кейин кўзларида ёш...
Жангчи колар ролга бўйида,
Узоклардан кўринар қабри.
Яшар у мард дўстлар ўйида,
Метин экан одамнинг сабри...
Шундай яна бир алп куролдош
Сой бўйида қўйди ерга бош,
Рассом бўлсам суратин бир-бир
Самовотна чизар эдим мен,
Куррамизнинг хамма еридан
Кўринишни истар эдим мен.
Уни кўриб титрасин дердим
Ўйи калта хар бир урушқок,
Уни кўриб ўзига келсин
Тинчлик ёви, деярдим,
Йигирма йил,
Бир йигит ёши,
Қанча она кўзида ёши,
Йўқлар хамон бўталоғини,
Ёнар топмай гард-тупроғини.
Мардлар ухлар Европа бўйлаб,
Тепаликлар хар бир юртда бор,
Қабр тошлари бир нима сўйлаб,
Зиёратга доим умидвор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лабин тишлаб, қўлтиқтаёққа
Суянганни кўрсам гохида,
Жанг йиллари турар оёққа
Ғижирлаган таёқ охида.
Чандиқ кўрсам биров юзида,
Юзимдаги ўқ доғи дейман.
Ғубор кўрсам биров кўзида,
Шаҳидларнинг тупроғи дейман.
Қадам қўйсам, шивирлайди ер,
Сўрагандай: — дўстларинг қани?
Нега қайтмас кучоғимга шеър,
Мен эмасми улар Ватани?
Ватан, гўзал бўлдинг бунчалар,
Боғларингда гуллар ғунчалар.
Етим-есир, йўл пойлаган ёр
Кўришарми бу боғда дийдор?
Дийдор доғи ҳаммадан ёмон,
Дийдор десам, юрагим ёнар,
Дийдор десам, қулочларини
Ёзиб менга чопар оналар.
Дийдор десам, бўталоқсимон
Ўксиб қанча фарзандлар келур.
Дийдор десам, тепамда осмон
Козон бўлиб бошга ёпилур.
Кўзим олди бўлар зим-зиё,
Дилдаги ўқ жонланар ҳадеб,
Ич-ичимда кўтариб ғавғо,
Ништар урар сени ейман, деб.
Қош устига уюлар тугун,
Чуқур нафас оламан шу дам,
Соф хавони шимаман секин,
Ва ювилар дилдан булут-ғам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шунда бирдан уйғонар боғлар,
Кўзларимни тўлдирар бахор.
Салом йўллар савлатли тоғлар,
Омон бўл дер гуллаган диёр.
Эл деб жангда халок бўлганлар
Хотирасин йўқлайди Ватан,
Ўзга элда хоки колганлар
Хурматига гул сзар чаман.
Кошки эди йўл яқин бўлса,
Гул қўйилса хар бир қабрга.
Қариндошлар йиғилиб келса,
Дўстлар келса тонг билан бирга.

Йигирма йил...
Тинчлик замони...
Лекин тинмас уруш козони.
Россияда шатта еганлар
Кон тўкмокда бугун Конгода,
Бир вактлар уруш деганлар
Кўринмокда яна жанггохда.
Хотиржаммас хатто Мирзачўл,
Мен гулистон яратган диёр.
Туташади, бунда канча йўл,
Йўлларида хар кун одам бор.
Совхозимда кутилар мехмон,
Келиб турар жумлаи жахон.
Хаммалари мени дехкон дер,
Чўлдан чўлни кувган полвон дер.
Баъзилари хушлаб кўришар,
Баъзилари лаб тишлаб карар.
Қўлларимни ушлаб кўришар,
Кўзларимга синчиклаб карар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг касбим ерга дон ташлаш,
Истагим бор: бу ер, бу олам
Бўлмасин хеч жангда хомталаш,
Дон кўкартсин унда хам одам.
Кўк гумбазин остида ухлар,
Ёстиқдошим, азиз ўғилчам.

Юрак эса докторни йўклар,
Жонлангандай яна у ярам.
Демак уруш унутилмаган,
Мумкин эмас уни унутмоқ!
Агар кимдир уни унутса,
Истар эркни тупроққа урмоқ!
Ухлар менинг арзандам Бахор,
Бувасидан айрилган гўзал,
Бувасининг орденлари бор,
Сапёр эди...
Лекин у бир гал
Мина излаб адашди жангда,
Хазонрезгига қўйганди оёқ,
Ўрмон дод деб вахший охангда,
Тупроқ сочиб йиғлади тупроқ...
Қўшин ўтди сапёр йўлидан,
Номи қолди қисмда мангу.
Қўғирчоқлар олиб келолмас
Неварасин кўриш учун у.
Ўша мина ишлаган завод
Ракетага қўл чўзар бугун,
Бир вактлар ўқ сочган жаллод
Янги жангга йўл излар бугун.
Мен бу чўлда ошиқман гулга,
Дастёримдир доимо бахор,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бахор ишқи тугиб кўнгилга,
Дўстлар аро эътиборим бор,
Булоқ очдим чўлда бетиним...
«Оби-ҳаёт» атадим отин.
Чечакларни яшнатсин дедим,
Қушлар сайраб, ёзсин қанотин.
Мен очганда булоқ кўзини,
Ёвлар очар тўплар кўзини.
Дўстлар, дилда туйиб кўринглар
Собиқ жангчи айтган сўзини.
Ёлғон бўлса қайтиб оламан,
Қани энди у ёлғон бўлса,
Қурилмоқда ҳарбий базалар,
Қалбим сезар ер ғувулласа...

Танда қолган ўқ изисимон,
Бир воқса ёдимда хамон:
Жанг даштида,
Ер қанотида
Катталиги гугурт қутидай
Бир қиз расми учиб юришти,
Талпинали юрак ўтидай...
Варақ каби ағдарилади,
Интилади ёнбағирларга,
Шох учида туриб колади
Маъюс боқиб олис қирларга.
Пайпаслайди тепаликларни,
Кимнинг қабрин излайди тентиб?
Қараб чиқар сўнг жарликларни,
Қайтар ундан яна энтикиб.
Кимни излар,
Излагани ким?

www.ziyouz.com kutubxonasi

У сўроқлар,
Олам эса жим...
Сурат келиб қўнди бошимга,
Қараб қолди бирпас қошимга.
Қора, калин қора қошим сқдими,
Ё севганин излаб боқдими?
Шиселимнинг қум босган енгин
Қоқиб, кейин артдим расмни.
Билмасам-да, унинг кимлигин,
Ёшаргандай сездим ўзимни.
Тўлагина жувон. Эгнида
Енги калта қора хонатлас,
Кўз қирида титрарди гина...
Қараб қолдим суратга бирпас.
Аён эди кулиб тургани,
Хатто қалбин уриб тургани,
Қошларида салгина хаёл,
Шундай эди у сохибжамол.
Шамол билан учмоқчи бўлди.
Типирчилаб қочмоқчи бўлди,
Манзилига боқдим: Наманган...
Бошқа сўз йўқ...
Аслида ким экан?
Жанг сурони бошланди яна,
Ловулларди ажал оташи.
У суратни қўйдим кўксимга,
Кўз олдимдан кетмас қараши.
Севганини сўроқлагандай,
Ёрин топмай чеккандай фарёд,
Сўнг хўрсиниб йироқлагандай
Хаёлимда қолди умрбод.
Омон бўлсам, элга қайтганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наманганга бормоқчи бўлдим.
Ёрин кутган қизни топганда,
Лочинни хам кўрмоқчи бўлдим.
Ким юборган севиб жонидан,
Тушиб қолди кимнинг ёнидан?
Хордиқдами,
Жангда бўзларми?
Милтиқ тутиб ёвни кўзларми?
Қахрамонми?
Моҳир merganми?
Ё Ватан деб жонин berganми?
Юрагимни қийнар шу савол,
Қизни топсам, айтар эхтимол.
Элга қайтдим,
Машраб юртини
Кўрмаганман,
Сўроқлаб бордим.
Қишлоқларни кезиб,
Кўплардан
Расм эгасин сўраб ёлвордим.
Қўлдан-кўлга ўтди у сурат,
Нигоҳларга чўкди сукунат.
Расм эгасин топмай сарсонман,
Кўнгил хафа, бесаранжомман.
Қайтмоқ бўлдим келган йўлимга,
Қайноқ қалбли Мирзачўлимга.
Чўл четида,
Норин бўйида
Савлат тўкиб турар бир шийпон,
Сув ёнида,
Салқин сўрида
Олай дедим озгина ором.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менга ўхшаш оксоқ, қотма чол
Салом бериб, ёзди дастурхон.
Сўнгра ўлтириб, сўради ахвол;
«Қариндошлар бормиди, меҳмон?»

Мен кўксимдан суратни олиб
Танийсизми, деб бердим савол,
У суратни олди-ю, бирдан
Лабин тишлаб, қалқиди беҳол...
Ўзин зўрға тутиб сўради:
— Ўғлим, буни қайдан олдингиз?
Бу келиним... (лаби титради).
Куйган дилга олов солдингиз...
Абдурахмон-тўқлимнинг оти,
Мана унинг сурати, меҳмон.
Айтинг, қайда менинг қанотим,
Болагинам...
Қаерда курбон...
Бокар тўрдан — рамкадан жиддий
Командирим, чолнинг дилбанди.
Мени кўриб шу махал худди
Пахтазордан чиқиб келганди.
Абдурахмон! — қичқирдим бирдан,
Воқиф бўлдим мен энди сирдан.
Яна ярам сездирди ўзин,
Ўқ теккандай тутдим кўксимни,
Туман кучди яна дил кўзин,
Кул босибди шунда тусимни.
— Нима бўлди, ўғлим, айта кол,
Отагинанг бўлсин курбонинг,
Чойдан хўпла. — Сўрар кекса чол,
Қийналарми сенинг хам жонинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чолга ёзгин хотирангни, дил,
Чолга айтгин кўрганингни, кўз,
Чолга сўзла билганингни, тил,
Рухсат сўрар хотирага сўз.
Ота тингланг, тингланг, ўқувчим,
Кўрганимни сўзламоқ бурчим...
Сўнгги марта Абдурахмонни
Кўрган эдим ўтли кирғоқда.
Салом бериб ўтди ёнимдан,
Бирга бўлар у қийин чоғда.
Ўрта бўйли, қотма, бурдой ранг,
Чап юзида бор чандиқ изи,
Шарпа сезса, яқинлашса жанг,
Лабин қимтир, қисилар кўзи.
Шу зайлда кўрдим сўнгги бор:
— Йигитлар! — дер комбат —
хамшахар, —
Ёв хужумин эхтимоли бор,
Келди хозир штабдан хабар.
Оғир тўплар ўкириб қолди,
Осмон бўйлаб олов кўзғолди...
Пайдо бўлди душман танклари,
Кафтдай чўлда ўрмалаб.
Ажал пуркар ўт хартумлари,
Ўқ хавони кесар пармалаб.
Ёв сурмоқчи бизни кирғоқдан,
Тепамизга ёғилар оташ,
Кўтарилар фонтан тупроқдан,
Хамма нарса учар аралаш.
Ёнбағирдан кўчган ғулувлар
Мовий Висла нидосимасми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Поляк халқи озодлик кутар,
Мадад учун мардлар келмасми?
Келди, келди...
Қаттиқ жанг борар,
Абдурахмон қисми ҳам жангда,
Танклар гугурт қутидай ёнар,
Фашистларни ўраб аланга.
Рота жангда,
Батальон жангда,
Жангда комбат Абдурахмон ҳам,
Окопларда, жарлик, ялангда
Жанг борарди, оғир эди дам.
Душман тўпи, минамётлари
Ўтга тутар ҳамон қирғоқни,
Бомба ташлар ёв калхатлари,
Ҳовуз-ҳовуз юлқир тупроқни.
Бадбўй тутун сизиб юради,
Ҳар қадам ер тортар эди ох.
Бунда оташ хукм суради,
Қирғоқ бўлди энг оғир жанггох.
Ўқ еб қўйган душман танкларин
Портлар эди ўқи ичидан,
Қанчаси ер тишлади бунда,
Ажралди ёв катта кучидан.

Абдурахмон даврада хушхол,
Жангчилардан сўрайди ахвол,
Туртиб менинг елкамни, кулар:
— Гвардия, ишлар қалай? — дер.
— Қалай эмас — олтин, ҳамшаҳар!
— Ундоқ бўлса, тамакингдан бер.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тамакини шошилмай ўрар,
Сўнг қўндирар аста лабига.
Кимдир унга чақмоқ ўт тутар,
Қараб колар дўст оловига.
Қоғоз учи бир ёниб-сўнди,
Бурксир аста тамаки-тутун.
Қандай вазмин синовни энди
Келтираркин тугамаган кун?
Пинҳон эди дарди, кувончи,
Шерикларин бир-бир кузатар,
Ёнбошида мудраган жангчи
Погонини аста тузатар.
Алокачи чакирди уни,
Биз ҳужумга ўтдик шу куни...
Тепаликда қаттиқ жанг бўлди,
Ёриб кирдик ёв ўртасига,
Боскинчининг ҳоли танг бўлди,
Кочиб колди у эртасига.
Лекин шунда йўқотдим элдош
Абдурахмон командиримни,
Ўксиб-ўксиб тўкдим аччиқ ёш,
Ўк тешгандай ҳамма еримни...
Ичим ёниб, курирди томоқ,
Кор қилмасди селоб ёмғир хам.
Тўкиларди шовуллаб япрок,
Дарахтлар ҳам тутарди мотам.
Сув бўйига уни қўйдилар,
Юз чоғлик мард колди кирғокда...
Тахтачага номин ўйдилар,
Ўзбек хоки колди тупрокда.
Кекса поляк: — бу азиз жой, — дер,
Таъзим килсин келса ҳар одам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эрк элига муқаддас у ер,
Таъзим қилса арзир кенг олам.

Пиқ-пиқ йиғи овози келди,
Кекса поляк йиғларми дедим,
Хаёлларим жанг аро елиб,
Хотирага берилган эдим.
Кўзим очдим, йиғлар эди чол,
Абдурахмон ўғлини эслаб,
Солдат қонин унутмоқ маҳол,
Абгор ота бош эгди бўзлаб.
Белбоғини ечиб белидан,
Сўнг хўрсиниб артди юзини.
Олисдадир ўғли элидан,
Эслар хар дам унинг ўзини:
— Ота, менга бир нима бўлса,
Хафа қилманг келинингизни,
Кўзи ёриб, ўғил туғилса,
Алишер деб қўйилсин исми.
Навоийдек мухтарам бўлсин
Элга қилган хизмати билан,
Олим бўлсин, толеи кулсин,
Умр кўрсин хурмати билан.
Омон борми набира, келин?
— Она-бола боғлашиб белин,
Бўзга кетган қўрик очгани,
Эл хизмати шу экан, ўғлим.
Ота сўзин унутмадилар,
Келиб турар келиним, тўқлим.
Мен — чол қолиб, ўлди арслоним,
Эсиз кетди...
Қийналар жоним.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота истар ўғил дийдорин,
Келин излар севимли ёрин.
Мен эсам-чи, қалбимдаги ўқ
Захрин тортиб, халоватим йўқ.

Самарқандда нотаниш турист
Объективни тўғрилаганда,
Шунинг учун қалбим этди жиз,
Эски оғриқ кўзғалди танда.
Тикка боқдим унинг кўзига,
Кўзларимга боқа олмади,
Аппаратин тугмачасини
«Чирқ» эттириб боса олмади.
Бомбавознинг жез тугмасию,
Милтиқларнинг тепкиларин ҳам
Худди шундай тутиб қолинса
Чорак аср бундан муқаддам,
Яшамасди юракларда йўқ,
Туғилмасди беадад алам.
Ёдга келди шунда тушлари
Юлдузларни ўйнатган осмон,
Ёдга келди узоқда қолган
Командирим — ёш Абдурахмон.
Шунда юрак дардин соз бўлиб,
Куйга солди ушбу достонни.
Қўшиқларим нурдай ёйилиб,
Кезсин энди бутун жаҳонни.

1965.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баллада

ХОТИРА

«Уруш Қаҳрамони» Жўрахон Усмонов хотирасига. («Бизни доимо эслайдилар. Юз йилдан кейин ҳам... — ҳайқирди Усмонов». («Уруш йўлларида» китобидан. 1971).

«Эслайдилар бизни доимо» —
Алп бағрида янгради наъра.
Чақмоқ чақиб ундан дуд само,
Қалқиб кетди ўт сочган марра.
Уни тинглаб замину замон
Излар эди малҳам дардига,
Кўз тикканди дарё бўлиб қон
Соҳилдаги ўн фарзандига.
Ўтолмади бошқа йигитлар,
Тўлқинларни қоплади олов.
Авжга чиқиб уру йиқитлар,
Талвасада ўт сочарди ёв.
Ёв тўдасин шамшир дамидай,
Ёриб ўтган ўн марди майдон.
Окоп қазиб жойидан жилмай,
Фашистларга келтирар қирон.
Душман эса мўру малахдай,
Ютаман деб ёпириларди.
Ўн мард эса ҳамжиҳат бирдай,
Жойларида махкам турарди.
Қуёш чиқиб ботгунга қадар,
Кўтарилди душман неча бор.
Дуч келгандай тоққа ҳар сафар.
Ортга қайтиб бўлди шармисор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўн азамат сохилда ёлғиз,
Шериклари ўтолмас сувдан.
Ўқ-дори ҳам тугамоқда тез,
Дарак йўқдир ором, уйқудан,
Кечаси ҳам оташ олдида,
Ёв ҳамласин қайтармоқ зарур.
Ҳоригандай қалқийди дийда,
Қорин ғувлаб, томоқ ҳам қурир.
Дўстлар қайда, нега Сож дарё,
Елкасида олиб ўтолмас,
Қоронғудан кўринди дунё,
Толиб колди, ўн жангчи толмас,
Ўт сочару, ўйлар Жўрахон,
Қачонгача давом этар бу.
Тишламоққа йўқдир бурда нон,
Юрак ёнар, қани қултум сув,
Душман эса қорнин тўйғазиб,
Бало-қазо каби қўзғалар.
Ўн азамат қалбида ғазаб,
Эл дарди-чун ёвдан ўч олар,
Турмоқ керак, чидамоқ даркор,
Бўронларни қайтарар чидам.
Элга берган қасамёди бор,
Ҳеч ким қўймас ортига қадам.
Ўқлар тугаб колди гранат,
Яраланди қўлдан Жўрахон.
Зафарга ёр ҳар дам жасорат,
Окопидан қўзғалди шу он.
Бўри каби олдида турган,
Ўк узмади унга душмани,
Асир тушар дея ўйлаган,
Жўрахонни, қўли ярани.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёвга яқин бориб Жўрахон
Соғ қўлини баланд кўтарди.
Ёв ичида кўтариб тўзон,
Ўтхонасин янчиб қўпорди.
Лип этдию, ғойиб бўлди у,
Шерикларин ёнига келди,
Бўртган юзин, намиққан сочин,
Силаб, салкин шаббода елди.
Лекин шу вакт ўзин ўнглаб ёв,
Ўн азамат томон югурди,
Бу сўнгги жанг бўлди беаёв,
Ёв тўдаси оташ уфурди,
Ахвол оғир, ажал ком очар,
Газстани йиртди Жўрахон.
Ўн азамат номини ёзар,
«Ўлсак, бу ном колар» дер шу он,
Газстани кўйди окопга,
«Қани дўстлар, жангга!» деди у.
Қуролларни келтириб тобга,
Ёвга карши бўлди рўбарў,
Учди ёвга колган сўнгги ўк,
Иргитилди сўнгги гранат.
Бундан кейин... бошка илож йўк.
Ўлим колар олдинда факат...
Кўтарилди жангда йигитлар.
Алаф каби ўрилди душман.
Жанг майдонин коплади ўтлар,
Талвасага тушди ёв бирдан,
Дўстлар келди ёрдамга, жангга,
Дарё кечиб шошилди улар.
Ўн азамат ўтиб олдинга,
Энди ўзи душманни кувлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шивирлади кузги япроқлар,
Хомуш қолди ўт ёнган кирғоқ
Лолалардай қизарган тупроқ,
Мардлар пойин ўпарди шу чоқ,
Дарё жўшиб бешик елкасин,
Қайиқ айлар баходирларга,
Ўққа тутиб душман тўдасин,
Мардлар шошар янги қирларга.
Қирлар ошиб, ўрмонлар ошиб,
Мардлар борар ғалаба томон.
Сож дарёси оқади шошиб,
Қўшиғида қолар Жўрахон,
Уруш тугаб она юртига
Сож орқали қайтар Жўрахон,
Ундан ўтган жанглар ўтига,
Хаёл бериб ўтади шу он.
Уруш ўтди, бокий оламдан,
Жўрахон ҳам ўтди бир куни,
Эл ажратмас уни кўксидан,
Мумкин эмас унутмоқ уни.
Элда қолди у марддан нидо,
Жасоратли қалбдан кўчган ун.
Мангу мардлик бўлиб учган ун, —
«Эслайдилар бизни доимо!»

1972.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎНГГИ ГРАНАТА

Уруш Қаҳрамонлари
Неъматжон Ҳакимов ва
Виктор Ершов хотирасига

Портлашга бораман хозир онажон,
Кўксимга боғлоғлиқ сўнгги гранат.
Бил ўғлинг нимага қодир онажон,
Портлашга бораман, йиғлама фақат.
Окопда мен қолдим, хам дўстим Виктор,
Бошқалар қонидан қизарди замин,
Иккимиз турибмиз бирга сўнгги бор,
Портлаймиз ўчириб душманнинг дамин.
Портламоқ осонмас йигирма ёшда,
Қалбимда барг ёзган орзуларим бор.
Юрагим севгидан ёнар оташда,
Бахтимга истайман абадий баҳор.
Нақадар севаман Андижонимни,
Мен турган сохил ҳам азиздир менга.
Лекин мен авайлаб ундан жонимни,
Чекинсам қолади дейман у кимга.
Атрофга қарайман дарё елпиниб,
Азиз Украина тур ўғлим, дейди.
Жонсарак еллари менга талпиниб,
Ёвни даф этишга юр ўғлим, дейди.
Булутлар ортида қолган қуёши,
Тунлари ойқиз хам кўрсатмас дийдор.
Қаерда бу юртнинг кексаю ёши,
Буғдойзор қирларда нега йўқ баҳор.
Қаерда шўх кулган қувноқ чехралар,
Қаерда қолган у тиниқ булоқлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қани у боғларда унган ғунчалар,
Қани у ойни лол этган яноқлар!
Шивирлар она Ер: — Бари шу ерда,
Кенг бағрим охидан ҳаммаси оггох.
Қўллари қуролда, ўтли шамширда,
Энди ўз уйларин айлаган жанггох.
Ўрмонлар шовуллар, боқ болагинам,
Сукунат бир хаёл унинг бағрида.
Кимларга паноху, кимга жаханнам,
Бир олам қасос бор унинг қаҳрида.
Дарёдан муз кўчиб, унинг остидан
Ёвдан ўч олишга чиқар қасоскор.
Мардларим йўл босиб душман қасдидан,
Тунларни жанггоҳда ўтказар бедор.
Сен билан Виктор ҳам — икки фарзандим,
Ёнган юрагимга излайсиз малҳам.
Ўртаниб йиғлайман сизга дилбандим,
Чунки сиз йўкликка қўясиз қадам,
Айт бизлар кам ахир қайси бир марддан?
Ёв келса жим турар қайси бир одам,
Халос айламасми ўзини дарддан?
О, замин, муштипар, фарзандим десанг,
Нега мен бормайин оташ оловга.
Қутқаз деб йўлимга ёниб термилсанг,
Қонимни бўямай нега яловга.
Бир марта туғилар онадан инсон,
Ва битта бўлғуси онаизори.
Жанггоҳда Ватанни дедим онажон,
Йўқ экан усиз бахт, она дийдори.
Шунингчун сохилда ёлғиз турибман,
Ёнимда ҳамлага Виктор ҳам тайёр.
Зирҳли аждахосин сурмоқда душман,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўлларда биттадан граната бор.
Бунда биз жангчи хам, бошлиқ хам — икков,
Балки жанг тақдири хал бўлар шунда.
Биз — икков, қаршида зирхли икки ёв,
Қани ким зўр чиқар чанг солиб бунда.
Гулдирар моторлар, ғижирлар занжир,
Тўпларнинг оташи излайди бизни.
«Тигри»дан ўт сочиб, юлқиб ўру қир,
Хал қилмоқчи бўлар тақдиримизни.
Осонмас жангчининг қонини тўкмоқ,
Шафақ ёлқинида қизиллиги бор.
Осонмас жангчининг қаддини букмоқ,
Мукаддас йўлида олам мададкор.
Жангчининг қонидан ранг олар алвон,
Жангчининг азмидан нурли истиқбол.
Жангчининг мехридан унар ерда дон,
Жангчининг қахридан ёв топар завол.
Шунингчун хамлага тайёрмиз бу дам,
Онажон, зафарим ўрнимга ёдгор.
Ўзни танк остига ташлаймиз шахдам,
У ёғи сизга... сўнг йиғламанг зинхор.
Югурган ёв «тигри» тўхтади бирдан,
Гугуртдек ёндирди портлаш учқуни.
Ғилдирак ажралиб оғир занжирдан,
Бурксирди ичидан бадбўй тутини.
Она ер портлаган икки мардига
Абадий шон истаб, тутарди мотам.
Кўк хамдард бўлгандай унинг дардига,
Сел бўлиб ёмғирин қуярди шу дам.
Сохилга бош қўйиб икки мард ётар,
Жингалак сочларин силар эди ел,
Булутлар тарқалиб, оппоқ тонг отар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мардларга мангулик тилар эди эл.
Сохилда хилпирар ўқ теккан алвон,
Икки мард қўлида тутган у ялов.
Шошилиб кўчини ортиб ғарб томон
Жонини ҳовучлаб қочар эди ёв.
Икки мард кирғоқда абадий қолар,
Ҳайкалдир ҳаётга улар тўккан қон.
Уларнинг қалбидан ер нафас олар,
Ундай шерлар ўлмас элда ҳеч қачон.
Кирғоқда турибман, шивирлаб шамол,
Тўлқинлар мавжидан ирғитар инжу,
Икки мард йўлида чарх уриб ҳаёл,
Янграйди оламда бир нидо мангу:
Портлашга бораман ҳозир онажон,
Кўксимга боғлоғлиқ сўнгги гранат.
Бил, ўғлинг нимага қодир онажон,
Портлашга бораман, йиғлама фақат!

1975.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Таржималар

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

«ШОҲНОМА»ДАН

достон

Кайхусрав кўшкига келгани замон,
Огоҳ бўлди унинг ишидан жаҳон,
Тахтига ўтирди келиб шаханшоҳ,
Бошида яркирар хусравий кулоҳ.
Жаҳонда адолат, ҳақ барпо қилди,
Ҳаксизлик томирин заминдан юлди,
Насиб эди унга зебу озодлик,
Худованди тожу ва шаҳзодалик.
Жаҳонда орзуманд шаҳриёр эрди,
Шуҳрати таркалган улуғвор эрди,
Жаҳонда йўқ эрди, унга ҳеч бир зот,
Тобе бўлмай четда кечирса ҳаёт.
Қаср вайрон бўлса айлади обод,
Этди ғамгинларни аламдан озод,
Бахор булутидан куйди ёмғир-нам,
Кўчди ер юзидан ғам занги алам.
Ер бўлди биҳиштдай ораста, гўзал,
Адолат инъомдан зар кучди тугал,
Тўлди яхшилигу тинчликка жаҳон,
Боғланди девларким нияти ёмон.
Не машҳур зотлардан, не улуслардан,
Элчилар келдилар кўп олислардан,
Даштда кўринганда кўшин кораси,
Янгради ноғора кучли наъраси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зол кишиларини олдинга бошлар,
Бинафша туғ филтса ортида яшнар,
Шохнинг қулоғига етди бир хабар,
Келар эмиш Рустам, у эзгупарвар.
Лашкар бирданига жойдан қўзғалди,
Кутиб олмоқ учун дарҳол йўл олди,
Шоҳ дили муждадан бўлди шодмон,
Хабарчига деди: «Бўл доим омон!».
У эрур отамнинг қудрат — мадори,
Ундадир жаҳонда ҳунарнинг бори.

РУҲ ЎТАР

Қаранг, йўлдан аста юриб рух ўтар,
Оташларда ёнган ғам, андух ўтар.
Мадори йўқ, танида ўқ урушдан,
Чандиқ қийнаб, дилдан ох-у ух ўтар,
Сарҳисобдир ўтли йўллар умрига,
Бўронларни енгган бир мажрух ўтар,
Қўлда ҳасса, озғин танда жанг касри,
У жанггоҳдан келтирган шукух ўтар.
Эл тинчлиги, ҳаёт кўрки нур бўлиб,
Хаёлидан у кучган ёғду ўтар.
Сайёд чиқса, ўт чақнаса тоғларда,
Сардорини йўқотган оху ўтар.
Рўё бўлиб уйга қайтмаган мардлар,
Нотинч оламдан гурух-гурух ўтар.
Эрк машъали сўниш билмас заминда,
У элларга бонг уриб сулух ўтар.
Қаранг, йўлдан аста юриб рух ўтар,
Бўронларни енгган бир мажрух ўтар.

1995.

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. ЖОМИЙ

ҒАЗАЛ

У шўх ким айт, лутфи мехри достон у,
Бошдан-оёк жоду сехри достон у,
Гул юзидан чаман бўлди базми эл,
Давра ичра сарви қадди бўстон у,
Лаъли лаби эслатур май жомини,
Ундан чархдек айланур дил, туғён у,
Дил комининг отин мехру инъоми,
Завқи бирлан базмни айлар нодон у,
Айрилгандай гўдак дея бағридан,
Қаро бахтим бўлди қаро, тўзон у,
Хохишманд дил ойжамолин шайдоси,
Лаъли лаби жон олғучи сўзон у,
Не қиларсан Хуросондан Жижозга,
Орзунг эрса каъбаи Туркистон у.

Умар ХАЙЁМ

РУБОИЙЛАР

Умр ўтди беҳуда, фарёд этарман,
Тотган харом, нафас ҳам, ҳайҳот этарман,
Билмаганни ундирмоқ қаро юзим у
Этмаганни қилмоқдан мен дод этарман.

* * *

Хайём, майдан маст бўлсанг, шод бўлгил,
Ой юзлиларла хурсанд ўтиргил,
Ҳамма ишнинг охири йўқликдир,
Бор экансан, йўқликни унутгил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Май ичсанг агар, билимдон билан ич,
Ой юзли гули хандон билан ич.
Кўп ичма, берилма, этмагин ошкор,
Кам-кам ич-у, гоҳ-гоҳ, тутиб зимдан ич.

* * *

Қўркма мавжуд замон ишидан,
Неки етса йўқлик ташвишидан,
Ғанимат бил бу нақд бир дамни,
Қўркма кўргулик, қайтишидан.

* * *

Менинг май косамни синдирдинг рабби,
Менга айш эшигин беркитдинг рабби,
Мен май ичсаму, сен қиласан бадмастлик,
Оғизда хоким, ёки сен мастми рабби.

А. С. ПУШКИН

МЎЙЛАБ

фалсафий шеър

Гусар салобатли хурсанд жилмайиб,
Жингалак мўйлабга кўзин қийшайтиб,
Панжага ўрарди муртини шу он,
Соқоли қиркилган, донишманд,
ҳаким.
Бошин чайқаб мўйлабдорга мулойим,
Чуқур нафас олиб, этарди баён:
«Гусар! Табиатда йўқ мангу нарса
Худди бир-бир ода — мақталган қисса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каби хар подшолик, асрлар ўтар,
Вавилон девори нураб йиқилган,
Даримон-дурами кулаб йўқолган.
Ҳамма вакт югуриб ўтган дарёлар,
Қулоғинг ортида мўйлабинг ўрок,
Вино ром билан у мустаҳкам хар чок.
Ёшлик гўзаллигин килар намоён,
Устара дамини кўрмаган асло.
Сурмадан хар доим килар таманно,
Кўл ва тарок билан тароғлик хар он.
Савлатли мўйлабин эсмайин дейсан,
Сен тунлар Свистов одаси билан.
Мўйлабни авайлаб аста ўрайсан,
Ёстикка юз кўйиб хеч ухламайсан,
Ва каттик тушда хам уни кўрасан,
Эрталаб сен яна мўйлаб карайсан,
Узок, кувнок таом пайтларида сен
Мўйсафид гусарлар даврасида сен,
Каро-шоп мўйлабдор ботирлар ичра
Жуда шўх мехмонсан, кизғин
дилдорсан.
Кимнинг соғлиғига бунча ичарсан,
Гўзалга мўйлаб ё, отчунми кадах!
Жангларнинг дахшатли соати келар,
Ядролар ёрилиб, тўплар гумбурлар,
Сен бўлса эгарда соқит коласан,
Аклга йўл бериб сурасан хаёл.
Дастлаб ушлаб азиз мўйлабни хушхол,
Сўнг содик килични кўлга оласан.
Сенда жўшкин азим куч пайдо бўлар,
Хилватда ёнингда чиройли дилбар,
Сен бўлса имода, ва кўлинг имлар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ширин эҳтиросдар севинчидасан,
Ва гўзал дилбарнинг оғушидасан.
Ҳайбатли мўйлабинг қўлда буралар,
Фахрлар, эй гусар! Сен бўл хабардор,
Тез ўтиб кетгуси арда неки бор,
Жуда тез ўтмоқда соатлар ҳар чоқ,
Қип-қизил юзлар ҳам бўлар заъфарон,
Ва қора сочларга қўнар оқ хазон,
Кексалик этади мўйлабни оппоқ.

Тарас ШЕВЧЕНКО

ЎЙЛАРИМ, МЕНИНГ ЎЙЛАРИМ

Ўйларим менинг ўйларим,
Энг азиз қадрдонларим!
Бундай оғир дамларда сиз ҳам
Ташламангиз мени, ўйларим!
Кўк қанотли каптарларсимон,
Тўпланишиб учиб, елингиз,
Днепрнинг кенг атрофидан
Қум босган бу юртга келингиз
Ва қирғизлар билан кезингиз.
Гарчи очдир, ғарибдир булар,
Эркин, озод, юпун бўлсада...
Худоига ибодат қилар.
Ўйларим, эй, тезроқ учингиз!
Мен ҳам мунгли сўзларим билан
Болалардай сизни эркалаб,
Сизнинг билан бирга йиғлайман.

1847. Орск қалъаси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирзо ТУРСУНЗОДА

ОНА

Ёш қолдим, онажоним, гул юзинг ёдимда йўқ,
Бўю бастинг, қоматинг, қошу кўзинг ёдимда йўқ.
Кўча-кўйлардин, эшиклардин сўроклайман сени,
Онажон, шул кунгача босган изинг ёдимда йўқ.

Қишлоғимда битта таниш момодан сўрдим бориб,
Сўзлашиб қабринг тоши-ла, кўзима сурдим бориб.
Ҳар дарахтнинг навдасига, шохига солдим қулоқ,
Даштларда майсаларга юзма-юз турдим бориб.

Сой десам, сой айтдиким, зилол сувим ичган эди,
Тоғ десам, умринг деди, тоғ мен билан кечган эди.
Ғўза айтдиким, матойимдан либос бичган эди,
Доя дерди, ул замон мен бирла сут ичган эди.

Дерди чашма: ул келарди бошида кўза билан
Ранжитиб эрдим оёғига кириб, дерди тикан.
Дерди чарчоқ: кўзларин мендан қочирган доимо,
Йиғламоқликда, булут дердики, менга ўхшаган.

Бол аччиқроқ эди унга заҳардан доимо,
Ҳам шариат, ҳам тариқат бошида эрди бало.
Онаизоринг ҳақида сўзласак, хуллас калом,
Дунёда эрди ғариб, бечора, ғам бирла адо.

Қишлоғимда бир улуғ, юз ёшли кампир дер эди:
«Онажонинг хўб гўзал, ғунча лаби холдор эди,
Кулча юзли, зулфи занжир, қомати бир навниҳол,
Мулла гар берса савол, унга ёмон озор эди».

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен юрарман кеча-кундуз, Онажон, ёдинг билан,
Доимо дўсту ёрлар бирла мен бир жону тан.
Онажоним, то абад мехрингни қалбимга кўмиб,
Ёдгор этгум анинг устига ашъоримни ман.

Қишлоғим ёдинг билан, онажон, менга азиз,
Нукра сой, феруза осмон, барра ўтлоғим азиз,
Ҳамда мактаб сахни узра дўсти ардоғим азиз,
Ҳар замондошим меним-чун дўсту ўртоғим азиз.

Шеър айтсам, онажонимдан келур гўё нидо,
Қишлоғим десам келур Онам хаёли доимо.
Келса дуч гар бир момо кўча-кўйларда менга,
Дерман унга: Бўл онам то ўлгунимча мутлако!

Мўмин ҚАНОАТ

СУБҲИДАМ ЧАШМАСИ

Сен субҳидам гуллар ҳандаси,
Булбулларнинг хушхон нафаси,
Тоғ қизларин ибоси симон,
Беғуборсан, оромбахш чунон,
Субҳидамнинг зилол чашмаси,
Бўлдинг менга нур ҳикояси,
Мавжланасан юз оҳанг билан,
Товланасан гулшан ранг билан,
Дарвоз қизларидай нозлисан,
Тотлисану болу, эъзозлисан,
Кел, лабингга кўяй лабимни,
Ғамдан халос айлай қалбимни,
Обиҳаётимсан, сипқорай,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эзгулигинг дунёга ёяй,
Ёри ёшлигимсан, ёд этай,
Куйлаб, юртимни обод этай.

ГУЛ СОТУВЧИЛАР ПИРИ

Варзоб тоғи гуллар ери у,
Гул сотувчиларнинг пири у,
Гулшан бағри мисли бекасам,
Белдаги олмос камари хам,
Оксалла ўралган бошига,
Гуллар жами чирой қошига.

Ригор БОРОДУЛИН,
Белорус халқ шоири

ЧИЛОНЗОР

*НАЗАРМАТ*га

Экран шуълаланиб,
Чиқди диктор киз,
У дилбар сўзларди, тиллари бийрон.
Сўнг об-хаводан очди-ю оғиз;
— Бугун ёмғир бўлмас! —
Деб қилди эълон.
О, ёмғир! Соғиндим, ёғсайди кошки,
Киз хам боқарди маъюс ва ночор...
Бирдан экранимда ярқ этди Тошкент
Ва оташ нафасли гўзал Чилонзор.
Бунда белорусим дахаси бор-ку!
Зилзила кунларин эсладим дархол,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тошкент,
Дўст-дўстига чин мададкор-ку,
Неки лозим бўлса керагича ол.
Ишчи кучими ё цементми, тахта -
Сенгадир қалб тафтим,
Дилдаги борим.
Сен, юртим бошига иш тушган вактда
Хароба бўлганда жанг-да диёрим,
Белорус боласин силаб бошини,
Ота мехри ила этгансан эъзоз.
Қўллаб оғир дамда қон-қардошини,
Душмандан олгансан шиддатли қасос.
Асло унутмасман,
Дўстим Назармат,
Белорус ерида сен ичдинг касам:
«Онажон, мен сенга ўғлон ва солдат,
Ором йўк, ғанимни парчин қилмасам!»
Сен кўрдинг болалар қорачиғида
Портлаш дўзахининг машъум шуъласин...
Мен хушнуд Чилонзор мехр иссиғида
Тинглайман эркалар шўх ашуласин.
Белорус уйлари — бахтли хонадон,
Бағри кенг ошиён, кўркам ва обод.
Бунда бир оила борки, ойнадан
Етти жуфт мурғак кўз бокишади шод!
Бу уйнинг отаси бехад балавлат,
Яшасин навқирон, гўзал оила,
Сенга хам тилайман, дўстим Назармат,
Шунча серфарзандлик... Мухаббат ила.

Русчадан Жуманиёз ЖАББОРОВ *таржимаси.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жубан МУЛДАҒАНИЕВ

САЙР ЭТИБ КЎР АЛМАТАНИ

Машинамиз тинмай югуриб,
Асфальт кўча бўйлаб алади.
Москвалик шоир дилида
Янги қўшиқ куйлаб келади.
Энди шаҳар бошланар, — дейди,
Кўрмай туриб уйларни меҳмон,
Ён-атрофда азим тераклар,
Дейсан уни ям-яшил ўрмон,
Рўпарада қорли Олатов,
Баландликка тиклаб борамиз,
Ҳайрон бўлар қадрли меҳмон,
Деган каби, — қайда шаҳрингиз?
Шошма, дўстим, асло ошиқма,
Эрта билан яёв юриб кўр.
Оппоқ сутдай тонг оқаради,
Дарпардани четга суриб кўр.
Қучоғини кенг очиб шунда,
Алмати бўлару намоён.
Кўркам бағри унинг ажойиб,
Қарши олар сени у шодон.
Аён бўлар сенга ҳар киши,
Сақлагайсан эсда сўзларин,
Хотирлайсан кечган ҳар кунни,
Қозоқ қизин кора кўзларин.
Истар бўлсанг шодлик, кулгуни,
Дарёларнинг кумуш жилвасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Театрга бориб кўр, дўстим.
Ипак қиз[1]нинг юрак сирларин.
Юксалади кўзинг ўнгида,
Кўркам уйлар қаторма-қатор.
Илм-маърифат саройларида,
Таълим олар ёшлар бахтиёр.
Аён бўлар уларга олам,
Ҳатто куёш, юлдуз, ой сири.
Гагариндай довюрак ўктам,
Юксакларни кўзлар ҳар бири.
Улкан завод гудоги сени,
Уйғотади ҳар кун тонгги чоқ.
Будир завқли меҳнатнинг бонгги,
Иш бошланар ҳамма ёқда, бок.
Кузатасан эрталаб хушнуд,
Олмазорнинг елдан мавжини,
Шод боқасан шиғил шохларга,
Тошар қалбдан севинч тўлқини.
Ҳар бир олма қанд каби ширин,
Тотиб кўргин тортма қўлингни,
Олмаота олмалар кони,
Мени ол, деб тўсар йўлингни.
Машинамиз елдай югуриб,
Асфальт кўча бўйлаб келади.
Москвалик шоир дилида,
Янги қўшиқ ўйлаб келади,
Ойна каби текис бу йўллар,
Шаҳрим ўхшар яшил гулбоққа,
Шоирга у шодлик куй бериб,
Интилади юксалиш ёққа.

---

[1] Қозоқ халқ достони драмаси қаҳрамони Қиз Жибек.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОБУР СУВ ИЧГАН БУЛОҚ

Кечкурун тунаш учун Қўштегирмон деган жойда тўхтади Бобур.

Пиримқул ҚОДИРОВ.

Шох қирғоқда, посбон Фарход чўккиси,
Пойин қучар нотинч дарё тўлқини,
Қишлоқ мизғир, келмас Бобур уйқуси,
Дилда кезар юрти бедорлик туни.
Булоқ оқар қишлоқ Қўштегирмонда,
Муздек суви шошар Сирдаре томон,
Қайга бориб тўхтар нотинч жаҳонда,
Қайнар тинмай, нелар бағрида пинҳон?
Шох булоққа тенглар навкарлар холин,
Доим йўлда, чодир ичра ёнар шам.
Манзил олис, қўшин тутган қуролин,
Олдда не бор, недир тақдир, у мубҳам.
Сувга боққан шох берилар хаёлга,
Тошдан тошга сапчиб ўйнар шўх булоқ,
Булоқ Сирга, дарё борур Оролга,
Жонли, жонсиз неки борки, у жумбоқ.
«Нега мени тарк этмоқда Андижон,
Не савдога дучор бўлур бу бошим,
Мен шохману, йўқдир муқим бир макон,
Қайга элтур мени тулпор йўлдошим?!»
Олтин қадах тутди ходим май учун,
Ҳовучига олди булоқ сувин шох,
Ташлаб унга сўнгги марта у нигох,
Сипқорди, сўнг йўлга отланди қўшин.

1994.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТАЪЗИМ

Мен якинда тоғдаги олис бир кишлоқда бўлдим.

Қишлоқ марказидаги гулзорда мангу олов ёниб турибди. Гулхан ёнида урушда ҳалок бўлган қишлоқ марди-майдонларининг хотирасига мармардан ёдгорлик тикланган.

Соқоли кўксига тушган, ёши етмишларга борган бир мўйсафид олти-етти яшар неварасини етаклаб, ёдгорлик ёнига келди. Бобонинг ҳам, невараниг ҳам қўлида анвойи гуллар. Улар гулларни ёдгорлик пойига қўйиб, анча вакт кўзларини гулхандан узмай, сукут саклаб турдилар. Мен ҳам улар ёнида турдим.

Тоғ шамоли гулхан чўғини ўйнарди. Қария бошини гулхандан кўтарди. Мен билан кўришиб, ҳол-ахвол сўраб, майдон ёнидаги булоқ бўйида савлат тўкиб турган азим чинор тагидаги сўрига бошлади.

Дастурхон ёзилди. Невара чой келтирди. Отанинг сухбатга мушток эканлигини сездим. Чой асносида дарду дилимиз очилиб кетди. Ота кирк ёшида ғалаба билан уйига қайтиб келганлигини айтди. Фронтда зенитчи бўлиб, фашист калхатларини кийратган экан. Ёдгорликка гул қўйилган кун отанинг ҳам, невараси-нинг ҳам туғилган куни экан. Ота ўз тенгқурларидан кўп киши иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлигини айтди. Сўнг бундай деди:

— Қани энди улар хаёт бўлганларида мана шу сизу биз соясида дам олиб ўтирган чинор тагида ош килиб, етмиш йиллигимни нишонлаётган бўлар эдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бошқа тенгқурларингиз ҳам бордир, совхоз улуғ ёшингизни эса олгандир, — дедим.

— Улуғ ёшимни яхши нишонладилар. Раҳмат уларга! Аммо тенгқурларим бўлганда янада бошқачароқ бўларди. Бир кўрпада катта бўлган кўпгина дўстларимдан айрилганман. Улар хотирасига шу ёдгорлик тикланиб, гулхан ёниб турибди. Шунинг учун ҳар куни бу ерга бир марта таъзимга келаман.

1976.

ТАБАРРУК ЖАВОН

Қишлоқ кутубхонасига келдим. Икки қаватли саккиз хонадан иборат кўркам ва шинам бино. Иккинчи қаватдаги кенг хона қироатхона. Бу ерда ёшу қари китоб мухлислари экан, улар ўзлари қизиққан адабиётларни кўздан кечириш билан банд.

Бир маҳал қишлоқ ўртасидаги мангу олов ёнида кўрган ва кейин чинор остидаги сўрида танишган кекса сухбатдошим кутубхонага кириб келди. Қўлида жумхурият газетаси. Кутубхона мудираси ёшгина ёқимтой жувон отага пешвоз чиқиб салом берди.

— Қизим жавонга газета келтирдим. Унда учта ҳамқишлоғимизнинг номи бор. Биттаси менинг ўртоғим Абдурахмон. Брестда 1941 йил июнь тонготарида халок бўлган экан. Яқинда Брест қалъасида казилма ишлари бораётганида унинг суяги ва номи ёзилган хужжат топилибди. Шулар газетага ёзилган экан. Хабаринг бўлдими, йўқми, деб олиб келдим.

— Раҳмат ота, — жувон қўлидаги газетани олиб варақлади, сўнг тегишли жойини топиб ўқиди. Ўша жойини менга кўрсатиб деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мана қаранг, қарийб ўттиз беш йилга яқин ер остида ётган номаълум қаҳрамон ҳақида хабар. Қишлоғимиздан экан. Биз газетани мана бу табаррук жавонда, авлодларимизга тарихдан сабоқ сифатида сақлаймиз.

Ота хайрлашиб чиқиб кетди.

Табаррук жавон! Мен кутубхонанинг мутолаа зали деворига махсус ишланган жавон ҳужжатлари билан танишдим. У ерда турли тилларда ва турли йилларда чиққан газета тахламлари, муқоваланган журналлар ва китоблар дид билан тахланиб, эҳтиёт билан сақланмоқда. Табаррук жавондаги ҳар бир ҳужжат шу қишлоқдан бўлган Ватан фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган қаҳрамонликларини ҳикоя қилади.

— Жавондаги ҳужжатларни ким тўплаяпти? — деб кутубхона мудирасидан сўрадим.

У иккинчи қават деразасидан ҳовлига қараб:

— Ўша табаррук отахонимиз, — деди мамнун.

1976.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

Беором қалам соҳиби 5
Шеърлар 9
Достонлар 182
Баллада 215
Таржималар 223
Ҳикоялар 236

www.ziyouz.com kutubxonasi

НАЗАРМАТ

УМРИМ МАЗМУНИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Мухаррирлар: *Ш. Эргашева, У. Рахимов*
Рассом *М. Самойлов*
Бадиий мухаррир *М. Аъламов*
Техник мухаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *Т. Огай*
Мусаححиҳлар: *Ю. Бизаатюва, А. Зокиров*

Теришга берилди: 24.12.2006. Босишга рухсат этилди: 10.05.2007. Бичими 70x100 1/32. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 9,67. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 9,52+0,86 зарв. Адади 1000 нусха. Буюртма № 2764. Бахоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**

www.ziyouz.com kutubxonasi